


ISSN 0134—2207

R 496
1989/8










ГУЛИСТОН

8
1989







Уста ганчкор Маҳмуд Усмонов.

Н. Шарипов фотоси



Хоразм вилоятидаги Боғот районига қарашли «Боғот» совхози директори Аҳмаджон Ҳасанов, директор ўринбосари Қурёз Абдуллаев ва совхоз бош ҳисобчиси Юсуфбой Нурматов янги режалар устида фикрлашмоқдалар.

Ш. Иброҳимов фотоси

Тошкент шаҳридаги Луначарский кўчасида жойлашган «Салом» чойхонаси янги қиёфага кирди.

А. Губенко ва В. Майоров фотоси



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ГУЛИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ойлик ижтимоий—сиёсий, адабий—бадиий журнали

№ 8 (474)

Август

1989

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти

Бош муҳаррир:
МИРМУҲСИН

Таҳрир ҳайъати:
Сарвар АЗИМОВ,
Баҳодир АМИНОВ,
Хуршид ДАВРОН,
Наримон ИБРОҲИМОВ,
Ўктам МИРЗАЕРОВ,
Эргаш МУҲАММАД
(масъул котиб),
Шомурод СИДДИҚОВ,
Саидмаҳмуд УСМОНОВ,
Азиз ҚАЮМОВ,
Оқилжон ҲУСАНОВ,
(бош муҳаррир ўринбосари)

Бош мусаввир
Т. Саъдулла
Техник муҳаррир
М. Абдуллаев
Корректор
М. Набиева

«Гулистон» — ежемесячный, общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Редакция телефонлари: бош муҳаррир — 33—35—20; бош муҳаррир ўринбосари — 33—35—90; масъул котиб — 32—58—33; ижтимоий-сиёсий бўлим — 33—36—02; адабиёт ва санъат, фан ва маданият бўлимлари — 33—36—59; мусаввирлар бўлими — 32—58—77.

Адресимиз: 700000, Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.



Урганч сут маҳсулотлари заводининг илғор ишчиси Муҳаббат Отаназарова.
К. Отаев сурати (ЎзТАГ)

Экз. №6

ГБ УзССР Ж

БУ СОНДА:



АЛИШЕР НАВОИЙ:

...«ҲАМД АНГАКИМ, ЗОТИҒА ҲАМД, ОНЧАКИМ, САЗОВОРДУР, АЙТСА БЎЛМАС ВА САНО АНГАКИМ, СИФОТИҒА САНО, ОНЧАКИМ, ЕРИ БОРДУР, БИТСА БЎЛМАС. ЗОТИ ЖАМИЪИ КАМОЛОТ СИФОТИ БИЛА МАВСУФ, СИФОТИДИН МАЖМУЪИ КАМОЛОТ КАШФ АҲЛИГА МАКШУФ».



С. Н. УСМОНОВ:

ДЕҲҚОН — МУЛК ЭГАСИ:

Деҳқонларимиз эртадан кечгача далада — экин экади, парваришлайди, ҳосилни йиғиб-териб олади, планини ҳам, мажбуриятини ҳам ошириб бажаради. Ҳисоб-китобга келганда эса... ҳамёнидан айрилиб чиқишади...



А. МАННОПОВ:

ҚАРИЯЛАРИМИЗ ҚАДРИЯТИ:

Пенсия ва нафақа тўлашдаги адолатсизликлар ҳар қандай колхозчини, дала меҳнаткашини ўйлантиради, энг ачинарлиси шуки, уларнинг меҳнатга муносабатида ҳар хил қарашларни юзага келтиради.

© «Гулистон» № 8, 1989 й.

С.Н.УСМОНОВ ДЕҲҚОН – МУЛК ЭГАСИ

ВАСХНИЛ академиги, Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик илмий-тадқиқот институти директори билан суҳбат

САВОЛ: — Саидмаҳмуд Нуъмонович, деҳқончилик ҳақида деҳқончасига, дангал гаплашсак. Узоқ вақтдан буён ноз-неъмат бунёдкорлари, деб таърифланиб келинган қишлоқ меҳнаткашларининг бугунги кунда топган-тутганида барака бўлмай қолди. Пахтакорларимизнинг оладиган маоши жуда кам, улар қашшоқлашиб бораяптилар. Бу мавзу СССР халқ депутатларининг бўлиб ўтган биринчи съездида ҳам, ҳар қалай, таҳлил қилинди. Ижтимоий фаолиятингизни узоқ вақт деҳқончилик билан боғлаган олим сифатида вазиятни қандай шарҳлайсиз?

ЖАВОБ: — Ҳақиқатан ҳам фикрингизга эътироз билдиришга ўрин йўқ. Маъмурий буйруқбозлик узоқ йиллар давомида меҳнат аҳлини руҳан енгиб, бефарқ қилиб қўйди. Энди бундай эмас. Менимча, СССР халқ депутатларининг бўлиб ўтган съезди омманинг кўзини очди. Меҳнат аҳли пешона тери билан яратган ҳар грамм маҳсулотнинг қадри учун талашиб-тортишиш ҳуқуқини қўлга киритди. Деҳқонларнинг топган-тутганларида барака йўқ, дединг из. Бу аҳволни илмий нуқтаи назардан таҳлил қилайлик. Маълумотларга таянадиган бўлсак, аҳволимиз жуда ҳам оғир. Жумҳуриятимизда, қишлоқ хўжалиги соҳасида киши бошига маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича меҳнат унумдорлиги иттифоқ миқёсидан икки марта паст. Ўз-ўзидан маълумки, фаровонлик меҳнат унумдорлигига боғлиқ. Бу социалистик тузум учун ҳам, капиталистик тузум учун ҳам хос бўлган умуминсоний қонундир. Меҳнат унумдорлиги қанча юқори бўлса, турмуш фаровонлиги шунча ошаверади.

САВОЛ: — «Меҳнат унумдорлиги қанча юқори бўлса...» деганингиз менга: «Қанча кўп ишласанг, шунча кўп ҳақ оласан», дегандай туюлаяпти. Нима? Деҳқонларимиз кам ишлаяптиларми? Кам маҳсулот ишлаб чиқараяптиларми? Ахир афсонавий олти миллион тоннали хирмонни забт этаман деб пахтакорнинг жигари эзилиб кетди-ку!

ЖАВОБ: — Агар шундай десак, меҳнат аҳлига нисбатан адолатсизлик қилган бўлур эдик. Афсуски, меҳнат унумдорлигини ошириш деганда узоқ вақт кўп меҳнат қилишни тушуниб келдик. Бу энг катта, кечирилмас хатомиздир. Бизнинг қўли қадоқ деҳқонларимиз бошқа республикаларнинг меҳнаткашларига нисбатан ерга боғланиб қолишган. Бизда кун кўриш мақсадида қишлоқни ташлаб, шаҳарга кетиб қолиш ҳоллари кам учрайди. Деҳқонларимиз эртадан кечгача далада — экин экади, парваришлайди, ҳосилини йиғиб-териб олади, планини ҳам, мажбуриятини ҳам ошириб бажаради. Ҳисоб-китобга келганда эса... ҳамёнидан айрилиб чиқишади. Маъмурий маълумотлардаги бир сохтагарчиликни очиқ айтишимиз керак. Кўп ҳолларда колхозчиларнинг ўртача ойлик маоши деганда асосан сувчилар, механизаторларнинг ойлик маошини колхозчиларнинг ўртача маоши деб кўрсатишади. Бу — нотўғри ва чалғитувчи маълумот. Колхоз ва совхозларнинг асосий иши — чопиқ, ягана, йиғиб-териб олиш ишларини бажарувчиларнинг меҳнат ҳақлари колхоз уставида белгилаб қўйилган нормативлар бўйича тақсимланади. Масалан, илғор колхозчи қизимиз эрталабдан кечгача бор имкониятини ишга солиб 15 сотих майдонни иккинчи чопиқдан чиқарди, дейлик. Бунинг учун унга белгилаб қўйилган норматива кўра 2,5—3 сўм атрофида ҳақ ёзилади.

Энди ҳисоблаб кўрайлик, кун бўйи ишлаган илғор қизимиз бир ойда тинмай ишлаб, нари борса 90 сўм иш ҳақига эга бўлади. Табиийки, у қанча жон куйдириб ишламасин, ана шу суммадан зиёд ҳақ олишга ожизлик қилади. Демак, меҳнатга ҳақ тўлаш тубдан кўриб чиқилиши керак, бусиз меҳнат унумдорлигини ошириб бўлмайди. Меҳнат унумдорлигини ошириш, деганда иш ҳажмини оширмаган ҳолда унга тўланадиган ҳақни оширишни тушунишимиз тўғрироқ бўларди. Қишлоқда истиқомат қиладиган меҳнат аҳлининг бундай аҳволга тушиб қолишига улар етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларига, жумладан пахта, пилла, ғалла, чорвачилик маҳсулотлари, мева ва сабзавотларга белгилаб қўйилган давлат харид нархининг пастлиги асосий сабабдир. Бу, айниқса, меҳнатнинг янги усули — оила, бригада, ижара пудратлари кенг жорий этила бошлангач, яққол кўзга ташланиб қолди.

Меҳнат унумдорлигининг пастлигига бошқа сабаблар ҳам бор. Буни биз жумҳуриятимизнинг демографик аҳволи билан боғлаб ўргансак тўғрироқ бўларди. Чунки, айниқса, қишлоқ хўжалигида ижара пудратига ўтиб ишлаш кенг қўлланила бошлангач, ортиқча ишчи кучлари ҳосил бўла бошлади. Мавжуд аҳволнинг ҳам меҳнат унумдорлигига таъсир қилмаслиги мумкин эмас. Деҳқон бир ўзи топган битта нонни оиласидаги ишсиз кишилар билан бўлиб ейишга мажбур. Демак, баъзан учга ва ҳоказога бўлинади. Вазиятдан чиқиш учун, менимча, ортиқча ишчи кучларини фойдали, ижтимоий меҳнат билан таъминлаш тадбирларини тезкорлик билан ҳал этиш ҳам долзарб масаладир.

САВОЛ: — Суҳбатимиз меҳнат унумдорлигини ошириш борасида эди. Бунинг аниқ имкониятлари, омиллари яна нималардан иборат?

ЖАВОБ: — Қишлоқ хўжалигида фан-техника тараққиёти намуналарини, уруғчиликда эришилган ютуқларимизни қўллаш самарали рокдир, десак, аравани қуруқ олиб қочган бўлар эдик. Умуман мақсадга эришиш учун ялпи масалаларни ҳал этиш керак. Масалани қай жиҳатдан олиб қарамайлик, муаммолар меҳнаткашларнинг манфаатдорлиги чизиғида кесишаверади. Ҳозиргача колхоз ва совхоз меҳнатчиларига ишбай усулида ҳақ тўланиб келинар эди. Лекин бу нарса пировард натижа билан боғлиқ эмасди. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқарилган маҳсулот сифати паст, сарф-харажат кўп, унумдорлик эса кам эди. Хўжаликлар фаолиятини қайта қуришда бу жиҳатлар эътиборга олинди. Меҳнатни оила, бригада, ижара пудрати усулида ташкил этишдан мақсад пировард натижага қараб ҳақ тўлашни жорий этишдир. КПСС Марказий Комитетининг шу йил бўлиб ўтган Март пленуми айнан мана шу масалага эътиборни жиддий қаратди. Хўжалик юритишнинг қатъий механизми ишлаб чиқилди, яъни деҳқон учун том маънода ерга эгалик қилиш имконияти яратилди.

САВОЛ: — Менимча, ҳозир хўжалик юритишнинг назарий асослари ишлаб чиқилди холос. Амалда бу тадбир суст кечаяпти. Модомики, ижара пудрати энг самарали усул экан, нега жумҳуриятимизда ёпасига бу усул қўлланилмаяпти?

ЖАВОБ: — Маълумотларга қараганда, ҳозиргача 70-90 фоиз хўжаликлар пудрат усулида иш юритишаяпти, лекин кутилган натижага эришилмаяпти. Бунинг сабаблари жуда кўп. Меҳнат унумдорлиги нуқтаи назаридан олиб қарайдиган бўлсак, пахтанинг харид нархи пастлиги ишнинг белига тепиб турибди. Худди шу муаммо нафақат колхозчининг, балки хўжаликларнинг чўнтагига ҳам зарар келтиради. Бу жиҳатдан ҳам деҳқонга мустақиллик керак. Ер батамом ижарага олингандан сўнг, деҳқон мулк эгаси сифатида ўз майдонида бозоргир маҳсулотларни экиш ҳуқуқини ўзи белгилайди. Бу масаланинг биринчи томони, иккинчи томони — етиштирган маҳсулотини хоҳ у пахта, хоҳ пилла, хоҳ чорвачилик маҳсулотлари бўлсин, хоҳлаган жойида ҳатто жаҳон бозорида ҳам бозор кўтарган нархда сотиш имкониятига эгалигидир.

САВОЛ: — Шу ўринда кўпчиликни ўйлантирадиган яна бир савол туғилади. Хўш, деҳқон ижарага олган ерида хоҳлаган экинини экиш имконига эга бўлар экан, унда давлат плани ёки буюртмаси нима бўлади?

ЖАВОБ: — Ўринли савол, бир нарсани эътибордан қочирмайлик: шу пайтгача план деб, буюртма деб, мажбурият деб, мусобақа деб деҳқонни ерга бўлган ихлосидан, ерни эса қувватидан айириб қўйдик. Яқин ўтган йилларда ҳам планни бажариш васвасасида юрар эдик. Планнинг тўлишидан деҳқон ҳамиша ҳам манфаатдор бўлавермасди. Казо-казоларнинг кўкраги орден-медалларга, қўшиб ёзган сохта деҳқонларнинг чўнтаги оқчага тўларди. Натижада озиқ-овқат маҳсулотлари кам етиштириларди, меҳнат аҳлининг саломатлиги бой бериларди.

САВОЛ: — Демак, пахта якказироатчилигининг илдизи ҳам планларнинг белгиланиши билан боғлиқ экан-да?

ЖАВОБ: — Албатта, буйруқбозлик, пахта васвасаси алмашлаб экишнинг бузилишига, атроф-муҳит экологиясининг бузилишига, Орол фожиасига олиб келди. Бу фожиалар тагида юқоридан туриб деҳқоннинг, ернинг имкониятларини ҳисобга олмай план белгилаш усули ётади. Аслида, деҳқончилик — кенгашли масала. Кенгашли тўй тарқамас дейдилар. Бизда кенгашлар кўп бўлди, фақат уларда меҳнаткашларнинг фикр-мулоҳазалари инобатга олинмади. Шу ўринда, мамлакатимизнинг барча меҳнат аҳлига очиқчасига гаплашишни ўрганиш борасида СССР халқ депутатларининг бўлиб ўтган биринчи съезди сабоқдир. Шу билан бирга хўжаликларимизнинг мутлақо планли асосда ишни ташкил қилиши мамлакатимизнинг планли хўжалик юритиш системасига боғлиқлигини унутмаслигимиз керак. Қайта қуриш шароитида хўжаликларимизни планлаштиришда халқнинг, деҳқонларимизнинг фикр ва истакларини, имкониятларини ҳисобга олиш назарда тутилади. КПССнинг бўлиб ўтган Март пленумида Озиқ-овқат программасининг жуда кўп турлари бўйича планлаштиришда пудратчи ва иштирокчиларнинг тилакларига асосланиш

лозимлиги айтилди. Яъни, ғалла, гўшт, сут, тухум, пахта каби маҳсулотлар бўйича давлат планини белгилашда халқимиз эҳтиёжини назарда тутиш, республика, область маъмуриятлари пудратчилар билан шартнома тузиб, иш юритиш механизмини такомиллаштиришлари мақсадга мувофиқ деб топилди.

Шартнома жараёнида маҳсулот миқдори, сифати ва харид нархи икки томоннинг келишуви асосида белгиланади. Бу, деҳқон том маъноda мулкка эгалик қилади, деган сўздир. Шу ўринда бизнинг онгимизга сингдириб келинган бир масалага тўхталишни лозим деб ўйлайман. Маълумки, давлат — халқники, жамоатчилик ишлаб чиқарган маҳсулот — ҳамманики, биз жамиятнинг эгасимиз каби умумий сўзлар шунчалик масъулиятсизлик билан кўп қўлландики, мавжуд нуқсонлар хаспўшландики, натижада ерга, сувга, маҳсулотга эгалик тушунчаси сохталашиб кетди. Мисол тариқасида қурилиш соҳасини олайлик: қурилиш материаллари — давлатники, яъни ҳаммамизники, жумладан меники ҳам. Аммо уларни нопок прораб четга пуллаётганини кўриб, нега ўзимизни кўрмасликка оламиз? Ҳамма бошбошдоқлик, талончилик мана шу ердан, яъни биз ўзимизда мулкка эгалик ҳиссини йўқотганимиздан бошланди. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, мулк эгасидан ажраліб қолди. Шунинг учун оила, бригада, ижара пудратларини жорий этиб, уларнинг ихтиёрига ер, техника каби ишлаб чиқариш манбаларини бериш билан мулкка эгалик қилишни таъминладик. Афсуски, социализмда ишлаб чиқариш муносабатларининг фарқини кеч англаб қолдик. Бу тузумимизнинг мазмунини ифодалайдиган нарса эди. Энди уни такомиллаштиришимиз, социализмнинг кувватларидан тўла фойдаланишимиз зарур. Бир қарашда бу ишлар мураккабдай туюлади. Начора, бу ишларнинг ҳаммаси ҳаётий заруратдир. Мисол тариқасида қишлоқ меҳнаткашларининг томорқасини олиб кўрайлик.

САВОЛ: — Бу мисолга мурожаат қилишингизнинг боиси нимада?


ЖАВОБ: — Сабаби кишиларнинг томорқа хўжалигида эгалик хусусияти яхши сақланиб қолган. Оиладаги иқтисодий муносабатлар оила аъзоларининг ўзаро муносабатларида ривожланади. Томорқа хўжалигининг колхоз ва совхозларда тутаётган ўрни ниҳоятда каттадир. Жумҳуриятимиз бўйича сутнинг қарийб 60, гўштнинг 50, мева ва сабзавотнинг 30—40 фоиздан кўпроғи шахсий хўжаликларда етиштирилади. Жами озиқ-овқат маҳсулотларининг 40 фоизи томорқа хўжалиги ҳисобига тўғри келади. Ўрни келганда бир муҳим маълумотга эътиборни қаратиш лозим деб ўйлайман. Бизда томорқа хўжалигига эътибор жуда паст. Мавжуд суғориладиган майдоннинг атиги 4,5 фоизи ана шу хўжалик учун ажратилган. Энди самарадорликни таққослаб кўрайлик. Жамоат хўжаликлари — колхоз ва совхозлар 1 гектар экин майдонидан 1 минг 700 сўмлик маҳсулот етиштиришади. Томорқа хўжаликларида эса, бу кўрсаткич 12 минг сўмни ташкил этади. Бу самарадорликнинг сабаби, ҳали таъкидлаганимиздек, ернинг ҳақиқий эгаси борлигида! Кўриниб турибдики, томорқа хўжалигида моддий манфаатдорлик юқори. Лекин минг афсуски, жумҳуриятимиз колхоз ва совхозларида истиқомат қиладиган қишлоқ аҳли бу томондан ҳам қисиб қўйилган — ҳар бир оилага ажратилган томорқа сатҳи Ўзбекистон шароитида 8—12 сотихдан ошмайди. Аслида томорқа хўжалигини ривожлантириш учун ҳар оила камида 25 сотих ер билан таъминланиши керак. Болтиқ бўйи, Белоруссия республикаларида, Россия Федерациясида ҳар бир оила ҳиссасига 40—60 сотих ер тўғри келади. Хўш, нега бизнинг жумҳуриятимизда аҳвол шундай, деган ҳақли савол туғилади. Бу масала алоҳида таҳлил талаб қилади. Бир пайтлар Ер кодекси ишлаб чиқилаётган кезларда жумҳурият маъмурияти мазкур масалага бир томонлама қараган. Ҳозир маълум бўлишича, жумҳуриятимизнинг собиқ раҳбарлари, агар меҳнаткашларга 25 сотихдан ер ажратиб берилса, ер талон-тарож бўлиб кетади, колхозчилар ўз хўжаликлари билан овора бўлиб, колхоз ва совхоз далаларида ишламай қўядилар, деган бемаъни важга асосланиб, оилаларга ажратиладиган томорқа сатҳини 1950 йилларда 10—12 сотих атрофида қилиб белгилаганлар. Айни пайтда бу кўрсаткич айрим жойларда ҳатто 5—6 сотихгача тушиб қолган. Бу — мутлақо қониқарсиз, кўр-кўрона маъмуриятчилик, бюрократлик ҳодисаси. Томорқа хўжалигининг афзаллиги, қишлоқ аҳолисига шахсий томорқа учун ажратиладиган ер сатҳини икки баробар ошириш ҳақида биз узоқ вақтлардан буён ўз илмий тадқиқотларимизда, матбуот орқали чиқишларимизда кўп ёзганмиз. Ниҳоят, шу йил, 19 майда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети «Қишлоқ оилалари хўжалигини ривожлантириш» ҳақида қарор қабул қилиб, шахсий хўжаликни ривожлантириш учун ажратиладиган томорқалар сатҳини 2 баробар ошириш тадбирини белгилаб берди. Шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, бизда жуда кўп қарорлар қабул қилинган ва уларнинг аксарияти қоғозларда қолиб кетган. Томорқа хўжалиги ҳақидаги қарор ҳам шу аҳволда қолиб кетмаслиги керак. Токи, бунга жойлардаги колхоз ва совхоз маъмурияти тўсқинлик қилмасинлар. Токи, моддий неъмат яратувчиларининг халқ хўжалигини ривожлантириш ташаббуси қарор топсин. Бу хайрли ишни деҳқонларимиз ҳозирдан бошлаб юборсалар нур устига аъло нур бўлур эди. Агар томорқа хўжалиги муаммоси оқилона ҳал қилинса, олдимизда кўндаланг бўлиб турган ишсизлик, аҳолини уй-жой билан таъминлаш, озиқ-овқат масалалари бир йўла ҳал этилади. Бозорларимиздаги қимматчилик ҳам барҳам топади. Ахир томорқа хўжалигининг нақадар самара беришига гувоҳ бўлдик-ку! Халқимизда «Ер тўймаса эл тўймайди», деган доно мақол бор. Мана шу мақолни шу кунларда «Деҳқон тўймаса, эл тўймайди», деб ифодаласак тўғрироқ бўларди.

САВОЛ: — Жумҳуриятимизда аҳоли турмушини фаровонлаштиришнинг шунча кўп имкониятлари бор экан, ерга эгалик ҳисси ҳақида ибратли гаплар бўлди, ана шуларни тинглаб ўтириб, ўйлаб қоласан киши. Хўш, шу пайтгача ер эгасизмиди? Ахир жумҳурият, музофот, район, партия, совет ташкилотлари ернинг, сувнинг — социалистик мулкнинг эгаси эмасмидилар?

ЖАВОБ: — Ҳақиқатан ҳам эга ҳисобланишар эди. Аслида раҳбарлар ишлаб чиқаришда бевосита иштирок қилмайдилар. Шунинг учун ҳам уларнинг мулкка эгалик қилишга ҳақлари йўқ. Чунки улар халқ эмас, халқнинг вакиллари холос. Ана шу вакиллар халқ манфаати нуқтаи назаридан мулкка эгаллик қилиш ўрнига мулкнинг устидан раҳбарлик қилувчи бюрократ гуруҳларга айланиб қолдилар. Ўз вазифалари — раҳбар сифатида ишлаб чиқаришга хизмат қилувчилик, таъминотчилик ҳисларини унутиб, буйруқ бериш, халқ номидан гапириш, кези келганда раҳбарлигини пеш қилиш йўлидан бордилар, оқибати эса маълум...

МУХБИР: — Саидмаҳмуд Нуъмонович, деҳқончилигимиз истиқболи ҳақидаги мароқли суҳбатингиз учун катта раҳмат, ишларингизга ривож тилаймиз.

Суҳбатни Уктам МИРЗАЕВ олиб борди.



Р. Гофуров сурати (УзТАГ)

Самарқанд районидаги «Самарқанд» агросаноат комбинатининг ремонт-ишлаб чиқариш корхонасида «Энергосаноат» деб номланган хўжалик ҳисобидаги янги хизмат кўрсатиш усули ташкил этилди.

КОМИССАРИНГИЗНИ ТАНИЙСИЗМИ?

МУҲОКАМА, МУЛОҲАЗА, МУНОЗАРА

Комиссар, деганимизда китобларда ўқиганимиз, кинофильмларда кўрганимиз — иродали, ташаббускор ҳар қандай салбий кўринишлар билан муроса қилолмайдиган жанговар совет кишисини тасаввур қиламиз. Айниқса, уларнинг 20-йиллардаги афсонавий жасоратлари, инқилоб ишига бўлган мустаҳкам эътиқодлари ва оммани келажакка ишонтирувчи қобилиятлари доимо бизни ҳайратга солган. Комиссарлар ана шундай оммани эргаштира олувчи фазилатлари билан эътиборимизни қозонган.

Афсуски, шахсга сиғиниш ва турғунлик йилларида нафақат ленинча сиёсатга, балки эътиқодга ҳам путур етди. Оммани ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш буйруқбозлар, маъмуриятчи мансабпарастлар қўлига ўтиб қолди. Натижада айрим идораларнинг ишида, сиёсатида халқ билан ҳисоблашмаслик вазияти вужудга келди. Партия билетидан манфаат кўриб қолишга интилувчи нопок ва ғаразли кишиларнинг фаолияти натижасида партиямизнинг обрўсига оз бўлса-да путур етди. Энг асосийси партия ташкилотларининг жанговарлиги сусайиб кетди. Комиссарлар билан халқ ўртасида кўзга кўринмас жарлик пайдо бўла бошлади.

Аммо қайта қуриш шарофати билан жамиятимизда юз берган инқилобий ўзгаришлар яна партия сафларини жипсликка, коммунистларни авангардликка чорлади. Айниқса, бу улкан кураш жараёни бошланғич партия ташкилотларидан, уларнинг етакчиларидан фидойилик, ақл-заковат билан масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда иш тутишни талаб қилаётир. Лекин қишлоқ районларидаги партия ташкилотларида ўзгаришлар ниҳоятда оғир ва қийинлик билан кечмоқда. Кўпгина колхоз ва совхоз бошланғич партия ташкилотларига сиёсий билими етук бўлмаган, асосий вазифаси нимадан иборат эканлигини ўзлари ҳам англаб етмаган, омма ҳаётини яхши билмайдиган кишилар етакчи этиб тайинланган. Улар хўжалик ишлари билан машғул ходимларга айланиб қолишган.

Иттифоқо, иш юзасидан Андижон вилояти, Комсомолобод районидаги «СССР 50 йиллиги» совхози партия ташкилотининг котиби Холмамат Солиев билан суҳбатлашдим. Суҳбатдошимнинг хотираси жуда яхши экан, совхозда қанча майдонга қанақа экин экилгани, гектаридан қанчадан ҳосил олингани, бу йилги планлар қандай — ҳаммасини ёддан айтиб берди.

Лекин мен комиссардан бошқа сўзни илҳақ бўлиб кутаётган эдим. Уша планларни амалга оширувчи деҳқоннинг, қадоқ қўлли колхозчи аёлнинг даромади қандай? Уларнинг сиҳат-саломатлигидан котиб хабардорми? Қанча ишчига санаторий ёки дам олиш уйларига йўлланма ажратилди? Қишлоқларда касалхона борми? Клуб-чи? Бу ҳаётий эҳтиёжлар ҳақида ундан фикр кутган эдим. Комиссар санаган рақамларни зарур бўлса агроном ҳам, совхоз иқтисодчиси ҳам айтиб бериши мумкин эди. Хўжаликда меҳнаткашларнинг фаровонлиги учун зарур бўлган мактаб, боғча, кутубхона, маиший хизмат кўрсатиш муассасаси, барчабарчаси учун партия ташкилоти масъулдир.

Афсуски Х. Солиев сиёсий-ижтимоий, маданий-маърифий, оммавий-тарбиявий иш олиб бориш ўрнига хўжалик масалалари бўйича раҳбар ўринбосари вазифасини бажариш билан шуғулланиб юрибди. Совхоз раҳбарларининг (директори А. Усмонов) меҳнаткашлар турмуш шароитига эътиборсизлик билан қарашлари оқибатида ишчилар орасида ҳақли эътирозлар пайдо бўлмоқда. Масалан, колхоз чорвадорларига дам олиш, ишдан сўнг ювинишлари учун ҳеч қандай шароит яратилмаган.

СССР халқ депутатларининг биринчи съездида нотиқ академик Д. С. Лихачев «Жамият маданиятли бўлмас экан, аҳлоқийлик ҳам бўлмайди», деган жуда теран фикрни таъкидлаган эди. Афсуски, жумҳуриятимиз қишлоқларида кишиларнинг маданий савиясини ошириш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Улар ижтимоий-сиёсий фаолиятдан йироқ. Жойларда маърифий тадбирларнинг олиб борилмаслиги шу аҳволга олиб келди. Улардан фақат иш талаб қилавериб, қилавериб, жонли машинага айлантириб қўйдик.

Чорвачилик фермасининг дам олиш хонаси эшигига қулф осиб қўйилган, сиёсий-маориф бурчаги йўқ. Ферма ҳовлисида ёки бошқа хоналарда кўргазмали ташвиқот ишлари амалга оширилмаган. Ферманинг бир неча коммунист ишчилари билан қилинган суҳбатдан шу нарса маълум бўлдики, уларнинг сиёсий савияси жуда паст, мамлакатимизда кечаётган воқеалардан бехабар, энг ёмони қайта қуриш жараёни ҳақидаги фикрлари қулоққа чалинган гаплардан нари ўтмайди. Одамлар шу даражада бефарқ бўлиб кетишганки, ҳатто ўзларининг етакчиси, комиссарни, яъни совхоз бошланғич партия ташкилоти котибини ҳам танимас экан.

Қайта қуриш йўлидаги асосий тўсиқлардан бири тафаккур қашшоқлигидир. Совхоз партия ташкилоти котиби Х. Солиевдаги ғоявий-сиёсий билимнинг пастлиги бошланғич партия ташкилоти фаолиятини ана шундай ҳолга солиб қўйган.

Совхоз марказий техника паркида ҳам механик ҳайдовчилар, созловчилар учун ҳеч қандай шарт-шароит яратилмаган. Дала шийпонлари аҳволини-ку таърифлашга одам уялади. Дала меҳнатчисининг бирдан-бир ҳордиқ маскани — дала шийпони ҳатто электр қуввати билан ҳам таъминланмаган. 51 фоиз ишчиларнинг фарзандлари боғча-яслиларга жойлаштирилмаган.

Райондаги «Ленинчи» совхозининг «XVII партия съезди» номли сут маҳсулотлари фермасида ҳам аҳвол бошқаларидан фарқ қилмайди. Чорвадорлар меҳнати ибтидоий усулда ташкил этилган. Кимнинг нима билан машғуллигига ҳеч ким аҳамият бермайди. Фермада чорвадорлар учун энг оддий санитария-озодалик шарт-шароитлари ҳам яратилмаган.

— Бизда ҳамма иш қўлда бажарилади, — дейди сут соғувчи Патилахон Фармонқулова. — Бир йилдан бери сут соғиш аппаратларини сўраймиз. Лекин совхоз раҳбарларидан бирор жўяли жавоб олганимиз йўқ. Оқибатда барча оғирлик биз аёлларга тушаётир. Тонгда, яъни соат тўртдан сут соғишни бошлаб, пешинга яқин зўрға тугатамиз. Ҳориб-толиб тушлик қилгани уч чақирим йўлга, уйимизга пиёда кетамиз. Фермамизда эса бир пиёла иссиқ чой ичишга ҳам шароит йўқ.

— Инсондан мол афзал экан, — дейди куюниб сут соғувчи Рисолат Жабборова. — Агар шундай бўлмаса, фермадаги чорвадорлар уйи, душхонани бузиб материалларини моллар учун бостирмага ишлатишмасди.

— Биз фермамиздаги шароитни яхшилаб беришни сўраб совхоз партия ташкилотига ҳам бир неча бор мурожаат қилдик. Аммо натижасиз қолаётир, — дейди сут соғувчи, коммунист Манзура Зоирова. — Шунинг учун совхоз бошланғич партия ташкилотига ҳам ишончимиз йўқ.

Фермада коммунистлардан: «Иш ёки шахсий юмуш юзасидан бирор марта бошланғич партия ташкилотига мурожаат қилганмисиз?» деб сўраганимизда кўпчилик, йўқ, деб жавоб қайтаришди. Сабаби у ерда котибнинг бирор масалани мустақил ҳал қилишига кўзлари етмас экан.

Маълумки, ижтимоий муаммоларни ҳал қилишнинг майдаси бўлмайди. Бу ишда айниқса партия ходимлари ташаббускор бўлишлари керак. Афсуски, чорвадорларнинг қанд ва совун каби кундалик эҳтиёж маҳсулотларига талабини қондириш ишига совхоз партия ташкилоти котибининг ўринбосари (мустақил маош олиб ишловчи) Собиржон Содиқов: «Бу масала билан менинг ишим йўқ» деб, ўзининг сиёсий раҳбар сифатида халқ дардини ўйламаслигини яққол кўрсатди.

Совхознинг иккинчи бўлим, 4-бригадаси дала шийпонида янада ачинарли манзаранинг гувоҳи бўлдик. Бригада дала шийпони ишчиларнинг дам олиш маскани ҳисобланади. Афсуски, деворлари нураб кетган бу харобада уй-жой билан таъминланмагани учун совхоз ишчиси Раҳматуллаев оиласи билан истиқомат қилаётган экан. Бу ерда ишчининг оиласига яшаш учун зарур бўлган на ичимлик суви, на электр токи бор. Уларнинг боғчага жойлаштирилмаган фарзандлари шийпон атрофидаги минерал ўғитлари уюми олдида ўйнаб юришибди. Совхоз маъмурияти (директори К. Исҳоқов), касаба союз комитети (раиси Т. Мамасолиев) бу ҳолни яхши била туриб, бирор чора-тадбир кўрмаганлигини нима дейиш мумкин. Совхозда шунга ўхшаш жуда кўплаб ижтимоий муаммолар тўпланиб қолган. Ортиқча меҳнат ресурслари, боғча ва яслиларда ўрин камлиги, маданий ва маиший хизмат кўрсатишнинг йўлга қўйилмаганлиги меҳнаткашларнинг турмуш тарзини янада оғирлаштириб юборган.

500 коммунистни ўз сафига бирлаштирган совхоз партия ташкилоти катта кучга эга бўлишига қарамай мустақил иш юритишга ожиз. Коммунистларнинг «авангард»лиги алвонга «Ҳамма нарса инсон учун» деган шиорни ёзиш билан чегараланиб қолган. Мавжуд муаммоларни меҳнаткашлар оммаси билан бир танбир жон бўлиб ҳал этишга қодир бўлмаган бу партия ташкилотининг фаолияти заифлашиб, унинг комиссари ўз обрўсини тушириб юборганлигини қандай баҳолаш мумкин?

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XIII пленумида ҳам «Бошланғич партия ташкилотларининг ҳар иккитасидан бири бутунлай нофаол иш олиб бормоқда», деб тўғри таъкид қилинди.

Қўшни Москва районидаги «Октябрь» колхозида бўлиб, партия ташкилоти котибини суриштирганимизда кўпчилик ҳайрон бўлишди. Чунки колхозга келган ҳар бир киши аввал раисга учрашиши табиий ҳол бўлиб қолган. Комиссар Ашурали Жўраевнинг кенг, шинам ва ҳар жиҳатдан қулай хонасига қадам қўйган киши бошланғич партия ташкилотининг фаолияти акс эттирилган турли плакатларни кўриб, унинг ишлари «беш» бўлса керак, деган хулосага келади. Аммо дала шийпонларида ва чорвачилик фермасида бўлганимизда партия ташкилотининг фаолияти фақат қоғозлардагина акс этганлигининг гувоҳи бўлдик. Колхоздаги айрим коммунистлар ўзларига берилган партиявий топшириқ нимадан иборат эканлигини ҳам билишмайди. Аслида ошкоралик даврида ҳар бир киши фаол ҳаётий фикрга эга бўлиши, ҳар қандай камчиликларга муросасиз курашиши керак. Замон талаби шундай. Эскича иш услуби қандай аҳволга олиб келишини СССР халқ депутатларининг ошкоралик принципига асосланиб ўтказилган биринчи съезди яна бир бор кўрсатди. Лекин колхоз партия ташкилотини, жамоатчиликни, мавжуд камчиликларга ва салбий ҳодисаларга қарши муросасиз ку-



Оилавий пудрат асосида меҳнатни ташкил қилган Ҳабибулла Абдуллаев колхозчи О. Муҳаммаджонов билан ҳосил йиғимида; колхоз бош агрономи Фозил Абулқосимов, колхозчилар Шокир Аҳмедов ва Асқарали Умаровлар истеъмолчиларга ўз вақтида карам етказиб беришга қарор қилишган.



Баҳорда рўй берган табиий офатга қарамасдан Тошкент районидаги Куйбишев номли колхоз деҳқонлари полиз ва сабзавот экинларидан мўл ҳосил етиштирдилар.

Н. Муҳаммаджонов суратлари

рашаяпти, деб бўлмайди. Чунки, колхозда деҳқонларнинг, чорвадорларнинг иш шароитлари ва турмушлари кўнгилдагидек эмас. Колхозда меҳнатга қобилиятли мингдан ортиқ киши ишсиз. Улар ночор турмуш кечиришаётир. Шунингдек, қишлоқ хўжалигида оила ва ижара пудратининг жорий қилиниши яна кўплаб иш ўринларининг қисқаришига олиб келди. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти ҳунармандчиликни, маҳаллий саноатни ривожлантириш йўли билан ишсизларни иш билан таъминлаш ҳақида жиддий ўйлаб кўришмаяпти. Улар қўшни «Правда» колхозида бу борада олиб борилаётган тадбирларни ўрганиб, ўз фаолиятларида ҳам қўлласалар яхши бўларди, балки хўжалик қолоқликдан чиққан, колхозчиларнинг турмушида, бироз бўлса-да, ижобий ўзгаришлар рўй берган бўлармиди?

Чунки «Правда» колхозининг дала шийпонларида, фермасида меҳнаткашлар учун яратилган шарт-шароитларни кўриб ҳавас қиласиз. Сўлим дала шийпонлари колхозчиларнинг ҳақиқий иккинчи уйига айланган. Колхоздаги ортиқча ишчи кучларни иш билан таъминлаш, колхозчиларнинг қурилиш материалларига бўлган талабини қондириш мақсадида колхоз ўз маблағи ҳисобидан ғишт заводини қуриб ишга туширди. Бир кунда завод 10 мингдан ортиқ ғишт ишлаб чиқаради. Колхоз заводида ишловчиларнинг ўртача маоши 200—210 сўмни ташкил этади. Шунингдек, колхозда асфальт, эшик-ром тайёрлайдиган, симтўр тўқийдиган цехлар ҳам ишлаб турибди. Бу цехларга 200 колхозчи жалб этилган. Бу ишларни йўлга қўйишда бошланғич партия ташкилоти котиби ҳам фаоллик кўрсатаяпти. Комиссар Рўзиохун Раҳимов меҳнаткашларнинг таклиф ва мулоҳазалари билан алоҳида шуғулланади. Унинг қабул натижалари қайд этилган «темир» дафтари билан танишиб, бунга яна бир карра амин бўлдик. Одамлар партия ташкилотига турли хил масалалар бўйича мурожаат қилиб турар экан. Оилавий масала, иш юзасидан, дам олишга йўлланма сўраб, хўжалик фаолиятига доир таклиф билан, ҳатто ўғлини армияга кузатаётган колхозчи аёл машина сўраб мурожаат этади котибга. Демак, Р. Раҳимов ташкилотчилик ва сиёсий ишни давр талаби руҳида қайта қура олган. Энг муҳими, одамлар қалбига йўл топа билган. Колхозчилар ҳам унга ишонишади ва доимо мададкор ҳимоячиси бор эканлигини ҳис қилиб туришади.

Қайта қуриш талабларининг муваффақияти кўп жиҳатдан пухта билимга асосланади. Колхозда партия ташкилотининг изчил фаолияти натижасида партия ўқуви, иқтисодий таълим машғулотлари аниқ йўналишга қўйилган. Меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжлари ҳисобга олиниб, колхозда янги мактаб ва боғчалар ишга туширилаётир. Яқинда колхознинг «Тўлқин» участкасида хўжалик маблағидан 60 минг сўм сарфланиб, янги поликлиника ишга туширилди.

Москва районидаги «Москва» колхози коммунистлари ҳам Гуласал Мирзаахмедовани демократик асосда бошланғич партия ташкилотига котиб этиб сайлашган эди. Асли мутахассислиги иқтисодчи бўлган Г. Мирзаахмедова сиёсий раҳбар сифатида колхозчиларнинг ишонч ва умидини оқлай олмади. Ғоявий-сиёсий жиҳатдан етук малакага эга бўлмаган партия ходими жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги ғоят мураккаб босқичида воқеаларни тўғри баҳолай олишга ожизлик қилади. Колхозда хотин-қизларнинг фаол ишлашлари учун зарур шарт-шароит яратилмаган. Уларнинг фарзандлари учун замон талабига жавоб берадиган болалар боғчаси йўқ. 8-бригада дала шийпонидаги 17 та бола тарбияланаётган кўчма боғчадаги аҳвол ниҳоятда ночор. Болаларга бор-йўғи сут ва қатиқли овқат берилади холос. Гўшт, сариёғ, тухум, ширинликлар ҳақида болалар фақат орзу қилишлари мумкин. Кўчма боғча колхоз тарихида 50—60 йиллар даражасида қолиб кетган. Энг даҳшатлиси, шийпондаги майдончада, кўчма боғча ёнида инсон саломатлиги учун хавфли бўлган минерал ва органик ўғитлар очиқ сақланаётир. Бу ахир, жиноятку! Партия ташкилотининг котибаси ҳам қолаверса аёл — она-ку! Ахир, унинг ҳам фарзандлари бордир. Агар котиба шу бригада аъзолари Матлуба Юнусова, Зулфия Арабова, Зайнаб Эргашева ва бошқа аёллар ёнида бўлиб, уларнинг далада ишлаётганларида фарзандларидан қанчалик хавотир олишлари ҳақидаги куюниб айтишган сўзларини эшитганида, бирор жиддий тадбир кўрармиди? Йўқ, бизнинг «раҳбар»имиз халқ дардини эшитишдан кўра иш талаб қилишни афзалроқ билади. Бу ўша сиз билан биз бошимиздан кечирган, кечираётган стол муштлаб иш талаб қилишда устаси фаранг маъмурий буйруқбозликнинг қолдиқларидир.

Қуруқ шиорбозлик ва ваъдабозлик одамларнинг меъдасига тегди. Улар энди қуруқ сўзга ишонмайдилар. Яхшилик сари амалда силжиш бўлишини талаб қилаётирлар. Халқнинг ҳам, даврнинг ҳам талаби шундай. Шундагина меҳнаткашлар ҳузурида бўлиб: «Комиссарингизни танийсизми?» деб сўрасангиз: «Ҳа, таниймиз, у фалон фалон ишларни бажарган ўзимизнинг комиссаримиз», дейиши мумкин...

Абдураззоқ КАРИМОВ,
«Гулистон» журналининг махсус мухбири



Қамбар ЎТАЕВ

* * *

Ҳаётда кўп нарса йўқолиб турар,
Топилдиқхоналар — илинж маскани.
Йўқотган нарсасин бирма-бир сўрар,
Дунё йўқотганнинг тинчимас жони.

Бировлар йўқотган зарини излар,
Кимдир учратмаган парини излар.
Бойвучча йўлида нигорон кўзлар —
Жилов қўлдан чиққан норини излар.

Топилар ҳужжату пул, зебу зийнат,
Аммо топилмайди йўқолган виждон.
Бир умр топилмас йўқолган иффат,
Йўқликка маҳкумдир булғанган имон.

Элини йўқотган эллик йил йиғлар,
Тилини йўқотган йиғлар бир умр.
Дўстини йўқотган бағрини тиғлар,
Халқини йўқотган — юзлари кўмир.

Йўқолган нарсалар бошдан садақа,
Тириксанки, очиб яша кўзингни.
Ватан юрагингда қолсин, садаға,
Йўқотиб қўйсанг ҳам ҳатто ўзингни.

Зада қилиб кўплар юрагин,
Кетмонини қўйган занглатиб.
Кетмончига ҳам эрк керагин
Бугун ҳаёт қўйди англатиб.
Она-Ерим, бахтингга инон,
Сенга соғлиқ тилаб қўяйин.
Меҳрибонинг — кетмоним билан
Манглайингни силаб қўяйин.

ТЎРТОВЛОН ВА ЧУМЧУҚ

Хонада тўртовлон
гаплашиб ўтирар,
Эртадан — тушгача.
Пешиндан — кечгача
дардлашиб ўтирар.
Бурқситиб чекишар.
Толиқиб,
Зерикиб,
Ғам-ҳасрат тўқишар:
«Бунча зиқ об-ҳаво»...
«Ғовлаган нарх-наво...
Устига боз яна
Гўшт камчил...
Асабдан дил чил-чил».
Шунақа замон деб,
Яхшини ёмон деб,
Совуриб нақдини —
Ўтказар вақтини.
Тўсатдан шу фурсат,
Пир-р... этиб бир муддат
Бир чумчуқ дарчадан
Кириб дер барчага:
Далада кун исиб,
Кетди-ку иш қизиб.
Эрта-кеч лақиллаб,
Бекорга вақиллаб
Не фойда ғийбатдан.
Гапиринг ҳимматдан.
Яхшиси, бир туринг,
Шошилинг, югуринг,
Ишлангиз бир жўшиб.
Е менга юборинг
Бир пашша тутишиб.





ДЕҲҚОННИНГ ЎЗ-ЎЗИ БИЛАН СУҲБАТИ

Ҳеч ким мени уришгани йўқ,
Бармоқларим бехосдан титрар.
Ҳеч ким сўкиб қилмаса ҳам дўқ,
Юрак-бағрим ичдан ситилар.
Нега гоҳ-гоҳ қайнайди қоним,
Нега ҳадеб қақшар асабим,
Қиймаланиб азобда жоним,
Телба селдай тошар ғазабим.
Нега менинг кўкрагим санчар,
Товонимга йиғилади туз.
Юрагимни ҳасратлар янчар,
Нега менинг суякларим муз?
Ҳеч ким мени атамас телба,
Сезмагандай дилда дардимни.
Аламларим соврилиб елга,
Ўтаяпман излаб қадримни.
Нажот сўраб ингранар бот-бот
Оёғимнинг тагида замин.
Мен шунчалар ожизман наҳот,
Ўз кучимга эмасман амин.
Қақроқ шўрхок манглайим қоплаб,
Тириштирар, қовжирар таним.
Тепамдаги ҳаётбахш офтоб,
Ялинаман, яйрат Ватаним!
Тупроғимдан кетгандай бадар
Қайларгадир мева-чевалар.
Боғларингни эсласа, бадтар
Оҳ чекади юзлаб шевалар.
Олиммисан ёки пайғамбар,
Дориларинг кирсин гўрларга,
Ернинг куни қолмасин зинҳор
Илми сохта — ҳукми зўрларга.

МАЖЛИСЛАР

Бизда масаланинг зўрлари кўпдир,
Шу важдан кенгашнинг турлари кўпдир.
Одамлар мажлисда ўтираверар,
Ўткир масалалар етилаверар.
Сув ҳақида йиғин ўтаверади,
Сув эса буғланиб кетаверади.
Таълим тўғрисида борса қуруқ гап,
Амалда илм, фан, одоб берар чап.
Енғин ҳақда мажлис этаркан давом,
Қай бир жойлар куйиб кул бўлар тамом.
Турфа йиғинларда ачиниш билан
Ўғирликка қарши жаврашар нолон.
Мажлислар масала кўраверади,
Ўғрилар-чи, яйраб юраверади.
Одамлар ҳаётнинг ўзи дер мактаб,
Осмону фалакка кўтариб мақтаб.
Бошлиқларни дилдан ишониб сайлар.
Димоғи шишганин кўриб дод-войлар...
Бошлиқ бюрократ бўлаверади,
Мажлислар нафратга тўлаверади.
Нотиқлар сўзлайди кекирдак чўзиб,
Ким пайпаслаб ўтар, ким олар узиб.
Кимдир эзмаланар гапини чўзиб.
Жазавага тушар ким жини қўзиб.
Юраклар андуҳга тўлаверади,
Умид гули қалбда сўлаверади.
Ҳануз чиқмагунча бир мард орадан,
Чора кўрмагунча то бу борада,
Йиғинга сув қуйиб юбормагунча,
Гардкам деб ўт қўйиб юбормагунча,
Мажлислар шу зайл ўтаверади,
Эсиз, умр оқиб кетаверади.



КУНДУЗИ КЎРИНГАН ЮЛДУЗ

ҲИКОЯ



Матлуба АЗАМАТОВА

Равшан якшанбани одатдагидай қўшниси Даврон билан ўтказиш ниятида автостанцияга борди.

Чоғроққина, пештоқига «Беляши» деб ёзилган дўконча ёнига етиб келганида бозор-ўчар ғамида йиғилганлар бекатга сиғмасди.

— Ҳа, Равшантой! Кимларга хаёл кетиб бунча анграйиб қолибсан? — орқа томондан эшитилган таниш овоз Равшанни ҳушига келтирди, қайрилиб қаради. Даврон дўкондан чиқиб келаётган Равшанни кўриб қолган эди. У кўк катак кўйлак, оқиш шим кийиб олган, оёғида уй пойабзали, кўзлари қув боқиб турарди.

— Шунчаки ўзим... Яна сизга ёрдамлашсамми деб! — у Давроннинг хамир юқи қўлига тикилганча жавоб берди.

— Гапинг маъқулку-я, лекин чўчиб турибман, бу гал акахонингга ёрдамни унча ёлчитмассан деб! — Даврон Равшанга маънодор тикилди. Равшан унинг қошлари хиёл тугилиб, ўйланиб қолганидан сездики, у бир ишнинг эпини қилолмаяпти.

— Нега энди... Сиз қандай ёрдам сўрасангиз, мен тайёрман.

— Ҳай, майли!.. Анови, аканг кўчиб кетган уй ҳозир қай аҳволда? — Даврон синашта бир нигоҳ билан ён-верига қараб қўйиб давом этди. — Билмоқчи бўлганим, ўша ерга ижарага одам қўймадингларми?

— Йўқ, вақти-вақти билан бориб турибман, ҳозирча ҳеч ким яшамайди. Калити менда. Онамнинг вафотидан сўнг уй менинг номимга ўтказилган. — Равшан ҳатто калитни кўрсатмоқчи бўлиб, чўнтагини ковлай бошлади. Даврон уни тўхтатди.

— Бўлди-бўлди, ҳожати йўқ!.. Энди, Равшантой, сен ҳам укам қатори йигитсан. Сенга ўзимга ишонгандай ишонаман. Очиғини айтсам, эрталаб бир нозик меҳмоним келиб қолганди... Уйга етаклаб борсам... ўзинг биласан! Короче, ўша меҳмон, сен, мен бўлиб бир ҳордиқ чиқарсак. Ма, нега тортинасан! Мен тушга яқин ўтаман, хўпми?

Равшан ийманиб Даврон узатган пулни олди-да, бозорга кириб кетди. У керакли нарсаларни харид қиларкан, Даврон акаси айтган нозик меҳмон хаёлидан кетмасди. Мана, ҳарбийдан келганига ҳам уч ойдан ошяпти, ҳалигача бирон ишнинг этагидан тутганича йўқ. Акаси хорижда, оиласини ҳам ўзи билан олиб кетган. Яманда таржимонлик қиладди. Онаси эса Равшан ҳарбийдалигида оғир касалдан кетди. Мана, ҳувиллаган ҳовлида ёлғиз ўзи яшаяпти. Даврон — акасининг синфдоши. Равшан унинг баъзи одатлари билан чиқишолмайди, лекин, барибир, у акасидай бўлиб қолган. Бирон нима дегани ҳадди сиғмайди. Даврондан бошқа суянадиган одами йўқ.

Соат ўн иккидан ошганда, кўча эшиги очилиб, «Равшанбек» деб, Даврон кўринди. Бу пайт у уй саҳнига тўкилган узум япроқларини дастаси узун супурги билан супураётган эди. У супургини бир четга қўйиб, узун йўлакдан Давроннинг истиқболига юрди.

— Ассалому-алайкум, мана, биз келдик! Ие, нега чеккалаб қолдинг, юравер! — Даврон Равшанга чап кўзини қисиб, кўринишидан эндигина ўн олти — ўн етти ёшлардаги қизни етаклаб кирди ва эшикни зичлаб ёпди.

— Яхшимисиз? — Қиз Равшанга майин боқиб, юриш-юрмаслигини билмай иккиланиб туриб қолди.

— Қани юраверинглар!..

Улар учовлон ҳовлидаги сўрига тузалган дастурхонни ичкари уйга кўчиришди. Бу вақт ичида Равшан бир неча бор қизнинг тиниқ юзлари, қаддига ярашган кўйлагига разм солиб, уни қаердадир кўргандай бўлдию, эслаёлмади.

— Кел, энди Равшантой, чойпойни бас қил... Қалай, меҳмон дурустми? — Даврон қизга оч назар ташларкан, Равшанга мақтангиси келди.

— Меҳмонми, ҳм.., — Равшан дудуқланиб гапиролмади, бош кўтариб қизга қарамади ҳам. У қачонлардир учратишни орзу қилиб хаёлида чизган суратга ниҳоятда ўхшаш бу қизни Даврон билан кўриб саросимага тушиб қолганди.

Даврон буни тортинчоқликка йўйиб, хо-холаб кулди. Қиз ҳам мийиғида жилмайиб, дастурхон четини текислаган бўлди.

— Маладес! — деди кулиб Даврон, — шу характерингга борман. Дарвоқе, бу қизнинг исми Зуҳра. Ҳм... Зуҳро деган юлдуз шу қиз туғилганидан бери билсанг, хиралашиб қолган... — У гапирган сари Равшаннинг юраги куйиб, томоғи қақраб борар, назарида бутун вужуди ёнмоқда эди.

— Бу йигитни таниб қўй, — Даврон Зуҳранинг елкасига қўл ташлаб, сўзида давом этди, — Равшан деган укахоним шу бўлади... Армиядан қайтганига уч ой бўлди, ҳар бозор қиз танлайди, лекин биронтасини ёқтирмай... Ҳа-ҳа... Ҳа, майли, яхшиси, ҳалигини олиб ке!

Йигит ҳовлидан оқиб ўтадиган ариққа солиб қўйган ароқни кўтариб кирганида Даврон қиз билан талашиб, ҳазиллашиб узум ер, унга ҳам едирар, бу қилиғи унга ярашмас, лекин бу билан Зуҳранинг иши йўқ эди.

— Қани, қуйчи полвон... Ие, нега ичмайсан? Равшан, буни қара... Атайлаб мени кўргани келганмишу, ароқ узатсам...

— Балки Зуҳрахон чиндан ҳам ичмас, — бехос ниятини сездириб қўйди Равшан.

— Ваҳ, ваҳ! Зуҳра, сен билан танишганда нима бўлган эди?... Ўзинг айт, бир, аканг билиб қўйсин!

Қиз бир Равшанга, бир Давронга қарадию, ўрнидан турмоқчи бўлиб:

— Агар яна ичирмоқчи бўлсангиз ҳозироқ чиқиб кетаман, — деди.

— Ие, мени ташлаб кетаверасанми... Бўпти, «ароқ ич» деб қистамайман! Ҳозир кетадиган бўлсанг, кейин ҳеч келма ёнимга, хўш?.. — Даврон индамай учта пиёладан бирини олиб, ароқни симирди ва карч қилиб тилинган тарвуздан газак қилди. Қизга қарамади.

Равшан қизни кузатаркан, унинг негадир титраётганини, чиқиб кетишга юраги бетламай турганини сезди. Ўртадаги хижолатчиликни аритиш учун Равшан Давронга бир қараб, Зуҳрага деди:

— Келинг, ичмасангиз ҳам қўлингизга олинг!

Зуҳра тўшакка ўрнашиб ўтирди. Давронга қараб қўйди-да, ароқни бир кўтаришда симирди. Уни кузатиб турган Даврон шоша-пиша Зуҳрага уч-тўрт дона узум тутди, қиз олмоқчи бўлиб қўл чўзган эди, Даврон йўқ деб, кафти билан узум доналарини Зуҳранинг оғзига солди. Сўнг мамнун жилмайиб гап қотди.

— О! О! Бор экансан-ку! Ҳеч қиси йўқ!

Узоққа чўзилмаган бу ўтиришда Зуҳра бошқа ичмади, лекин хушкайф Давроннинг истаги билан бир-икки бор ўйинга тушди. Рақси Давроннинг алмойи-алжойи хиргойилари, қийқириқлари билан олқишланиб турди.

— Равшан! Б-биласанми, бу қанақа зўр қиз? Биз тасодифан бир зиёфатда бирга ўтириб қолиб... Бирга папирос чекканмиз! Тўғрими?

— Ўшанда наша борлигини билибманми? — Зуҳра Давроннинг қулоғини аста чўзиб қўйди.

— Вах! Аммо зўр кайф қилдингми... Энди битта сирни айтай! С-сен, Даврон деган ипга боғланиб қолгансан. Ажралиш қўлингдан келмайди. Афсуски, мен эрта уйланганман! Лекин ҳали кўп ишлар олдин-да... Равшан, мана шу қизни мен... авайлаб юрибман... Майли, қачонлардир эпини қилиб биронтасига эрга тегар, ундан сўнг Даврон акасини тез-тез кўнглини овлаб... А! Келасан-ми?

Қиз Равшаннинг анграйиб қолганини кўрдию, Даврон айтган гаплардан сўнг, ҳеч қандай сир қолмаганини англади.

— Келаман, — деди дастурхонга тикилиб, кўзидан ёш оқди...

Тунда айвон деразасидан ташқарига қараб ётган Равшан кундузги «базм»ни қайта-қайта эслади, кўз олдига келтирди. Зуҳранинг «келаман» деб айтганию, кўзидан оқиб тушган икки томчи ёш қора тунда совуқ чақнаб, бутун вужудини музлатар, лаблари тинимсиз бир сўзни «Келмайсан, йўқ, келмайсан!» деб пичирлар эди.

...Тонгга яқин Равшан туш кўрди. Даврон қизнинг бўйнидан арқон солиб, бозор томонга судраб кетарди. Равшан уларнинг ортидан «Тўхтанглар!» деб югуради, бақиради, овозини эшитишмайди.

«Сотаман, Зуҳрани сотаман!» деб хохолайди Даврон. Қиз эса жим. Равшан яна югуради, етолмайди...

Бир маҳал терга ботиб уйғонди. Аллақачон кун чиқиб ёйилган, танасида ланжлик, ҳорғинлик сезар эди.

У деразадан истар-истамас осмонга қаради. Кўзи кундуз куни йилтиллаб кўриниб турган юлдузга тушди.

Кумуш ранг «ИЛ-86»нинг қанотлари остида аста-секин инграб, ҳолдан тойиб ўлимга чоғланаётган Орол денгизи кўзга ташланади. Кўз ёшларини арта-арта ўз қирғоғидан тобора олислаб бораётган она денгизга қараган одамнинг ҳолатини бир тасаввур қилиб кўринг... Теварак-атрофингизга тикиласиз. Рўпарангизда тузлар ичига кўмилган далалар, суви заҳарли кимёвий дорилар билан тўйинган кўллар, уфқ билан туташиб кетган қум барханлари, япроқлари қовжираб битган янтоқлар, юлғунлар кўринади.

Бу аянчли манзара, ёши, касби, мансаби ва мавқеидан қатъи назар, кўрган одамнинг қалбида нохуш изтиробли кайфият туғдиради. Оғир хаёллар човутига тушиб қоласиз. Шу пайт дид билан кийинган, истараси иссиқ стюардессанинг хиёл титроқ, хиёл ҳаяжон аралаш овози янграйди:

— Азиз йўловчилар! Ҳозир Орол денгизи устидан учиб ўтмоқдамиз. Бир пайтлар бутун дунёни ҳайратга солган Она денгизимиз мансабдор шахсларнинг айби билан қуриб бормоқда, унинг ташлаб кетаётган қирғоқлари ўрнидан ҳали дунёнинг ҳеч бир харитасида қайд қилинмаган Оролқум вужудга келаётир.

Стюардесса Оролқум сўзини тилга олиши билан йўловчиларнинг афти-ангори ва руҳиятида ғалати бир ўзгариш сезилади.

— Мана икки йилдирки, — давом этди стюардесса, — жамоатчилик Она денгизни асраб қолиш учун кескин кураш олиб бораяпти. Кечикишмаган бўлса яхши эди улар... Денгизсиз яшашни тасаввур қилиш қийин...

Стюардессанинг куйиб-пишиб айтаётган сўзларини тинглар экансан, хаёлимда бундан уч ой илгари бўлиб ўтган бир воқеа гавдаланади.... Янглишмасам, ўтган йил август ойининг охирлари эди. Оролни асраш жамоатчилик комитети номига ғалати бир хат келди. Мўъжазгина конверт ичига Озон туйнуги, Орол ва тюленлар расми ажи-бужи қилиб чизилган шалдироқ қоғоз жойланган экан. Расмлар остига шундай сўзлар ёзиб қўйилганди: «Табиатни асраш — ўзимизни асраш демакдир. Дилбар, Дилором, Наргиза. 3-синф».

Хатда тилга олинган сўзларни ўқиб, ўзимда йўқ қувониб кетдим. Демак, узоқ йиллар давомида олиб борган курашларимиз беиз кетмаяпти. Оролнинг дарди ҳақиқий маънода умумхалқ дардига айланибди!

Туйнукдан пастни кузатаман. Орол денгизи аллақачон орқада қолиб кетган. Қум барханлари оппоқ қорлар қопланган далалар билан алмашинади. Ҳув, кўз илғаган олисликда рус ўрмонлари... кети узилмайди. Ҳаваси келади одамнинг. Бир пайтлар Аму билан Сир бўйларида ҳам дарахтлари солланиб турадиган тўқайлар бор эди. Қани энди ўша тик ва мағрур чайқалиб турувчи ёввойи жийдалар, тўронғиллар, қайрағочлар қайта тирилса!

Октябрь ойининг бошларида «Орол—88» экспедицияси аъзолари билан бирга Амударё қирғоқларини эгаллаган тўқайларнинг аҳволини ўрганиб чиқдик. Тўқай деган сўзни тилга олаяпману, аммо бир пайтлар дарё кўркига кўрк қўшган, унинг ҳусни, жамоли ҳисобланган тўқайлар тугаган энди. Бурнининг остидан узоқроқни кўра олмайдиган мансабдор шахсларнинг буйруғи билан тўқайлар йўқ қилиниб, улар ўрнига пахта, шоли экилган. Ҳали ҳам кеч эмас, пахта далалари ўрнини тўқайлар эгаллаши керак.

— Бунча хаёлга чўмасиз, — туртади қўшни ўриндикда ўтирган олимтабиат бир ёш йигит. — Мана шу мақола билан таниш эмасмисиз, фикрингизни билмоқчи эдим.

— Кимнинг мақоласи экан? — сўрайман ундан.

— Валентин Распутиннинг мақоласи. Катун дарёси бўйида қурилиши режалаштирилган ГЭС хусусида сўз юритибди. Адиб ўз мақоласида турғунлик йиллари ўйламай қилинган ишнинг қанчалик фожеали оқибатларга олиб келишини Катун электр станцияси қурилиши мисолида исботлабди.

Тиниб-тинчимас қўшним Валентин Распутиннинг ҳаёти ва ижодий йўли билан астойдил қизиқиб қолди. Унга айрича истиҳола билан адибнинг менга йўллаган мактубларини кўрсатдим. Унда шундай жумлалар бор эди:

«...Сиз юборган рўйхатда менинг фамилиям ташкилий комитет раиси сифатида зикр этилганини кўриб, ҳайрон бўлиб қолдим. Мен раис бўла олмайман-ку. Сибирда, Байкал бўйида яшаётган киши ўз зиммасига Орол анжумани ташкилотчиси ва раиси вазифасини олса, бу, жуда ғалати иш бўлур эди. Бу — Сизнинг ишингиз. Мен фақат иштирокчи бўла оламан...

Сизга таклиф қилишни хоҳлаган кишилар орасида мен биргина олимни учратдим, холос... Оролнинг аянчли аҳволини бутун мамлакат билади, ахир. Қандайдир амалий таклифлар керак, уларга эса ҳалол олимлар ва мутахассисларсиз эришиб бўлмайди. Ўйлайманки, рўйхатни, — айнан шу нарсани ҳисобга олган ҳолда, — қайта кўриб чиқиш зарур...

Шундай қилиб, азиз Пирмат, Орол денгизига бадиий туғён эмас, қутқарувчи команда керак...»

Шу тариқа қизғин гурунг таъсири билан Москвага етиб келганимизни ҳам сезмай қолибмиз. Беш кун давомида Орол тақдири, Орол бўйида яшовчи халқлар тақдири, — олимлар, шоирлар, публицистлар тилидан тушмади.

Мен шу ўринда Орол куни қатнашчилари билан СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ходимлари ўртасида бўлиб ўтган суҳбатни тўлалигича келтириб ўтишни лозим деб биламан.

П. Шермуҳамедов. Оролни асраш мумкинми?

Н. Васильев (*СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министри — собиқ — ред.*). Мен Сизнинг саволингизга ҳа ёки йўқ деб жавоб бера олмайман. Бизнинг режаларимиз қарорда ўзининг тўла аксини топган.

П. Шермуҳамедов. Орол ва Орол бўйи зонасини экологик жиҳатдан фожиали район, деб аташ масаласига қандай қарайсиз?

Н. Васильев. Бу ҳақда махсус буйруқ бўлиши зарур.

Г. Резниченко (*«Новый мир» журналининг масъул котиби*). Министрлик ичимлик суви масаласини қай тарзда ҳал қилаётир?

П. Пўлатзода (*СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрининг биринчи ўринбосари — собиқ*). Бу ҳақдаги фикрлар ва мулоҳазалар қарорда ўз аксини топган.

С. Мирзаев. Қониқарли эмас бу гаплар.

П. Пўлатзода. Қарор чиқмасдан аввал қаерда эдинглар?

С. Мирзаев. Гапирдик, баҳс қилдик. Бизнинг гапларимизга ҳеч ким қулоқ осмади.

П. Пўлатзода. Билиб қўйинглар. Эндиликда биз ичимлик суви муаммоси билан шуғулланмаймиз.

Н. Орешкин. (*География фанлари кандидати*). Бир пайтлар фанлар академиясига қарашли География институти янги ерлар очиш масаласига кескин равишда қарши чиққан эди.

Н. Васильев. Хабарим йўқ. Биз узоқ йиллар давомида Сибирь сувларини Ўрта Осиёга олиб келиш муаммоси билан банд бўлдик.

Н. Орешкин. Дарёлар, кўлларнинг сувлари турли хил заҳарли дорилар билан тўлиб-тошиб кетди.

Б. Шумаков (*ВАСХНИЛ академиги*) Фикрингиз тўғри. Бизлар ҳам пестицидлар, гербицидлар ташвиши билан ёниб турибмиз. Яқинда олимлар гербицидлар ишлатилмай туриб ҳам шоли етиштириш мумкин эканлигини исбот қилишди.

М. Салаев (*врач*). Тошовуз канали қурилиши барчани ташвишга солмоқда. Бу масалада СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг тутган позициясини аниқ билгимиз келади.

П. Пўлатзода. Биз ҳам қаршимиз каналнинг қурилишига.

А. Пўлатов (*техника фанлари доктори*). Орол фожиасининг бош айбдори СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги эканлигини тан олишларингиз керак.

Н. Васильев. Тан олмаймиз.

А. Пўлатов. Бизнинг қўлимизда ишонарли далиллар бор. Истеъфога чиқишларинг керак. Инсоф билан иш кўринглар.

Н. Васильев. Истеъфога чиқмаймиз.

П. Пўлатзода. Келинглар, ади-бади айтишиб ўтирмайлик. Тил топайлик, бир-биримизга ёрдам берайлик.

А. Пўлатов. Сизларга ишониш қийин.

П. Пўлатзода. Нима учун бизларга ишонишни хоҳламайсизлар?

Овозлар. Хоҳламаймиз, хоҳламаймиз.

П. Пўлатзода. Сувнинг нархини ошириш керак.

Овозлар. Заҳарли дорилар масаласини ижобий ҳал қилиш керак.

П. Пўлатзода. Бизнинг кучимиз етмайдиган масалалар ҳам кўп.

В. Переведенцев (*иқтисод фанлари кандидати*). Ўрта Осиё дарёлари кимёвий дорилар билан тўйинган. Нега сизлар қўл қовуштириб қараб турибсизлар.

П. Пўлатзода. Жим турганимиз йўқ.

П. Шермуҳамедов. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Орол муаммосига бағишланган қарорини тайёрлашда СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг «роли» катта эканлигини яхши биламиз. Аммо Сизлар ҳукуматни алдагансизлар, нотўғри маълумотлар бериб чалғитгансизлар.

Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ

ТАБИАТНИ АСРАСАК, ЎЗИМИЗНИ АСРАЙМИЗ

П. Пўлатзода. Қарорни тайёрлаш жараёнида Давлат план комитети, СССР Фанлар Академияси, СССР Агросаноати ва қолаверса, Иттифоқдош республикаларнинг ҳукуматлари фаол иштирок қилдилар. Сизлар қарор хусусида сўз юритганларингда бир нарсани асло унутманглар. Гап шундаки, Оролни асраш бўйича қабул қилинган қарорни тайёрлаш жараёнида иттифоқдош республикаларнинг мутассади ташкилотлари алоҳида «фаоллик» кўрсатадилар. Ҳадеб марказий идораларни айблайвериш инсофдан эмас.

П. Шермуҳамедов. Сиз Нукусда бўлган чоғингизда «Оролсиз яшашга кўникинглар», деган экансиз.

П. Пўлатзода. Мен бу гапни асло тилга олганим йўқ.

М. Шаханов. *(Оролни ва Балхашни асраш комитети раиси).* Яқинда менинг қўлимга бир харита тушди. Харитада қайд этилишича, Орол денгизининг ўрнига шоли экилар эмиш. Кимнинг рухсати билан амалга оширилаётир бу хилдаги жиноий ишлар?

Н. Васильев. Билмадим. Хабарим йўқ...

Орол муаммоси атрофида баҳслар, мунозаралар, тортишувлар давом этмоқда. Ана шу фикрий олишувлар чоғида пахта ҳукмронлигини бартараф қилиш масаласи ҳам тилга олинди.

Яқинда ЎзССР Фанлар академияси академиги М. В. Муҳаммаджонов республика илмий-ишлаб чиқариш йиғилишида масаланинг моҳиятини жуда аниқ ифода қилиб шундай деди:

«Биз ҳаммамиз — халқ депутатлари, мамлакатимиз ва республикамиз манфаатларини ифодалаймиз. Модомики, шундай экан, Оролни асраш учун, ниҳоят ғўза ҳукмронлиги муаммосини ҳал қилишимиз, республикада пахта хомашёси сотиб олиш планини 4,0 миллион тоннагача қисқартиришимиз, пахта экиладиган майдонларни камида 600 минг гектаргача қисқартиришимиз, бундан кейин, ҳозирдагидек 2,1 миллион гектар ерга эмас, балки 1,5 миллион гектардан кўп майдонга экмаслигимиз керак.

Ҳозирги пайтда республика 4,1 миллион гектар суғориладиган майдонга эга, улардан 3,4 миллион гектарида суғориб деҳқончилик қилинади, Шундан 1 миллион гектарга яқини кам ҳосил ерлар, 600—700 минг гектари эса тақир, тик адир ерлардан иборатдир. Турғунлик йиллари ҳар қандай қилиб бўлсада, шу хилдаги ерларга ҳам пахта экиларверди. Албатта, улар хўжаликларга нуқул зарар келтирди. Бундай «иқтисод»дан халос бўлайлик — Оролни асраш учун бош имкониятнинг манбаи мана шунда».

Лекин, академик М. В. Муҳаммаджонов билан регионимиз ва мамлакатимизнинг кўпгина етакчи олимлари ҳамфикр бўлганлари ҳолда, на Табиатни муҳофаза қилиш республика Давлат комитети раиси Т. А. Алимов, на Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги Давлат комитети раиси Э. Турсунов унинг фикрини қўллаб-қувватлади. Аксинча, уларнинг чиқишларида: «Ҳа, пахта ҳукмронлиги амал қилаяпти, лекин янги ерлар ўзлаштириш ишини давом эттириш, пахта хомашёси етиштиришни кўпайтириш керак», қабилидаги бир-бирига мутлоқ қарама-қарши фикрлар, мулоҳазалар баён қилинди.

Умуман, пахта планини камайтириш масаласи реал равишда ҳал бўлмайди. Ундан ташқари, ўн учинчи беш йилликда яна 300 минг гектар ерни ўзлаштириш режалаштирилди... Бу рақамлар эълон қилинганида йиғилиш иштирокчилари чайқалиб кетгандек бўлишди. Баралла айтиш мумкинки, бундай рақамлар ортидан қувиш янги экологик фалокатлар келтиради...

Шу баҳсларни тинглаб ўтириб, ҚҚАССРнинг Бўзатоғ районига қилган сафарим эсимга тушди. Эндиликда бу район Ленинобод райони билан бирлаштирилган. Бу жойлар Орол денгизи яқинида жойлашган. Иттифоқо, учрашувлардан бирида нуроний оқсоқол суҳбатга аралашиб шундай деди:

— Сизларнинг ҳаммангиз Оролни асраш ҳақида гапираяпсиз. Бизнинг депутатимиз, Мелиорация ва сув хўжалиги (собиқ) министри Н. Ф. Васильев эса, аксинча, денгизнинг қуришига ёрдам бераяпти. Ахир, бу жиноят эмасми? Ўртоқ Васильевнинг депутатлик мандатини бекор қилиш керак, тўғрисини айтганда, биз энди унга сира ишонмаймиз.

Дарҳақиқат, ҳеч ақлга тўғри келмайдиган ҳолат: аҳоли ўзи сайлаб қўйган депутатнинг фаолиятидан азоб чекмоқда! Бундай ҳолни «халқ сайлаган» депутат статусига мос деб бўладими?

Бизнинг республикамиздаги экологик ҳолат муаммоларига бағишланган кейинги республика илмий-ишлаб чиқариш мажлиси кўрсатадики, суғоришнинг эски, бўлмағур, исрофгар усуллари ҳали ҳам қўлланилмоқда. Ўзбекистонда бир қишлоқ хўжалик экинини экишга ҳаддан ортиқ ихтисослаштирилиши тажрибаси ҳамон ўз кучини сақлаб қолаётир. Бундай шалвираган усул, бундай ихтисослаштириш ернинг илигини қуритади, Орол денгизининг бутунлай йўқолиш жараёнини тезлаштиради, тупроқни, об-ҳаво муҳитини ифлослаштиради, аҳоли, айниқса, болалар ўртасида касалликлар тарқалишига восита бўлади.

Бугунги кунда Орол масаласи — фақат пахта ҳукмронлиги эмас, балки сув ҳавзалари билан боғлиқ мураккаб масала ҳамдир. Олтмишинчи йиллар бошларига келиб, республикамизда сув омборлари қурилиши кенг авж олдириб юборилди. Эллик битта республика аҳамиятига ҳамда бешта республикалараро аҳамиятга молик бўлган, умумий ҳажми 55,5 миллиард куб метрдан иборат сув омборлари қурилди. Кўпгина сув омборлари, жумладан, Туямўйин ва Чордара сув омборлари қурилиши чуқур илмий асосда, атроф-муҳит муҳофазасини ҳисобга олган ҳолда олиб борилмади. Бу ҳодиса ҳам Оролнинг қуриш жараёнини тезлаштирди. Сув омборлари қурилиши жараёнида юзлаб қишлоқлар ва ўн минглаб гектар ҳосилдор ерлар сув остида қолиб кетди. Агар сув омборлари юзасида ҳар йили 5 миллиард кубометр нам йўқотилишини ҳисобга олсак-чи... Мана, Оролга қуйиш мумкин бўлган сув қаерда?!

Баъзи бир мутахассисларнинг аниқ илмий хулосаларига кўра, Оролни асраш учун суғориш техникаси ва нормативи билан боғлиқ масалаларни жиддий равишда, аммо тезкорлик билан ҳал қилмоқ керак. Зеро, Оролни асраш учун зарур бўлган сув имкониятлари мавжуд. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Орол тақдирига бағишланган қарорида қуйиладиган сув миқдори кераклидан даражада аниқ ҳал қилинмаган. Шунинг учун ҳам Оролни асраш жамоатчилик комитетининг навбатдаги йиғилишида қарорни муҳокама қилиб, барча қатнашчилар якдиллик билан бир фикрга келдиларки, қарор муайян аҳамият касб этса ҳам, лекин унда Орол тақдири барибир чала тарзда ҳал этилган. Дарвоқе, мазкур қарорни тайёрлаш жараёнида нима учундир жамоатчилик фикри умуман ҳисобга олинмаган. Балки, мана шунинг учун республика ва Иттифоқ сув хўжалиги министрлиги ва Агросаноат позициясининг қўли баланд келган...

Оролни асраб қолиш учун йиллик пландан бир миллион тонна пахта хомашёсини қисқартириб, етти ўлчаб бир кесган ҳолда пахта ҳукмронлигини бартараф этиш қарорни яна ҳам теранлаштириш ва ҳар қандай меъёр қуюшқонидан чиқиб кетган ҳолда сепилаётган заҳарли кимёвий дориларни тақиқлаш; сув омборлари қурилишларини экспертизадан ўтказиш ва оқилона изга солиш керак.

Бу нафақат техник-иқтисодий, балки ижтимоий-сиёсий тадбирлар ҳамдир, уларнинг ҳал этилиши республика ҳаётининг барча қатламларида ижобий из қолдиради. Мамлакат экономикасига қўшадиган ҳиссасини янада салмоқли ва баракали этади. Зероки, табиатни асрамай туриб, одамларни асраб бўлмайди.



Н. ШАРИПОВ сурати

ЙЎЛБАРС СЎЗИ

Хавф доимо этмоқда таъқиб,
Ўрмоннинг ҳам бағри букун тор.
Жунжикаман атрофга боқиб,
Йўлбарсман-у, мададга мен зор.

Келар сувдан оғунинг таъми
Ҳавода ҳам нимадир анқир.
Қийнар мени ўлганлар ғами,
Тириклар ҳам жой топмай санқир.
Қаён боқмай типирчилар жон:
Хавф турибди қучоғин очиб...
Қочаяпман, лекин йўқ имкон —
Қайга борай заминдан қочиб?!

8
1989



Алибек РУСТАМОВ,
профессор

МАҲБУБУ-Л-ҚУЛУБ

Биринчи мақола

Шеърият бўстонининг султони деб ҳаққоний равишда эътироф этилган Алишер Навоийнинг ижоди ўзи бир уммондир. Буюк мутаффаккирнинг санъаткорлик маҳоратига бугун бутун олам тан бермоқда. Навоийшунос олим Алибек Рустамов унинг баъзи асарларини таҳлил қилиб, редакциямизга тақдим этмоқда. Бу галги суҳбат «Маҳбубу-л-қулуб» асари ҳақида боради.

«Би-сми-л-лоҳи-р-раҳмони-р-раҳим
ҲАМД АНГАКИМ, ЗОТИГА ҲАМД, ОНЧАКИМ, САЗОВОРДУР, АЙТСА БУЛМАС ВА САНО АНГАКИМ, СИФОТИГА САНО, ОНЧАКИМ, ЕРИ БОРДУР, БИТСА БУЛМАС. ЗОТИ ЖАМИЪИ КАМОЛОТ СИФОТИ БИЛА МАВСУФ, СИФОТИДИН МАЖМУЪИ КАМОЛОТ КАШФ АҲЛИГА МАКШУФ».

ШАРҲ

Навоий — Низомиддин Алишер Ғиёсуддин Баҳодур ўғлининг бу тахаллуси «наво» сўзига нисбатан қўшимчаси **«-ий»** қўшиб ясалган. Мазкур қўшимча унли билан тугаган сўзларга қўшилганда ўртада **«в»** ёки **«й»** товуши пайдо бўлади. Масалан, **дунёдунёвий;, риё-риёий.** Мазкур тахаллусда ҳам **«й»** орттирилади. Шунинг учун уни **«Навойий»** деб талаффуз қилиш керак.

«Наво» сўзининг маъноси кўп. Асосийларидан бири ун, овоз, куй. Мусиқий мақомларидан бирига **«Наво»** деган ном мазкур маънога асосланиб қўйилган бўлиши керак. **«Наво»**нинг яна бир маъноси маданий маишат учун зарур нарсалардир. Бундан қашшоқ маъносидаги **«бенаво»** сўзи ясалган. Тағин бир маъноси яроқлилик, яна бири тутқунликдир. Алишер ўз тахаллусига **«Наво»**нинг биринчи маъносини асос қилиб олган деган фикр машҳур.

Маҳбубу-л-қулуб — бу арабча бирикма бўлиб, бирикмани ўзбекча қилсак, **«қулуб-маҳбуби»** бўлади. Мазкур бирикма **«изофа»** деб аталади. Арабча изофада сўз тартиби ўзбекчадаги тартибнинг акси бўлади, аниқланмиш аниқловчидан олдин келади. Орадаги **«л»** товуши **«с», «з», «т», «д», «р», «ш», «н»** товушларидан бири билан бошланган сўз олдида шу товуш шаклини олади, **«Ғаройибу-с-сиғар», «Наводиру-ш-шабоб»** каби. **«Маҳбуб»** севгили, севимли дегани, **«қулуб»**, **«қалб»**нинг кўплиги. **«Қалб»** сўзининг биринчи маъноси юрак бўлиб, кўнгил маъносида ҳам қўлланилади. **«Қалб»**нинг **«қулуб»** тарзида кўпликда берилишидан маълумки, шоир оддий юракни назарда тутмаган. **«Кўнгулларнинг севгилиси»**дан мурод китобнинг оқ кўнгилли, софдил кишиларнинг орзиқиб кутиб, севиб ўқийдиган асари бўлганлиги ва унда кишини ҳақиқий маҳбуб йўлига йўлловчи йўриқларнинг кўрсатиб берилганидир.

Навоий ва ундан олдинги даврларда китоб номининг арабча таъбир этилиши унинг мазмунининг миллий жиҳатдан чекланмаганини ва халқаро аҳамиятга эга эканлигини билдиради.

Би-сми-л-лоҳи-р-раҳмон-р-раҳим — **«Меҳрибон ва ёрлақагучи оллоҳнинг оти билан»** деган маънодаги бу ибора ва уни айтиш **«басмала»** деб аталади. Ҳамма, жумладан Навоий асарларининг қўлёзма нусхалари басмала билан бошланади. Асарнинг номи эса муқаддама ёки хотимада берилади. Бу таълифнинг оти муқаддамада берилган. **«Оллоҳ»** сўзининг **«худо», «яздон», «изид», «тенгри», «баёт»** каби маънодошлари бадиий асарларда баъзан фақат суврат (шакл) ва баъзан ҳам суврату ҳам маъно (мазмун) талаби билан қўлланса ҳам, илмий асарларда қўлланмайди. Чунки аъло (энг олий) вужуд ёки олий вужудларни турли дин ва турли фалсафий йўналишларда турлича тушунилади. **«Оллоҳ»** ислом доирасидаги монотеистик (якка худолик) тушунча бўлгани учун ғарб, жумладан, рус тилидаги илмий асарларда ҳам таржима қилинмасдан ўзича берилади. Аммо мазкур сўзнинг маъноси ислом асосидаги тафаккур оламининг ўз ичида турлича талқин қилинади. Навоийнинг бу ҳақдаги фикри **«Маҳбубу-л-қулуб»**да баён этилган. Мутолаамиз ўша ерга етганда, бунинг тафсилоти билан танишамиз. Аммо ҳозирданоқ буни таъкидлашимиздан мақсад шахспарастлик ва турғунлик даврларида ҳаётимизга сингиб кетган ўта ярамас бир ишнинг олдини олишдир. Бу **«атеистик тарбияга зид»** деган баҳона билан қайта қуриш, демократия ва ошкоралик принципларига зид бўлса ҳам, давлат, партия ва умуман, совет халқлари учун ҳаётий зарур бўлган асарларнинг нашр этилишига зимдан қаршилик қилишдир. «Еш куч» журналида бошланган навоийхонлик шу йўл билан тўхтатилди. Халқ орасида машҳур бўлган **«худо»** деб **«берди»** сини айтгунча ўлдирди, деган нақл беҳикмат эмас.

Ҳамд — ижод суннатига биноан басмаладан сўнг ҳамд айтилади. «Суннат» сўзининг луғавий маъноси **«анъана» — «традиция»** сўзининг кўпчиликка маълум бўлган маъносининг айнан ўзидир. Диний мавзудаги баёнда пайғамбардан анъана бўлиб қолган махсус амалларга нисбатан ҳам **«суннат»** дейилади. Унинг бу истилоҳий маъноси уни ўзининг туб маъносида қўллашга монъиълик қилмайди. **«Анъана»** сўзи **«суннат»** сўзининг ўрнини босолмайди. Чунки **«анъана»** хурофий ёки мазмунсиз традицияни билдиради. Масалан, маросимларимиздаги баъзи одатлар, шахспарастликдан расм бўлиб, ҳозир қайта қуриш шарофати билан йўқолаётган **«давомли гулдурос қарсаклар»**, колхозчиларни уйига юбормасдан далада тунатишлар, пахтакор бўлмаган аҳолини пахта теримига ҳайдаб чиқишлар анъанадир. Аммо аллома ва етук санъаткорларнинг ижодидаги суннатни **«анъана»** деб аташ мазкур сабабларга кўра маъқул эмас.

Китобнинг ҳамд битилган қисми ҳам **«ҳамд»** деб аталади. **«Маҳбубу-л-қулуб»**нинг ҳамд қисми ҳам **«Ҳамд ангаким»** деб бошланган. **«Ҳамд»** сўзининг луғавий маъноси олқиш бўлиб, **«анга» «ул»** сўзининг жўналиш сийғаси, яъни **«унга»**нинг классик адабий шаклидир. Тил нуқтаи назаридан олмош бўлган бу сўз бу ерда **«исми-и аъзам»** деган илмий, жумладан фалсафий истилоҳдир. Бу ибора азойимхонликда махсус азима воситасига нисбатан ҳам ишлатилади. Аммо илмда **«исми-и аъзам»** деб аталадиган **«ул»**нинг азойимхонликка ҳеч қандай алоқаси йўқ. **«Ул»**дан мурод ҳақдир. Ким аниқлов боғловчиси бўлиб, ўзидан кейинги жумлаларнинг — **«ул»**нинг аниқловчиси эканлигини билдиради.

Зот — сифот — **«Маҳбубу-л-қулуб»**нинг баъзи қўлёзма нусхаларида **«сифот»** сўзи **«эҳсон»** деб ўзгартирилган. Буни зоту сифотнинг фалсафий маъносидан, мантиқдан ва Навоий бадииятидан хабарсиз хаттот қилган. **«Сифот» «эҳсон»**га нисбатан ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатдан афзал. **«Сифот» «сифат»** сўзининг кўплиги бўлиб, **«Зоту сифот»** деганда бир нарсанинг икки жиҳати, моҳияти ва хоссалари тушунилади. Исм-и аъзам билан аталган вужуднинг зоти унинг зоҳир бўлувчи хоссаларидан иборат.

Сано — Мадҳ, мақтов. **«Ҳамд»** билан **«Сано»** сўзларининг ўрнини мазкур гапда алмаштириб бўлмайди. Бу икки сўзни ёнмаён қўллаганда ҳам **«ҳамд»** биринчи, **«сано»** иккинчи ўринда бўлади. **«Ҳамду сано»** дейилиб, вазну қофия талаби билан ҳам **«санову** (ёки «саною») ***ҳамд»*** дейилмайди. **«Зот»** билан **«сифот»** ҳам шундай. **«Зот»сиз «сифот»** бўлмагани, зот бирламчи, **«сифот»** иккиламчи бўлгани учун **«зот» «сифот»**дан олдин келади.

Ончаким — ул даражадаким. Ончаким сазовордур — лойиқ, етарли даражада. Демак, **«ул»** деб айтилган вужуднинг зотига лойиқ даражада ҳамд айтишнинг имкони йўқ экан. **Ончаким ери бордур** — ўринли даражада, керагича. Демак, мазкур вужуднинг сифатларига ҳам керак бўлган даражада сано ёзишнинг иложи йўқ экан.

Бу икки жумланинг биринчисида **«сазовор»**, иккинчисида **«ер»** сўзи ишлатилган. Буларнинг ҳам ҳар бири ўз ўрнига тушган. **«Зот»** ягона ва ғайб оламида. Уни ҳис узвлари ва ақл билан идрок қилиб, тил билан ифодалаб бўлмайди. Идрокидан ҳиссу ақл баёнидан тил ожиз бўлган ва тасаввурга сиғмайдиган вужудга сазовор ҳамд айтиш албатта муҳолдур. Аммо ҳар бир сифат муайян ерда ва муайян шаклда зуҳур этади. Уни ҳис қилиш мумкин. Аммо бундай сифатлар ва уларнинг зоҳир бўлиш макону замону шунчалик кўп ва ранг-барангки, уларга етарли санони битар ер етказиб ва ёзуб улгуриб бўлмайди. **«Ким»** аниқлов боғловчиси. Агар биринчи гапни «ким»сиз ифодаласак, мазкур гап шундай бўлади: **Зотиға сазовор даражада ҳамд айтиб ва сифотиға керагича сино битиб бўлмайдиган вужудга ҳамд.**

Камолот — Луғавий маъноси етуклик бўлган **«камол»** сўзининг кўплиги. Камол тараққиётнинг энг юқори даражасидир.

Жамъ — Ҳамма, барча. ***Жамъ-и камолот*** — камолларнинг ҳаммаси. Мажмуъ — йиғинди, жумла, ***мажмуъ-и сифоти*** — сифатларнинг жумласи. Ягона ***«жамъ»*** ўзагидан ясалган бу икки сўз воситасида **«ҳам-**

ма» деган маъно икки шаклда берилган. «Жамиъ» билан «мажмуъ» ўзаги бир бўлишининг ва бу икки сўзнинг «жамъ»да жамъ бўлишининг бу ўриндаги аҳамияти шундаки, сифотлар зотда жамъ бўлиб, яъни йиғилиб бирлашади, «жамъ» сўзи тасаввуфда «тафсил» атамасига қарши атама сифатида қўлланади. Жамъу тафсилга шундай содда мисол келтириш мумкин. **Сув — жамъ; буғ, туман, булут, қор, ёмғир, муз, қиров, шудринг — тафсилдир.**

***Мавсуф* — Сифатланган.** Демак, мазкур вужуднинг зотида унда жамъ бўлувчи етукликларнинг сифатлари бор экан.

***Кашф аҳли* — «Кашф»нинг луғавий маъноси бурканганни очиш ва унинг очилишидир. Истилоҳий маъноси ғайб оламидаги сирларнинг очилишидир. Шундай сирларни очган ёки уларга очилган кишилар «кашф аҳли»** дейилади.

***Макшуф* — кашф этилган.** Демак, кашф аҳлига ўша вужуд сифатларидан унинг барча етукликлари кўриниб турар экан.

«Маҳбубу-л-қулуб»нинг матни мусажжаъ, яъни сажъли насрдир. Сажъда калом оҳангдош бўлиб тугаган бўлаклардан иборат бўлади. Шундай бўлак **«қарина»** деб аталади. Қариналарнинг ҳамоҳанглик, яъни сажъ ҳосил қилувчи охирги сўзлари **«фосила»** дейилади. Булар қариналарни бир-биридан ажратиб турганлиги учун **«фосила»** (ажраткич) деб аталган.

«Маҳбубу-л-қулуб»нинг мазкур матнидаги ҳар икки гап икки қариналик сажъдан иборат. Биринчисининг биринчи қаринаси ***Ҳамд анғаким, зотиға Ҳамд ончаким, сазовордур, айтса бўлмас.*** Иккинчи қаринаси ***сифотиға сано, ончаким ери бордур битса бўлмас.*** Иккинчи гапнинг биринчи қаринаси ***Зоти жамиъ-и камолот сифоти била мавсуф,*** иккинчиси ***сифотидин мажмўъ-и камолот кашф аҳлиға макшуф.***

Биринчи сажъдаги фосила **айтса бўлмас — битса бўлмас** (қофия нуқтаи назаридан айтса — битса қофия, бўлмас радифдур). Иккинчи сажъдагиси **мавсуф — макшуф.** Ҳар бир сажъ қариналаридаги сўзлар миқдор жиҳатдан бир-бирига тенг ва қофия ҳам ҳосил қилган: **зоти — сифоти; сазовордур — бордур; камолот — сифот.** Бу тарсиъ санъатидир.

Парчада ўзакдош сўзлардан ҳам фойдаланилган: **сифот — мавсуф, кашф — макшуф.** Бу санъат **«иштиқоқ»** деб аталади. **Камолот сифоти — сифотидин... камолот** ҳам маҳорат натижасидир.



Тошкент бадиий буюмлар фабрикасида физкультура-соғломлаштириш ишига катта аҳамият берилмоқда. Цехда ҳар куни бадиий гимнастика билан шуғулланиш мумкин.

Ф. Қурбонбоев сурати (ЎзТАГ)



БОСТОН... КАЛАМУШЛАР ҚАМАЛИДА

Массачусетс штатидаги Бостон шаҳри аҳолисини ўрта асрлардан буён каламушлар таъқиб этиб келар эди. Эндиликда каламушлар армияси жунбушга келиб ер ости қувурлари орқали ўтиб, хонадонларни тобора исканжага ола бошлади. Бостон шаҳри бутунлай каламушлар қуршовида қолди. Яламурларнинг қадами етмаган жой йўқ. Ҳатто штатнинг қонун чиқарувчи мажлислар биносида ҳам уларни учратиш мумкин. Бу ғаламис кемирувчиларга қарши шошилинч кураш тадбирлари кўрила бошланди. Бостон шаҳрида шошилинч марказий йўлларни қайта қуриш, унинг ер ости йўналишидаги қисмидан воз кечишга келишилди. Агар бу ишлар амалга ошириладиган бўлса, ер ости қувурларига ва бошқа тешик-туйнукларга макон қуриб олган каламушларнинг тўдалари яна ҳам баттарроқ «ғазаб»ланиши ва бу Бостон аҳолисини кутилмаган хавф-хатарга дучор қилиши турган гап. Бу каламушларнинг асли зоти Норвегиядан тарқаган бўлиб, уларнинг тишлари ва жағ суяклари худди акулаларники сингари ўткирдир. Уларнинг ҳатто кичик ёшдаги болаларга ҳам ҳужум қилганлиги ҳақида маълумотлар бор.

Бостон каламушларининг баъзи турлари фақат ер остида кун кечиришга мослашган. Агар уларнинг «ини» бузиладиган бўлса оқибати нима билан тугаши ҳеч кимга маълум эмас. Шунинг учун штат маъмурияти АҚШлик зарарли кемирувчиларга қарши курашиш борасида ном чиқарган биология фанлари профессори Уильямс Жексондан ёрдам беришни сўраб, илтимос қилди. Профессор БМТ топшириғига биноан каламушларга қарши курашиш борасида Индонезиядан Бразилиягача бўлган мамлакатларда тажриба орттирган эди. У каламушларга қарши курашнинг энг оддий усулини: «Ер ости қувурларининг кўзга ташланадиган тирқишларига заҳарли парафин боғламларини ташлаб қўйишни» таклиф этди. Шунингдек профессор изланишни давом эттириб антикоагулятор моддалар устида тўхтади. Чунки бу моддалар каламушлар организмида қон ивишига йўл қўймайди. Натижада улар қон кетиб ҳалокатга дучор бўладилар.

ШИФОБАХШ ТОШ

Хитой тиббиёти ходимлари ўт пуфагидан олинган тошларни даволаш воситаси сифатида қўллаш мумкинлигини исботлашди. Улар бу тажрибани аввало қўйларда синаб кўришди. Жигар касалликларига чалинган оғир стресс ҳолатларида руҳий тинчлантирувчи дори ўрнида қўлланганда, унинг натижаси ёмон бўлмади. Эндиликда бу «шифобахш тош»ни инсонларда ҳам қўллаш кўзда тутилаяпти, деб хабар беради Югославиянинг «Политикин забавник» журнали.

Редакцияга ташвишли хабар келди: «Самарқанд шаҳридан атиги саккиз чақирим наридаги 52-мактабда фалокат юз берди. Эрталаб ўқишга келган болалар синфхоналарига киришлари биланоқ қандайдир зарарли кимёвий модда таъсирида ёппасига заҳарландилар. Улар вилоят касалхоналарига ётқизилдилар...»

ЧАРХИНДАГИ фалокат

Таажжубдан ёқа ушлайсан киши. Шу вақтгача болаларнинг заҳарли кимёвий моддалар сепилган пахта даласида заҳарланиб, турли касалликларга чалинганидан, қанчасининг айни кузда бутифос сепилган пайкалда пахта теришиб, талоғи жароҳатланганидан огоҳмиз. Ёхуд зарарли кимёвий моддалар сепилган майдонлардаги ғўзаларни чеканка қилган оналарнинг сутидан эмизикли гўдакларининг заҳарланганликларини шифокорлардан эшитганмиз. Шу кунларда эса Элиста ва Волгоград шаҳарларидаги баъзи касалхоналарда болаларнинг бедаво дард, XX аср офати бўлган СПИДга чалинганликларини, Черновце шаҳрида эса болаларнинг сочлари тўкилиб, бевақт тамедпунктга қўнғироқ қилади. Фельдшер Пардаев зудлик билан мактабга етиб келади. У аянчли аҳволни кўргач, дарров телефонда тегишли тиббиёт муассасаларини вазиятдан огоҳ қилади.

Ўша куни посёлкадаги Балхиён қишлоғи олағовур бўлиб кетади. Бир томондан, эрталаб ўз фарзандларини мактабга соппа-соғ кузатган ота-оналарнинг таҳликали нидолари, иккинчи томондан, қишлоққа бирин-кетин чинқириб кириб келган «тез ёрдам» машиналарининг шовқинлари бирга қўшилиб, қишлоқ аҳлининг тинчини бузиб юборганди. Нари-беридан ўтаётган йўловчилар ҳам яқин келиб: «Ўзи нима гап? Фалокат нимадан юз берди?» дея ҳайратланиб воқеага ўзларича муносабат билдирар эдилар.

Ўша куни заҳарланган болалар «тез ёрдам» машиналарида вилоят юқумли дардлар касалхоналарига ётқизилади. Уларнинг баъзилари эса дастлаб посёлка марказидаги касалхонага жойлаштирилади. Биз мактабга борган 25 май куни ҳам Бобомурод Дўстмуродов, Отабек Турсунов, Ғайрат Норов, Бунёд Ризаев деган 6—7-синф ўқувчилари ҳали ҳам вилоят касалхонасида эканликларини айтишди.

Синфхоналарга кирган болалар нимадан заҳарланди? Бу жиноятнинг айбдорлари кимлар?

Тегишли адлия идораларининг жиноят қидирув бўлимларининг ходимлари мана шу жумбоқлар устида бош қотирмоқдалар.

Ҳа, Самарқанд вилоят прокуратураси томонидан мазкур воқеа бўйича жиноий иш қўзғатилган. Қидирув-тергов ишларига область прокуратурасининг махсус ишлар бўйича терговчиси Алишер Шамсиқулов етакчилик қилмоқда.

Биз шу ўринда журналхонлар эътиборини фалокатга сабаб бўлган иллатларнинг ижтимоий-маънавий моҳиятига, бахтсизликни келтириб чиқарган вазият ва кайфиятларга тортамиз.

Аввало, фалокат юз берган Муқимий номидаги 52-мактабдаги қоровул хизмати хусусида. Бу ерда қоровул хизмати номигагина бўлган. Айтишларича, Тўти Раҳмонқулова деган аёл кўп йиллардан буён мактаб қоровули ҳисобланади. Унинг уйи мактаб ҳовлисидан 15-20 метрлар нарида. Фаррош ҳам, ўқитувчилар ҳам синфхоналарни очиш зарурати туғилганда калитни унинг уйидан олишади. Ишлари битгач эса яна калитларни у кишининг уйига олиб бориб берадилар. Сирасини айтганда, бу ерда мактаб коллективи учун хизматкор қоровул эмас, балки ўқитувчилар қоровул учун дастёр бўлганлар. Биз қоровул Тўти Раҳмонқуловани ўша гал учратолмадик, — касалхонада, дейишди. Эҳтимол, қўрқиб, ваҳимага тушгандир. Умуман, мактабда қоровул хизмати амалда бўлмаган. Афтидан, Раҳмонқулова фақат калитларни асрагани учун маош олиб келган. Аслини олганда, қоровуллик — эркак кишининг иши. У мактаб ҳовлисида тунларни сергаклик билан ўтказиши керак. Қонунчилик нуқтаи назаридан эса қоровул (соқчилик) хизмати энг масъулиятли ишдир. Қоровул, яъни соқчи бирор муҳим жой (объект)нинг қўриқчиси, у шу объект учун масъул. Қоровулларнинг исми ва фамилиялари, улар фойдаланадиган телефонларнинг номерлари, уй адреслари милиция бўлимида ёки унинг жойлардаги оператив пунктларида махсус дафтарларда қайд қилиниши керак. Бу, тегишли милиция ходимларининг, хусусан, участка инспекторларининг, ўт ўчириш идораларининг қоровуллар билан зарур дақиқаларда ўзаро боғланишларини осонлаштиради. Кўп қишлоқ ва район жойларида бўлганидек, Пастдарғом районида ҳам бундай қонуний тартиб-қоида, афсуски йўлга қўйилмаган. Биз посёлкадаги оператив пункт ходими Отамурод Авазов билан суҳбатлашганимизда посёлкадаги мактабларнинг қоровуллари учун махсус дафтар тутилмаган. Демак, оператив пункт ходимлари томонидан қоровуллик хизмати назорат қилинмаган.

Шу боисдан ҳам ана шу мактабда юз берган фалокатнинг сабаби ҳақида ҳеч ким ҳеч нарса деёлмайди. Гўё у ердагиларнинг кўзи кўр, қулоғи кар.

16 май куни эрталаб бир-икки соат давомида 12—13 яшар 167 нафар боланинг синфхоналарда бирданига заҳарланиб, касалхоналарга тушганлари, яъни ўзига хос бу фожиа ва унинг оқибатини, қолаверса, масъулиятини ҳануз қишлоқ кишилари ҳам, ҳатто мактабнинг масъул ходимларию маҳаллий раҳбарлар ҳам ҳис қилишмаган. Гўё ҳеч нарса бўлмагандек ҳамма бамайлихотир. Акс ҳолда курортдаги мактаб директори Турсунтош Нарзиқулованинг ўз вақтида чақириб олинмаганлигини қандай изоҳлаш керак.

Мактаб директори вазифасини вақтинча бажарувчи Мамарасул Кўчимов билан фалокат хусусида суҳбатлашмоқчи бўлганимизда гўё биз тўйда учрашгандек, у нуқул оғзини йиғолмай, ишшайиб куларди. Унинг бу ўринсиз ҳолати, гапнинг очиғи, ғашимизга тегди.

— Агар мен сизнинг ўрнингизда бўлганимда, мухбирга фалокат тафсилотини йиғлаб гапириб берардим, — дедик ўзимизни тутолмасдан.

— Биз ота-оналарни энди тинчитганимизда сиз кўп ваҳима қилаверманг, — деди у безрайиб бизга тикилганча.

— Ҳали суяги яхши қотмаган болаларда бу заҳарланиш қандай асорат қолдиришини тасаввур қилаолассизми?

— Ҳа, шундайку-я..., — деди у кўзини пирпиратганча.

— Мактаб директори қаерда? — яна унга савол бердик.

— У 9 майда Кисловодск санаторийсига даволанишга кетган.

— У кишига хабар бердиларингми?

— Йўқ. Энди бир амаллаб санаторийга борганда безовта қилмайлик дедик.

— Район халқ маорифи бўлимидаги ўртоқлар ҳам хабар қилишни лозим кўрмадиларми?

— Улар ҳам бу хусусда гап очганлари йўқ.

Таажжуб!

Фавқулодда ҳолат юз берсаю мактаб раҳбарини бундан огоҳ қилмасалар.

Бундан ортиқ лоқайдлик, масъулиятсизлик бўлмаса керак!

Биз ўшанда, 25 май куни район халқ маорифи бўлими билан телефонда боғландик. Котиба қиз бошқа ҳеч ким йўқлигини, мудир Ваҳобжон Раҳимов Хатирчи районига қандайдир кенгашга кетганини айтди.

Синфхоналарда заҳар қаердан пайдо бўлди?

Бу жумбоқ тергов ишлари олиб бораётган адлия ходимларининг диққат-эътиборида турибди. Биз ҳам шу хусусда тегишли одамлар — мактаб фаррош Роза Загитова, ўқитувчилар Сифат Нуруллаева, Раъно Муродова ва ота-оналардан Бўстон Бадалова, Эсон Болтаевлар билан батафсил суҳбатлашдик.

Мактаб фаррош Роза Загитова: — Мен кечқурун ишга келганда, аввал, қоровулнинг уйидан калитни олиб чиқаман. 15 май куни кечқурун ҳам шундай қилдим. Синфхоналарни бирма-бир очиб, супуриб ювдим. Кейин калитни яна қирбош бўлиб қолаётганларидан хабардормиз. Бу гал болалар яна қандай касофатга йўлиқдилар? Ҳа, гап Пастдарғом районининг Чархин посёлкасида юз берган фалокат хусусида бораяпти.

Биз у ерга бориб, фалокат тафсилоти билан тўла танишдик.

...Ўша куни, яъни 16 майда мактабга ҳаммадан илгари 6-синф ўқувчиси Ўктам Зоҳидов келган эди. У ўзи ўқийдиган синф хонасига рўпара бўлганда мактаб фарроши Роза Загитова эшикдаги қулфни очиш ҳаракатида эди. Унинг ёнига, яъни нақ эшик рўпарасига келган Ўктам Роза опага қараб: «Ичкаридан қандайдир ҳид келаяпти», дейди. Фаррош ҳам: «Ҳа, мен ҳам сезаяпман», дея боланинг гапини тасдиқлайди. Эшик очилгач, хонага бирин-кетин иккаласи киришади. Ҳадемай бошқа ўқувчилар ҳам синфга кириб келишади. Бошқа синф хоналаридаги қулфлар ҳам очилиб, ўқувчиларнинг ҳаммалари ичкарига кирадилар. Ўктам: «Бошим айланиб, кўнглим айнияпти», дея деворга суяна-суяна ташқарига чиқади. У сал нарида ибтидоий буфетхонага бир амаллаб киради-ю, ҳушидан кетиб йиқилади. Синфхоналардаги бошқа болалар ҳам шу кўйи ҳушсизланиб талвасага тушадилар. Заҳар таъсиридан уларнинг кўзлари қизариб, шовшов ёш тўкилар, кўнгиллари айниб, бараваргина қайд қилар эдилар. Кўп ўтмасдан 167 нафар бола ҳолдан тояди.

Фавқулоддаги фалокатдан шошиб қолган мактабда вақтинча директорлик вазифасини бажарувчи Мамарасул Кўчимов посёлкадаги

қоровулникига қўйиб кетдим. Айтмоқчи, одатда, кечқурун келганимда хоналарни ювиб кетаман. Эрталаб келиб эса хоналардаги партаҳларни, деразаларни артаман. Ўша фалокат юз берган 16 май куни ҳам эрталаб синфхоналарнинг чангларини артиш учун келган эдим. 6-синфда ўқийдиган Ўктам ҳам мен қатори мактабга эртароқ келган эди. Ҳали эшикдаги қулфни очиб улгурмасимданоқ ичкаридан қандайдир ёқимсиз, ўткир ҳид димоғимга урди. Буни ўша заҳоти Ўктам ҳам сезиб, қандайдир ҳид келаётганини менга айтди. Орадан кўп вақт ўтмасдан синфхона болалар билан тўлди. Кейин уларнинг бошлари айланиб, қизарган кўзларидан шовуллаб ёшлар оқа бошлади. Кўплари ташқарига чиққанларида ҳолсизланиб йиқилдилар. Аксига олиб синфхоналарда деразалар бир қават бўлиб, очилмайди, михлаб ташланган. Деразалар очилганда бунчалик бўлмасмиди, заҳарнинг кучи ташқарига тезроқ чиқарди-да...

Шу ўринда бир шубҳа туғилади. Нега энди Роза опа синфхоналарни тозалаш учун мактабга икки марта келади — кечқурун полларни ювиш учун, эрталаб парта-деразаларни артиш учун?.. Яна ўша савол: Нега у 16 май куни эрталаб яна мактабга келади? Фаррош ҳаракатида худди шу ўрин биз учун шубҳали туюлаяпти. Ахир, ҳамма жойда, ҳамма муассасаларда фаррошлар, одатда, бир марта — эрталаб ёки кечқурун ишга келиб, ювиш-артиш ташвишларини бирваракайига бажариб кетадиларку?!

Энди ўша мактабнинг аҳволи хусусида. Маҳаллий халқ вакилларининг айтишларига қараганда, бино 1929 йилда қурилган. Ҳозир саккиз йиллик мактаб бўлиб, ундаги ўқувчилар сони 275 нафарни ташкил этади. Бундан ташқари, 4-ўрта мактабнинг филиали сифатида бу ерда кечки қишлоқ ёшлари мактаби (9-синф тарзида) очилган. Фалокат бўлишидан бир кун олдин, яъни 15 май куни кечки ёшлар синфида ўқийдиганлар ҳам нимагадир дарсга келмаганлар.

Тергов ходимлари мактаб фаррошининг пол ювадиган латтасидан кесим олиб, Тошкент суд-экспертиза институтига юборган эдилар. Хулосага кўра, ундан «БИ—58» заҳарли кимёвий модда (фосфамид)нинг сарқитлари аниқланган. Шундан кейин улар бу модданинг қаердан тарқалганлигини аниқлаш мақсадида мактабга яқин бўлган бир неча хонадонларни текширувдан ўтказганлар. Шунда Тоир Болтаев деган ўғли билан бирга истиқомат қиладиган Эсон Болтаев деган қариянинг ҳовлисидан, аниқроғи ойиш қилиб тортилган ток новдалари орасида ялтироқ қоғозга солинган ҳолда сақланаётган фосфамид топилган. Хонадон эгаларининг гапига қараганда, улар буни ток ширасига қарши ишлатиш учун асраб қўйганлар. Бекмурод Аҳмедов деган кишининг ҳовлисидан эса фосфамид солинадиган бир дона бўш қути топилган. Бу нарсалар, бир жиҳатдан, авом қишлоқ халқининг инсон соғлиғи учун ўта хавфли бўлган заҳарли моддаларга ўта бефарқ қарашларини ва бундай заҳарларнинг фарқига бориб-бормасдан, ҳатто томорқаларидаги зироатларига (зараркунандаларга қарши албатта) ҳам бемалол ишлатиш майли уларнинг онгига ўрнашиб қолганлигини кўрсатади. Бу жуда хавфли ҳолат! Иккинчи жиҳатдан, фосфамидга ўхшаш заҳарли моддалар сақланадиган омборлар, хўжаликлардаги ўғитхоналар устидан етарли назорат ўрнатилмаганлигидан далолатдир. Демак, гарчи заҳарли моддаларни пахтачиликда ишлатиш расмий таъқиқланган бўлса-да, инсон соғлиғи учун хавфли бўлган бу заҳарнинг қолган мавжуд қисмини жойларда йўқотиш масаласига мутлақо эътибор берилмаётган экан-да. 52-мактаб жойлашган Ленин номли совхозда ҳам ана шундай масъулиятсизликка йўл қўйилганлиги эҳтимолдан холи эмас. Бўлмаса, ҳалиги хонадонларга фосфамиднинг ўзи кириб бормайдику?!

Мана шундай зарарли кайфият маҳаллий аҳолида «заҳарли моддаларни (томорқада ҳам) зараркунанда ҳашоротларга қарши ишлатавериш мумкин», деган нотўғри тушунча туғдирган бўлиши мумкин.

Мактаб синфхоналарига заҳарли моддани ким сепган бўлиши мумкин? Бу жумбоқ ҳақида адлия ходимлари бош қотирмоқдалар. Бу борада бизнинг мулоҳазаларимиз қуйидагича: Алмисоқдан қолган мактабнинг ҳолати жуда ачинарли. Синфхоналарнинг поллари илматешик. Уларда қурт-қумурсқалардан тортиб, сичқону каламушлар туни билан «садир»га тушишаркан. Эҳтимол, фаррош Роза опа Загитова яхши ниятда шу зараркунандаларни йўқотаман, деб «БИ-58» моддасини келтириб сепмадимикин? Бу фикр айбнома эмас, мулоҳаза, холос. Албатта, энди у шундай қилувдим, деб мутлақо айтмайди, ўртада жавобгарлик деган масъулият турибди.

Фалокат мактаб директори Турсунтош Нарзиқулова санаторийга кетгандан олти кун кейин юз берган. Ўйлаб-ўйлаб баъзан: «Тағин бу қалтис ишда директорга ғанимлик қилганларнинг қўли бўлмасин», деган хаёлга ҳам борасан киши. «Наҳотки, ўша ғаним болаларга қасд қилган бўлса?..» Қўйингки, Чархин посёлкасида кутилмаганда содир бўлган аянчли фалокат кишининг кўнглида турли хил гумонларни туғдиради. Шунинг учун ҳам мазкур воқеа бўйича тергов ишлари олиб бораётган адлия ходимлари синчковлик билан масаланинг тегига етишлари керак. Лекин фалокатнинг умумий сабаби аниқ. Бу оддий халқдан тортиб маҳаллий раҳбарларгача — ҳаммасининг қон-қонига сингиб кетган масъулиятсизлик ва атроф-муҳитга нисбатан ўта лоқайдлик билан қараш кайфиятидир. Самарқанд шаҳридек маданият марказидан атиги саккиз чақирим нарида жойлашган ўша мактабнинг хоналарига бош суқсангиз, таассуфдан тааҗҗубга тушишингизни тасаввур қилолмасангиз керак. Ана ўшанда СССР Халқ депутатларининг биринчи съездида баъзи жонкуяр халқ депутатлари ташвишланиб таъкидланганларидек, жамиятимизда имтиёзли синф деб эълон қилинган болаларимизнинг турли хил бахтсизликлар гирдобида қолаётганликларидан изтиробга тушасан киши.


Йўлда келаётиб ҳамроҳимиз, вилоят прокуратурасининг терговчиси Алишер Шамсиқулов ҳақ бир гапни айтиб қолди:

— Боя эътибор бердингизми-йўқми, ўн-ўн икки нафар киши хизмат қиладиган Чархин посёлка Советининг биноси икки қаватли, пишиқ ғиштдан қурилган. Ўша жойдаги ота-оналарнинг фарзандлари ўқийдиган мактаб биносининг ночорлигини наҳотки маҳаллий раҳбарлар билишмаган бўлса?!

— Ҳа ука, ҳамма касофат баъзи раҳбарларимизнинг кўпни эмас, ўз ҳаловатини ўйлашга, халқ, давлат манфаатини эмас, балки кўпроқ хусусий манфаатни кўзлашга одатланганликлари-да. Бу — ёмон иллат! Бугунги касофатларнинг БОШ сабаби ҳам шу-да!

Дарвоқе, қайта қуриш бўрони Пастдарғом районининг раҳбарларини ҳам ғафлат уйқусидан уйғотса ажаб эмас.

Шомурод СИДДИҚОВ,
«Гулистон» журналининг махсус мухбири



Н. ШАРИПОВ сурати

Эргаш МУҲАММАД

ФАРЗАНД ДОҒИ

Фарзанд доғин чекса гар аёл,
Уст-бош нима, дунё қоп-қора:
Йиқилган тоғ остида хаёл,
Сукунатдан юраги яра.

Тизларидан кетиб куч-дармон
Чўкар гоҳо қабристондек гунг.
Юрагидан томчилар армон,
Кўзларидан тўкилади мунг.

Ҳатто букар отани бу ғам
Унга қандай чидасин она?!
Унутолмас минг йил ўтса ҳам,
Эслайверар ёна ва ёна...

У шўрликка қувонч етти ёт,
Бу дунёдан ўтар бўзлаб тим...
Фарзандларни этинг эҳтиёт,
Фарзанд доғин кўрмасин ҳеч ким!

ҚАРИЯЛАРИМИЗ ҚАДРИЯТИ



Абдужаббор МАННОПОВ

КПСС Марказий Комитетининг Март (1989 й.) пленуми қишлоқларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий жиҳатдан тубдан қайта қуриш ва ривожлантиришнинг истиқболли программасини ишлаб чиқди. Зеро, қишлоқ қиёфасини ўзгартириш, маданиятини кўтариш, аввало, деҳқон хонадонини фаровон қилиш, деҳқоннинг руҳияти, дунёқараши, социал турмуши, орзу-умидларини рўёбга чиқариш шу куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Маълумки, коллективлаштириш, ундан кўп ўтмай оммавий қатағон қилиш ва турғунлик даврида авж олган шошқалоқлик ва пахта ҳукмронлиги колхозчи деҳқонларнинг турмуш даражасини пасайтириб юборди. Деҳқон ўз меҳнатига яраша ҳузур-ҳаловат кўрмади, унинг чекига заҳматли меҳнатнинг жуда кўпи, иш ҳақининг эса энг ози тўғри келди. Бу тенгсизлик қишлоқ меҳнат аҳлини пенсия ва турли нафақалар билан таъминлашда ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

«Колхоз аъзоларига пенсия ва нафақалар тўғрисида»ги СССР Қонунининг Давлат пенсиялари ҳақидаги Қонундан саккиз йил кейин қабул қилиниши ҳам буни яққол кўрсатиб турибди.

Бугина эмас, пенсия тайинлаш учун иш ҳажмини ҳисоблаб чиқишда, қўшимчалар қўшишдаги чекланишлар ҳам деҳқонларнинг тинкамадорини қуритди.

Дастлабки йиллари колхозчиларга пенсия ишчи ҳамда хизматчиларга нисбатан беш йил кейин, яъни эркакларга 65 ёшдан, аёлларга 60 ёшдан тайинланди. Ҳайриятки, кечикиб бўлса ҳам бунинг олди олинди. Лекин ҳозиргача қарилик, инвалидлик пенсияларига узлуксиз иш ҳажми учун 10 фоиз қўшимча қўшилмай келинмоқда.

Бугина эмас, давлат пенсиялари тайинлашда колхозда орттирилган иш ҳажми ҳамон инобатга олинмаяпти, умумий касаллик бўйича 3-группа инвалидларига нафақа тўланмаяпти, 5 фарзандини 8 ёшгача тарбияларган колхозчи аёлларга 5 йиллик иш ҳажми билан тўлиқсиз пенсия тайинлаш пайсалга солинмоқда. Колхоз хўжалигида 5—6 кун сабабсиз ишга чиқолмаган колхозчи «бир йиллик белгиланган иш ҳажмини бажармаган», деган асоссиз даъволар билан ранжитилмоқда. Айни вақтда оз миқдорда пенсия олаётган колхозчи давлат корхоналарига ўтиб ишласа, пенсия тўлаш тўхтатилмоқда. Колхозчилар билан ишчи-хизматчиларнинг энг кам миқдордаги пенсияси ҳам бир-биридан фарқ қилади. Уларга узлуксиз ва умумий иш ҳажми учун ишчи ва хизматчилар сингари пенсияга 20 фоизли қўшимча бериш жорий этилмаган.

Бу муаммолар тўла ҳал этилмаган бўлса ҳам, эътибордан четда қолмади. Колхозчиларга пенсия ҳисоблаб чиқариш шарти ҳамда усуллари ишчи ҳамда хизматчиларники билан тенглаштирилди, талаб қилинадиган пенсия ёши ва иш ҳажми бараварлаштирилди. Пенсияга чиқиб, колхоз хўжалигида фаолиятини давом эттираётган қарияларимизга пенсия ва иш ҳақини тўлиқ олиш ҳуқуқи берилди.

Аммо, ҳали ҳам колхозчиларнинг деярли кўпчилиги оз миқдордаги пенсия билан таъминланган. Унинг миқдори дастлаб 12 сўм эди. Кейинчалик 20 сўмга, сўнгра 28 сўмга ва ниҳоят 1985 йилдан бошлаб 40 сўмга кўтарилди.

Пенсионерларнинг моддий фаровонлигини ошириш мақсадида колхозчиларнинг Бутуниттифоқ III съездида колхоз маблағлари ҳисобидан колхозчи пенсионерларга ички ва шахсий пенсиялар тайинлаш қатъий белгилаб қўйилди. Ҳозирги кунда жумҳуриятимиз колхозларининг маблағларидан 8741 колхозчига колхоз шахсий пенсияси тайинланган, 3336 пенсионер пенсиясига қўшимча қўшиб берилмоқда. Буларга ҳар ойда 670 минг 267 сўм сарфланмоқда.

Шу ўринда Андижон область Хўжаобод районидаги «Россия» колхозини мисолга келтириш мумкин. Хўжаликнинг умумий даромади қандай ва у колхозчилар ўртасида қандай тақсимланмоқда?

Колхоз сут-товар фермаси, қўйчилик, йилқичилик ривожланди, кўп болали оналарнинг меҳнат қилиш учун дала шийпонларида тикувчилик ёрдамчи хўжалиги ташкил этилди, музқаймоқ цехида ҳар куни 7 минг дона маҳсулот ишлаб чиқарилиб, тарқатилмоқда. Хуллас, колхознинг ҳамма соҳадан олган даромади 3 млн. 800 минг сўмни ташкил этди. Шундан 2 млн. 300 минг сўми иш ҳақи сифатида колхозчиларга тарқатилди. Колхозчилардан Икромжон Ҳайитбоев оиласи бир йилда 6741 сўм, Саломатхон Қодирова 2596 сўм, Абдувоҳид Тўрақулов 2527 сўм даромад қилди. Колхозда ишчи ва шахсий пенсия таъминотидан 41 киши баҳраманд бўлмоқда.

Пенсия ва нафақа тўлашдаги адолатсизликлар ҳар қандай колхозчини, дала меҳнаткашини ўйлантиради, энг ачинарлиси шуки, уларнинг меҳнатга муносабатида ҳар хил қарашларни юзага келтиради. Бир текисчилик эса ҳалол кишиларни ишдан совутади.

Қачонлардир, кимларнингдир айби билан ёшлари нотўғри ёзилиб қолган, иш ҳажмлари қайд этилмаган, бетоблиги ёки кўп болалиги туфайли меҳнат фаолиятини давом эттира олмаган, тақдир тақозоси билан бир колхоздан бошқа шаҳарга ўтиб қолган, Улуғ Ватан урушининг жанггоҳларида бўлиб, инвалидлиги ҳақида шифокорларнинг бир парча қоғозини олмаган ёки етим болаларни иссиқ бағрига олиб, уларни оқ ювиб-оқ тараган колхозчи оналарнинг бугунги кунда тегишли нафақаларни ололмасдан сарсон-саргардон бўлиб юрганига нима дейсиз? Ҳамма жойда улардан ҳужжат талаб қилишади. Расмият шунақа. Талаб бўлганда ҳам кишининг силласини қуритадиган қоғозбозликдан иборат талаб! Бироқ, ўша суронли йилларда ана шу оддий кишиларнинг хаёлига ҳужжат тўғрилаб қўйиш келмаганлигини ҳеч ким ўйлашни ҳам, тушунишни ҳам истамайди. Идора хизматчилари кўзларини лўқ қилиб тепса-тебранмас тўраларга айланадилар. Ваҳоланки, шу қариялар ўша вақтда ҳужжат ҳақида эмас, ишлаб, бир бурда нон топиб, етимларнинг қорнини тўйдириш учун қайғуришган бўлади. Расмий идоралар ҳозир ҳам буни тан олаётганлари йўқ, тўғрироғи тушунишни истамаётирлар.

Яқинда республика миқёсидаги бир раҳбарнинг матбуотда эълон қилинган қуйидаги гапларини ўқиб қолдим: «Ҳар бир ер майдони қайтадан паспортлаштирилади, ҳар бир хўжаликнинг картограммаси янгитдан тузиб чиқилади». Бу ерда гап эгасини топади деб ҳисоблайман. Ерларнинг паспортлаштирилиши, картограммаларнинг тузилиши яхши, албатта. Бу ҳисоб-китобни аниқ олиб боришдан ташқари, деҳқоннинг ҳам «кўзини очади», унинг ерга бўлган масъуллигини оширади. Аммо, деҳқоннинг ўзи ҳақида ким ўйлайди, уларнинг моддий-маиший аҳволи, пенсия таъминоти, ижтимоий-маданий турмуши бундан кейин нима бўлади??

Мана, китоблик колхозчи Мунаввара Хўжамованинг дил сўзларини эшитинг-а: «Паспортимга ўз ёшимдан уч ёш кичик ўтганман, яъни туғилган йилим 1927 эмас, 1930 йил бўлиб қолган. Буни тўғрилаш учун бош урмаган идорам, учрашмаган «каттам» қолмади. Ҳамма жойда: «Келинг, қўйинг энди опа, ўзингизни ҳам, бизни ҳам овора қилманг», деб осонгина қутулишади. Майли деб кетаману, бироқ қадримга ачинаман. Бир пайтлар совхозда ишлаб юрган кезларим 250—300 сўмлаб ойлик маош олганман. Икки марта иттифоқ медаллари билан тақдирланганман. Фахрий ёрлиқларим эса... қўйинг, буларнинг ҳам пенсияга таъсири йўқ экан. Хуллас, совхозда 22 йил узлуксиз меҳнат қилдим. Бироқ, 1967 йилда соғлиғим ёмонлашганлиги сабабли нисбатан енгилроқ иш деб мактабда фаррошлик қила бошладим. Маошим 70 сўм эди. Пенсияга чиқиш олдидан, ҳар қалай, пенсияга қўшимча бўлар, деган ниятда бир ярим баравар маош билан ишладим. Лекин шаҳар ижтимоий таъминот бўлими менга аввалги 70 сўмлик иш ҳақим юзасидан пенсия тайинлади.

Хўш, нима учун шундай, нега умримнинг энг навқиронлик чоғлари, яъни 22 йил давомида ишлаб топган ҳақим ҳавога совурилди! Нима учун 1,5 бараварлик маошдан пенсия тайинланиши мумкин эмас. Ахир, баъзи кишилар бор, куч-қувватини сарфлаб тер тўкиб меҳнат қилади, айниқса, фаррошликда. Баъзилар эса куч-қуввати камлигидан, хўжакўрсин учун ишлаётганидан бир нормани ҳам чалажарим қилиб бажаради. Нега ҳар иккаласини тенглаштириш керак?! Булар, шубҳасиз, ҳозирги қонунларимизнинг замон талабларига жавоб бермай қолганлигидан далолатдир.

ҚИССАНАВИС ВОСИФИЙ

Ҳабибулла ЗАЙНИДДИНОВ

Ўтмишда Ўрта Осиё халқлари орасидан илму фаннинг, адабиёт ва санъатнинг кўплаб порлоқ намоёндалари етишиб чиққан. Шундай сиймолардан бири 1485 йили Ҳиротда дунёга келган зукко олим ва адиб Зайниддин Маҳмуд ибн Абдужалил Восифий бўлиб, ўз замонасидаёқ темурийлар ҳукмронлигининг бир пойтахти, Алишер Навоийдек буюк мутафаккир бошчилик қилган Ҳирот адабий муҳитида оғизга тушиб, шуҳрат топган эди.

Маълумки, Зайниддин Восифийнинг ҳаёти, хусусан, унинг ҳам болаликнинг серзавқ, ҳам йигитликнинг серташвиш дамлари, ижодий фаолиятининг гуллаган палласи XV аср охири ва XVI аср бошларидаги суронли, авж олиб кучайиб кетган Шарқий Хуросон ҳамда Мовароуннаҳрдаги ўзаро феодал урушлар, тўс-тўполонлар шиддатли тус олган ғоят кескин даврларга тўғри келади. Ўшал терс келган кажрафтор фалакнинг аёвсиз тигидан талайгина маърифат дарғаларининг ёстиғи қуриди, баъзилари эса, ўз она юртларини тарк этиб, ўзга ёқларга бош олиб кетишга мажбур бўлдилар. Зайниддин Восифий ҳам Мовароуннаҳрга келган. Бу адиб ўша даврларда аксари рўй берган ва ўзи шоҳид бўлган тарихий жараёнларни, саргардонликда бошидан кечирган азобуқубатларни ва бошқа бировлардан эшитган ёхуд халқ орасида кенг тарқалган қисса ва ривоятларни ҳам ўзининг бизгача етиб келган «Бадоеъул вақоеъ» («Нодир воқеалар») номли асарида юксак бадиий маҳорат билан ғоятда жонли тасвирлайди.

У Мовароуннаҳрнинг Шаҳрисабз, Бухоро, Самарқанд, Шоҳрухия (Сирдарё бўйидаги қадимий қалъа шаҳар) каби шаҳарларида бўлган. Унинг мазкур китобини кўздан кечирар эканмиз, ҳамиша илм ва ижод иштиёқи билан ёнган қиссанависни биз гоҳ мадраса талабалари ёки деҳқон аҳли, гоҳ ҳунарманд косиблар даврасида кўрамиз. У маҳаллий ҳокимлар саройида хизмат қилиб юрган чоғларида ҳам турли-туман илму фан соҳиблари билан бевосита мулоқотда бўлган. Маърифат, маданият ва адолат йўлида жонкуярлик билан жуда кўп иш қилгани ушбу китоб орқали яхши маълум. Унинг шеърий ижодига келсак, бунда ҳам у ўз даврининг, сўзсиз, улкан салоҳиятли пешқадам шоири бўлганлиги яққол кўринади.

Зайниддин Восифий 1525 йили Тошкентга келади ва бу ўлканинг чексиз гўзаллигига шайдо бўлиб, бир умрга шу ерда қолади. У, бу ўлкани, айниқса, гул фаслларида сепини ёйиб кўз-кўз қилган соҳибжамол келинчакка, тупроғини зарга, зилол сувларини гавҳарга ўхшатади. Гўзал биноларидан эса, само юлдузлари ҳам рашк қилади, боғ-роғлари жаннатдан айнан нишона, деб таърифлайди. Жумладан, адиб Тошкент ҳақида: «Бир шаҳар кўрдимки, зангори фалак ҳар шом газандаларни қувиш учун юлдузлардан исириқ уруғини унинг учун шафақ оташида куйдирарди; аҳолиси йўли ва равишига деб ойнинг жаҳонни ёритувчи машъалини ёқарди... Зуҳал ҳиндуси раъд тошини Шарқ қуёшидан мукаммал ясарди... Бу шаҳар атрофида Кайковус биноларидан чорбоғлар бўлиб, ундан Эрам боғининг дилида доғи бордир. Сафолиги гўзаллар вафосидан зебандатар, ҳавоси маҳбублар карашмасидан ҳам фирибгарроқдир. Сув тўла ҳовузлари дарвозасига ким қадам қўйса: «Бу боғларга хуш келибсиз!» сўзларини эшитарди»,[1] — деб ёзар экан, шеърларида бу ўлкани янада зўр илҳом билан тараннум этишини кўришимиз мумкин. У шундай деб ёзади:

Тошканд мулкин букун таърифин этай,
Нуқталар шодасин назмга битай.
Бир диёрдирки, анда сунбулу раъно,
Халқин жаҳон айтар мардуми доно.
Андоқ бир шаҳарки жаннатмакондир,
Ҳижолатдин жаннат сийнаси қондир.

Маълумки, Алишер Навоий Ҳирот осмонининг порлоқ юлдузи, Хуросон халқининг бирдан-бир таянчи, нажоткори бўлганидек, ўша пайтларда Тошкент хонининг бош вазири, аср нодири бўлган Жалолиддин Юсуф Қошғарий ҳам Тошкент осмонининг ёрқин юлдузи, шу ўлка аҳлининг меҳрибон ғамхўри, нажоткори бўлганлигини, юрт ободончилиги, илм-фан, маърифат йўлида фидойи инсонлиги, жамики ижод аҳлига бош-қош бўлиб, уларга ҳар томонлама рағбат кўрсатганлигини ҳам худди шу Зайниддин Восифийнинг асаридан биламиз. Яна бу улкан қалб эгаси бўлган сиймо айни бир вақтда нафақат давлат арбоби, балки замонасининг энг тенгсиз мусаввири ҳам бўлганлиги тўғрисида адиб Зайниддин Восифий маълумот беради. Шунингдек, унинг мусаввирлик бобидаги ижоди ҳақида шундай деб ёзади:

«У муборак мажлисига кириб, ўзи билан бир саҳифа келтирдики, унда бир ёш найза ушлаган шаҳсувор, унинг найзаси йўлбарс панжасига санчилган, нуқта тусли рахши йўлбарс савлати ва ҳайбатидан ҳуркиб турғани чекилган эди.

Алқисса, у шундай бир саҳифа эдики, мабодо ажойиб нақш этилган бу сурат фалак лавҳида бўлганида, бу шаҳсувор фалак ўрмони шери гардун майдони найзадори (Миррих) паноҳига қочарди, йўлбарс овловчи шер нақшин салобатидан найзадор Баҳром ўз кўч-кўлонини Асад буржи томон кўтарарди.

Ўша суратли саҳифани у олий мажлисга туҳфа қилди ва таҳсин зевари ва офарин нисори билан муаззиз ва сарафроз бўлди». Умуман адиб ўз кўзи билан кўрган аср нодирининг талай мусаввирлик ишларининг таърифини келтиради ва уларни замонасининг кўпгина мўйқаламлари ишларига қиёслаштириб яна: «Жаноби... мавлоно Жалолиддин Юсуфки, нақкошлик санъатида ва суратгарликда шу даражада камолотга етган эдики, Моний унинг замонида бўлганида ўзининг ҳунарварлик корхонаси бисотини йиғиштирган ва инсоф қалами билан унинг мўъжизалар ярата оладиган ва нафис санъатлар сувратхонасини зайлига шундай сўзларни ёзган бўларди:

Ба рўзгори ту суратгарони афт иқлим,
Қалами шикаставу дар сурати ту
ҳайронанд.

Яъни:

«Сенинг замонингда етти иқлим мусаввирларининг мўйқалами шикаста ва суратинг олдида ҳайрондирлар», деб юксак баҳо бериб кетади.

Зайниддин Восифий ўзининг мазкур китобини 1532 йили ёзиб тугаллаган. Адибнинг ундан кейинги ижоди ҳақида манбаларда қайд этилмайди, аммо унинг 1566 йили 81 ёшида Тошкентда вафот этганлиги маълум. Қадимий қўлёзмалар илмининг билимдон саркори, қарийб салкам тўқсон йил умр кўрган марҳум Абдулла ота Носировнинг ҳаётлик чоғларидаги бир суҳбатда биз талқин этаётган қиссанавис Зайниддин Восифийнинг қабри Ҳазрати Имомдаги (Хастимом) Қаффол Шоший мақбарасида эканлигини «Беглар беги» мадрасасининг (ҳозир бу мадраса ўрнида Калинин хиёбони жойлашган) мударриси бўлган бобоси Али Муҳаммаддан, у киши эса, отаси Бобо Муҳаммаддан эшитганлигини гапириб берган эди. Албатта, бу сўзнинг нечоғлик ҳақиқат эканлиги ҳозирча номаълум. Лекин шоир ва адибнинг Тошкентда яшаганлиги, шубҳасиз, ҳақиқатдир.

---

[1]. Зайниддин Восифий. «Бадоеъул вақоеъ». Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1979 йил, 60—61-бетлар.

[2] Зайниддин Восифий. «Бадоеъул вақоеъ». 67—68-бетлар.

Ҳаётда ва турмушда ҳалолликка нима етсин. Ахир, айримлар қатори охирги бир-икки йил бирор «ёғлиқ»роқ жойда ишласам, болаларимни ёрдамга чақириб, улар ишлаган пулларни ҳам ўз номимга ўтказиб, озгина қалбаки йўл тутганимда, балки мен ҳам 120 сўмдан пенсия олган бўлардим. Алҳазар! Лекин мен шундай қилишни хоҳламадим. Эгриликни эмас, инсоф-имон йўлини тутдим. Бироқ, қонун инсоф қилмаяпти-ку!»

Хуллас шундай. Одамлар қариган чоғларида пенсияларини тўғри оладиган бўлсинлар. Пенсия тайинлашда умумий иш ҳажми, касби, меҳнатининг сифати, иш шароитларининг қийин ёки осонлиги эътиборга олиниши, албатта, шарт.

Еки бошқа бир муаммони олиб кўрайлик. Масалан: «... кам даромадли оилаларнинг 8 ёшгача бўлган болаларига нафақа беришда томорқадан олинадиган даромад Андижон областида йилига 720 сўмни ташкил этади. Бу бир қарашда тўғрига ўхшаб кўринади. Лекин 16 сотихдан олинадиган даромадни ҳам, ярим гектардан ҳам бир хилда қилиб кўрсатиш инсофдан эмас-да. Ахир баъзи хўжаликларда 4 ёки 8 сотих ер бўлгани ҳолда ундан олинадиган даромадни ҳам 720 сўм қилиб қўйилмоқда. Нега буни тартибга солиш мумкин эмас?!» — деб ёзади Олтинкўл район Оразий қишлоқ Советидаги Макаренко номли 40-ўрта мактаб ўқитувчиси Т. Матмусаев.

Дарҳақиқат, бундай ечимини кутиб ётган, меҳнаткаш деҳқонларнинг қалбини ўртаб, вужудини жумбушга келтираётган муаммолар жуда кўп.

Биз қайта қуриш шароитида яшаяпмиз ва ишлаяпмиз. Ошкоралик, демократия шабадалари бахри-дилимизни очмоқда, қалбимизни хушнуд этмоқда. Энди қишлоқда яшаётган пенсионерлар ҳақида ўйлаб кўришнинг ҳам вақти келди. Ахир пенсия кун кўриш учун бериладиган эҳсон эмас-ку!

Мижозни билиш даволаш ишида ёрдам беради.
Ибн Сино

МИЖОЗИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Абдулҳамид АБДУЛАҲАДОВ,
шифокор

Ҳар бир одам ўз ҳаётий заруратини, яъни танасида кечаётган жараёнларнинг меъёрини билмоғи ва уни тўғри йўлга қўймоғи зарур. Ваҳоланки, танада ва ундан ташқарида кечаётган жараёнларнинг зарур шарт-шароитларини, миқдор ва сифат меъёрини англамай туриб, уларнинг ўзгаришини ва натижада бирор касалликнинг келиб чиқишини кузатиш қийин.

Халқимиз орасида: «Ўзини билмаган, ўзгани билмас», деган нақл бор. Ёки немис мутафаккири Лессинг ибораси билан айтганда, атроф-муҳитни ўрганиш-билиш ҳар ким учун ўзини билишдан бошланмоғи лозим.

Мижоз — ҳар бир жисм, модда, ҳатто тана — организмнинг таркибини ташкил этувчи айрим унсурларнинг хоссаларидан йиғилган умумий хусусиятдир. Гап одамлар хусусида борганда эса, мижоз сўзи инсоннинг моддий ва руҳий ҳолатини белгилаб турувчи хусусият бўлиб, у одам танасининг моддий асосини ташкил этувчи унсурлар хусусиятининг мажмуасидир.

Одам танасини ташкил этувчи моддалар миқдор ва сифат жиҳатдан ўзаро мутаносибликка эга. Шу мутаносиблик туфайли одамда маълум мижоз шаклланади. Агар бу мутаносиблик бузилса, демак мижоз ҳам ўзгаради. Натижада касаллик пайдо бўлади.

Одамларнинг мижози яшаб турган иқлимига, истеъмол қилаётган овқат маҳсулотларининг хусусиятларига, меҳнат қилиш, дам олиш тарзига ва ҳоказоларга узвий боғликдир. Чунки айнан шулар мижозни келтириб чиқарувчи ва белгиловчи шартлардир.

Инсон танасининг фаолиятини таъминлаб турувчи тўрт хил модда бўлиб, улар асосан қон, сариқ сув (лимфа), сафро (ўт суюқлиги) ва савдо (шиллиқ моддалар)дан иборат. Айни шу моддалар биргаликда, ўзаро муносабатда бўлиб, мижозни белгилайди. Уларнинг бирбирига бўлган нисбатига кўра қуйидаги мижозлар бўлади: мўътадил ёки ўрта мижоз. Бундан ташқари, тўртта оддий ва тўртта мураккаб ёки аралаш мижозлар ҳам бор. Иссиқ мижоз, совуқ мижоз, ҳўл мижоз, қуруқ мижоз, қуруқ иссиқ, қуруқ совуқ, ҳўл иссиқ, ҳўл совуқ мижозлар.

Юқорида айтиб ўтилган тўрт хил хилт эса қуйидагича белгиланади: қон — ҳўл иссиқ, сариқ — ҳўл совуқ, ўт суюқлиги — қуруқ иссиқ, савдо — қуруқ совуқ. Бу хилтлар ўзаро миқдор ва сифат жиҳатдан тўғри мутаносибликда бўлса, тана ўрта ёки мўътадил мижозга эга бўлади. Мутаносибликнинг бузилиши эса, мижознинг у ёки бу томонга ўзгаришига олиб келади.

Мижоз инсон танасининг ички муҳит ҳолатини белгилаб турувчи хусусият бўлиб, ўз навбатида, иқлим-шароитнинг, истеъмол қилинган маҳсулотларнинг, ҳаракат ва дам олиш жараёнларининг хусусиятларидан келиб чиқади. Масалан, иқлим жиҳатидан шимолда совуқлик ва намлик ҳукм сурса, жанубда бунинг акси — қуруқлик ва иссиқликдир. Серҳаракатлик иссиқлик ва қуруқликка олиб келса, ҳаракатсизликдан бунинг акси юз беради.

Овқат маҳсулотлари ҳам қаерда етиштирилганлиги ва таркибига, қайси усулда тайёрланишига қараб, ҳар хил мижозга эга бўлади. Мижозлар кучли, ўртача ва кучсиз каби даражаларга бўлинади. Бинобарин, мижознинг бузилиши оқибатида турли касалликлар келиб чиқади. Табиийки, бу касалликларнинг турлари ва белгилари ўша ортиб кетган мижозга монанд бўлади. Масалан, танада иссиқлик ва қуруқликнинг ортиб кетиши хафақон, жигар ва ўт йўлларининг хасталиклари (бу аъзоларда тошлар пайдо бўлиши)га тананинг турли қисмларига туз йиғилиши, ҳар хил қўтирсимон тери касалликлари, тошма (аллергия), қанд касаллиги, қабзият каби дардларга мубтало этса, совуқлик ва ҳўлликнинг ортишидан эса тумов, ўпка шамоллаши, турли аъзоларнинг яллиғланиши, беланги (радикулит) ва ҳоказолар келиб чиқади.

Мижоз тушунчаси қадимдан асосан шарқ халқлари ўртасида ишлатилиб келинган бўлса ҳам, кейинчалик, асримиз ўрталарига келиб европаликлар орасида ҳам тарқалди. Булар орасида юқорида зикр этилган тўрт хил хилтнинг лотинча ва юнонча номланиши асосида, танада қайси хилтнинг ғолиб келишига қараб, одамлар ўша мижозга хос тоифаларга бўлинганлар. Масалан, серҳаракат, жўшқин фаолиятли, хушчақчақ тоифаларга; хотиржам, суст ҳаракатли, вазмин хусусиятли кишиларга; қизиққонли, тажангларга, ўта вазмин, синиқ кайфиятлиларга бўлинадилар.

Мижознинг бузилишидан келиб чиқадиган касалликлар мижозни тўғрилаш ёки мўътадиллаштириш йўли билан даволанади: иссиғи ошганлар совуққа, қуруқлиги ошганлар ҳўлликка эҳтиёж сезадилар.

Шундай қилиб, мижозни билиш ва унинг мўътадиллигини таъминлаш, саломатликнинг муҳим омилларидандир.





БОЛАЛАРГА ЗАВҚ УЛАШИБ...

Болаларни ким севмайди, дейсиз. Уларнинг соддалиги, самимийлиги, қизиқувчанлиги, ишонувчанлиги... Ҳаммамиз ҳам шуларнинг келажаги учун меҳнат қиламиз. Болалар тарбияси ҳамма даврларда шоирлар, ёзувчилар, санъаткорлар эътиборида бўлган. Шулардан бири рассом Рустам Зуфаровдир.

Рустам ўз ижодини талабалик йилларидаёқ бошлаган. Шу кунгача «Ғунча» «Гулхан» ўқувчилари Рустам чизган расмлардан завқланишади, янги-янгиларини сабрсизлик билан кутишади. Рустам безатган китобларнинг ҳам саноғи йўқ. Улар Ғафур Ғулом нашриёти, «Ўқитувчи», «Еш гвардия», «Юлдузча» нашриётларида чиқарилган. Айниқса, «Усмон атлас», «Сеҳрли гул», «Аленький цветок», «Аловуддиннинг сеҳрли чироғи» каби ранг-баранг китоблари рассомнинг серқирра ижодидан намунадир. Рустам чизган расмларнинг таровати, услуби, нозик чизиқлари, ёркин ранглари билан китобхонни қувонтиради. Рассомнинг ўзига хослиги ҳам шундаки, унинг салбий қаҳрамонлари ҳам чиройли, хушбичим одамлар. Фақат уларнинг хатти-ҳаракати, юз ифодасидан ёвуз нияти сезилиб туради. Ростда, табиат барчани гўзал қилиб яратади. Фақат ички дунёси ҳар хил.

Рустам Зуфаров кўп йиллардан бери «Еш гвардия» нашриётида рассом-муҳаррир бўлиб ишлайди. Шу давр мобайнида кўплаб ёш рассомларга мураббийлик қилди. Уларга китоб безатиш санъатини ўргатди.

Яқинда ёш китобхонлар Рустам Зуфаров безатган «Митти-войнинг саргузаштлари», «Тўқиз дангаса», «Алдаркўса саргузаштлари» китобларини қўлга олишди.

«Рустам, сизнинг нималардан кўнглингиз тўлмайди?» деган саволга: «Энг аввало безатган китобларимдан, ҳали кўп изланишим, маҳорат сирларини эгаллашда машқ қилишим керак, — деб айтди. — Яна, Ватанимизда ишлаб чиқарилаётган қоғозлар ҳам китобларимиз ҳуснини кўз-кўз қиладиган даражада эмас», — қўшиб қўйди у.

Мен рассомни кўп саволга тутмадим. Энди буёғини унинг асарлари гапирсин.

Мирвосил ОДИЛОВ



ДЕЛЬФИНЛАР ҚУТҚАРИШДИ

Австралиянинг шарқий қирғоғи бўйида дельфинлар сузгич тахтачада денгизга чиққан ўн етти яшар ўсмир ҳаётини қутқариб қолишди.

Бу спортчи йигитчага акулалар ҳужум қилиб, қудратли тиғлари билан сузгич тахтани чеккаларини ғажиб синдирган ҳамда ўсмирнинг ўзига ҳам жароҳат етказган. Худди шу лаҳзаларда дельфинлар унга ҳимояга етиб келишади ва акулаларни қувиб юборишиб, жароҳатланган ўсмирни то денгиз соҳилига қадар кузатиб қўйишади.

МИЛЛИОНЕР ИТ

Сиз суратини кўриб турган бу «икки дўст» Англиянинг таниқли миллионерларидан ҳисобланади. Улардан бири — ишламай пул топиш «қироли» Крис Ираклидис, иккинчиси — унинг Зорба лақабли арзанда итидир. Ҳа, ишонаверинг, Зорбанинг банкдаги шахсий ҳисоб дафтарчасида орқасида олтита нол рақами бўлган жамғармаси бор. Ўтган йили бу тўрт оёқли «кино юлдузи» яна 3 миллион доллар ишлаб олди. Шундан сўнг унинг номи 1989 йил бошида «Геннеснинг рекордлар китоби»га қайд этилди. Мазкур ит ҳақидаги маълумотлар қуйидагича: узунлиги бурнидан думигача 2 метру 54 сантиметр, оғирлиги кишини ҳайратга солади — 149 килограмм.

Зорбанинг хўжайини гувоҳлик беришича: «Гарчи арслон келбатли ит АҚШ ҳамда ГФР киночилари ҳамкорликда яратган фильмда бутун қишлоққа қирон келтирган ёвуз сифатида суратга тушган бўлса ҳам, аслида у «бузоқчадек» ювош жонивордир».



ТАЙБЕЙ — САНОАТ ШАҲРИ

Тайбей шаҳри — Тайван оролининг йирик маъмурий-иқтисодий марказидир. Оролнинг шимолий қисмида жойлашган шаҳарда айни вақтда 2,5 миллион аҳоли истиқомат қилади.

Тайбей — транспорт хизмати кўрсатишнинг йирик алоқа маркази ҳамдир. Чунончи, Тайбейда Суншанъ ва Таоюанъ каби икки халқаро аэропорт мавжуд. Портга кираверишдаги махсус жой саналмиш Цзимун Тайбей билан ягона саноат марказини ташкил қилади. Тайбей шаҳрида айниқса саноатнинг машинасозлик, кемасозлик, электроника, металлургия, кимё, цемент ишлаб чиқариш, ёғочсозлик, қоғоз ишлаб чиқариш каби тармоқлари кенг ривожланган.






Рассом Рустам ЗУФАРОВ. «Оловуддиннинг сеҳрли чироғи» эртагига ишланган расмлар.







Лутфулла **АБДУЛЛАЕВ.** Пахтакорлар.



АНВАР МИРСОАТОВ. Яйпаңдаги дала ҳовли.




АЛИШЕР НАВОИЙ.

НЕЪМАТ ҲАКИМОВ АСАРЛАРИДАН НАМУНАЛАР

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ.



ЧЎЛПОН.





Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси ҳайъатининг раиси муфтий Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф СССР халқ депутати ҳамдир.

А. Горокрик ва Р. Шагаев фотоси (ЎзТАГ)



Усмон ҚУЧҚОР

* * *

Менинг йўлим чувалиб кетди,
Етиб келолмадим бу дафъа.
Гулим, сени кимлар ранжитди,
Гулим, сени ким қилди хафа.

Мен чақирдим, бермадинг товуш,
Бу дунёда ахтардим расо —
Оёғимда темирдан ковуш,
Қўлларимда темирдан асо.

Тушдим аждаҳолар домига,
Девлар урди бошимга гурзи.
Гоҳ йиқилдим дўзах комига,
Олиб чиқди соғ-омон орзу.

Дунё билан бўлмади ишим,
Йиллар ўтди кўксимни тилиб.
Адо бўлди темир ковушим,
Асом нина бўлди ейилиб...

Ҳузурингга келган кимсага
Термуласан ҳайрон, ичикиб:
«Бемаҳалда келмиш бу нега,
Нега келмиш бунча кечикиб?»

Бу бир шўрлик, сочлари оппоқ,
Қаршингга тиз чўкар жимгина —
Кўзида дард, боз ялангоёқ,
Қалтираган қўлида нина...

* * *

Мен кетаман, изимдан
Тоғлар менга тош отар.
Еш чиқмайди кўзимдан,
Дийдам баттар тош қотар.

Менга тегмай, адашиб,
Бошим устидан ошиб,
Йўлларимда қалашиб,
Тоғ-тоғ бўлиб тош ётар.

Гумон қолиш-ўлишим,
Бир тош менинг улушим.
Ортдан келган улусим,
Сенга не дей? Бош қотар.

Тош ёғилар олдимга,
Дард қўшилар дардимга,
Жим боқаман ортимга,
Кўзда ёшим шашқатор...

СЕВГИ

Гулим, келдим соғу саломат,
Бу бир бахтдир ноёб, аломат.
Дунёда бор таъна, маломат
Менга отган тошингга етмас.

Юз ўгирди мендан омадлар,
Кўп экан-ку мардан номардлар.
Қаршингда дол турган қоматлар
Сенинг бир ё қошингга етмас.

Етар менинг фарёдим, волам,
Етар ахир мен чеккан алам.
Ииглама, ўн саккиз минг олам
Бир томчи кўз ёшингга етмас.

Севги, сенга йўқ асло хатар,
Бошинг аршдан юксалиб кетар.
Дунё менинг бошимга етар,
Лекин сенинг бошингга етмас.



ЙЎЛ

Бу йўл
оғир йўлдир,
аламнок йўлдир,
Сенга раҳми келмас ернинг, ҳавонинг.
Бу йўлнинг чағири, тикони мўлдир,
Ерилиб кетади сенинг товонинг.

Бу йўлдан қайтмайсан, қулаб тушасан,
Шилиниб кетади тизинг, қўлларинг.
Бу йўлдан қайтмайсан — ўша-ўшасан,
Эмаклаб кетасан юксаклик сари.

Харсанглар тўсади тағин йўлингни:
«Хўш, дўстим, йўл бўлсин, энди қалайсан?»
Оғзингдан чиқариб шишган тилингни,
Тер босган тошларни бир-бир ялайсан.

Тишни тишга босиб сен оёққа қалқ,
Бул азоб-уқубат, машаққат ўтар.
Ортингдан эргашиб келаётир халқ,
Улишга ҳаққинг йўқ, қоматинг кўтар.

Бу йўлнинг заҳмати фузундир, фузун,
Бошингга ёғажак тошлари мўлдир.
Бу йўл умринг каби узундан-узун,
Ҳудди умринг каби азобли йўлдир.

ҚУЛОҚ

БАЛЛАДА

Муҳиддиннинг имони бутун,
Сиғингани — биру бор эди.
Бостирмада бир қишлик ўтин,
Икки таноб ери бор эди.
Билар эди у ишнинг кўзин,
Бутун эди кўрпа-тўшаги.
Суянгани — бур жуфт ҳўкизи,
Бия, тойчоқ ва бир эшаги.
Ўғилчаси олтига етгач,
Элу юртга берганди улоқ.
...Инқилобдан беш-ўн йил ўтгач,
Муҳиддинни қилдилар қулоқ.
Шундоқ марҳаматли оламда
Эшитмади ҳеч ким додини.
Ушбу дардда, ушбу аламда
Ўлиб кетди унинг хотини.
Мусодара бўлди ҳўкизи.
Тойчоғини қилдилар ахта.
Икки таноб боғини бузиб,
Колхоз экди ўрнига пахта.
Кетди кўрпа-тўшаги билан,
Уз ҳолидан пушмон эди у.
Ер, от, ҳўкиз, эшаги билан
Бизга синфий душман эди у.
Қорлар ёғди, излар йўқолди,
Дом-дараксиз кетди Муҳиддин.
Муҳиддиндан Фахриддин қолди,
Фахриддиндан — ёлғиз Зуҳриддин.
Зуҳриддин тенг-тўшлар ичида
Тортинчоғу кўрқоғи эди.
Ёктирардим мен уни чиндан,
Менинг яқин ўртоғим эди.
Гоҳо ҳазил-ҳузулга ўтсак,
Ўзин четга олар эди у.
«Бу нима?»— деб қулоқни тутсак,
Девор бўлиб қолар эди у...
Ёзги таътил кечиб чиройлик,
Бешинчига ўтган эдик биз.
Бир кун ўқиб, тағин уч ойлик
Далага жалб этилгандик биз.
«Сиз айёрсиз, сиз қувсиз»,— дерди
Нуқул бизга Зуҳриддин ошнам.
Ўзи эса уқувсиз эрди,
Эшитарди ҳар куни дашном.
Бир кун, билмам, қандай жин урган,
Муаллимга фириб берибди.
Куни кеча дори урилган
Ерга кириб пахта терибди.
Дардни сотиб олди, эҳ, атай,
Эртасига денг, сариқ бўлди.
Ўн кун ўтгач... оҳ, қандай айтай,
Ўлди... ўлди... Зуҳриддин ўлди...
Умрим кечди пахтазор аро,
Барча ўзбек болаларидай.
Пахта тердим гоҳо Бухоро,
Гоҳ Мирзачўл далаларида.
Дўстим, ўтган умримга қасам —
Бу умрим ғолибми ё ғариб —
Ҳамон Зуҳриддинни эсласам,
Кетаман пахтадай оқариб...

«Қишлоқдаги иқтисодий ўзгаришларнинг моҳияти шундан иборат бўлиши керакки, деҳқонга мустақиллик, омилкорлик ва ташаббус кўрсатиш учун кенг имкониятлар бериш лозим». Бу фикр КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил Март пленумида айтилди, қишлоқларда туб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни қатъият билан рўёбга чиқариш учун партия белгилаган янги аграр сиёсатга изчил риоя қилиш ва ижодий ёндошиш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Дарҳақиқат, мустақиллик бўлмаган жойда ташаббускорликка ўрин йўқ, ташаббускорлик имкониятларини рўёбга чиқаролмаган деҳқонда тупроққа, ерга, заминга бўлган меҳр-ихлос сусаяди, бундай иллат эса, уни лоқайд, бепарво кишига айлантиради. Ўнлаб йиллар давомида турли хил идоралар ва ташкилотларнинг, турли хил даражадаги раҳбарлар ва мансабдорларнинг буйруқбозлик билан ўтказиб келган тазйиқлари оқибатида ер ўзининг ҳақиқий хўжайинидан маҳрум бўла бошлади. Онанинг қалб қўри, меҳрли нигоҳи, давобахш қўлларидан маҳрум чақалоқ минг хил дардга маҳкум бўлганидек, азал-азалдан элни тўйинтириб, кийинтириб келган замин турли хил касалликларга чалинди: айниди, шўрланди, кўлланди, ботқоқланди. Бугунги кунда жумҳуриятимизнинг бирорта вилояти йўққи, минглаб гектар ери яроқсиз ҳолга келмаган бўлса...

Хайрият, қайта қуришнинг ҳаётбахш эпкинлари деҳқон кўксига ҳам ҳузур бағишлай бошлади. Партиямизнинг беқиёс куч-ғайрати билан, машаққатли бўлса-да, изчил олиб бораётган сиёсати туфайли деҳқонда ўз ерига ўзи эгалик ҳуқуқи қарор топаётир. У секин-аста қаддини ростламоқда, амалга оширилаётган ишлар ва тадбирлар, авваллари бўлганидек, ўткинчи ёхуд қисқа муддатли тадориклар эмаслигини англамоқда, эртанги кунни илгаригидек мавҳум орзулар пардасига ўралган истиқбол сифатида эмас, балки аниқ-равшан тасаввур этишга интилмоқда. Шунинг учун ҳам ўз кучига ишониб, имкониятларини чамалаб, тупроқни касалликлардан, ўсимликни зараркунандалардан халос этишни ўз зиммасига олган ҳолда ерни беш-ўн йил эмас, ундан ҳам кўпроққа ижарага берилишини талаб қилмоқда. Ана шу заминда оилавий пудрат, бригада ва звено пудратлари каби деҳқончилик шакллари тобора кенг тус олиб, ёйилиб бормоқда.

— Қишлоқ хўжалиги соҳасида йиғилиб қолган жиддий ва талайгина муаммолар СССР халқ депутатларининг яқинда бўлиб ўтган съездида атрофлича, чуқур, юз-хотир қилинмасдан муҳокама қилинди, — дейди Киров район агросаноати бирлашмасининг бошлиғи Равшан Омонов. — Илгарилари юқоридан бўладиган буйруқбозликлар, ёппасига кенг ёйилган қарсаквозлик ва мадҳиябозликлар кишиларнинг жонига тегиб, энка-тинкасини қуритиб юборди. Деҳқон амалда ҳуқуқсиз ижрочига айланиб қолди. Эндиликда уни ернинг чинакам хўжайинига айлантириш учун ҳаётимизда рўй бераётган қайта қуриш ва ошкоралик жараёнининг вақтинчалик тадбирлар силсиласи эмаслигига ишонтиришимиз лозим. У ана шу жараёнларнинг фаол иштирокчиси эканлигига ишониши лозим.

Шу нарсани журналхонларга айтиб ўтиш жоизки, район агросаноат бирлашмалари расман тугатилган бўлса-да, улар жойларда агросаноат комбинатлари, кооперативлар ёки бошқа шакллар тарзида ўз фаолиятларини қайта қурмоқдалар. Энг муҳими, деҳқон устидан ҳукмронлик қилувчи идора эмас, балки унинг оғирини енгил қиладиган, жонига оро киradиган фаолият шаклларини қидирмоқдалар.

— Бизнинг бундан буёнги амалий ишларимиз деҳқонга кўрсатма беришдан ўзни тийишдан иборат, — дейди Равшан Тойирович. — Агар қишлоқ хўжалиги бўйича мутахассис киши ҳақиқатан ўз ишининг билимдони ва деҳқон манфаатининг ҳимоячиси бўлса, бир четда қўл қовуштириб турмайди, балки, долзарб пайтларда чинакамига йўл-йўриқ кўрсатади, маслаҳатлари билан кўмакка чоғланади.

Дарҳақиқат, мазкур районда бу борада деҳқон меҳри ва ишончини қозониш учун самарали тадбирлар рўёбга чиқарилмоқда.

Маълумки, Фарғона аҳоли энг зич жойлашган музофотлардан бири ҳисобланади. Иш жойларининг тахчиллиги ва ишчи кучларининг ортиқчалиги баъзан нохуш тўполонлар чиқишига ҳам сабаб бўлмоқда. Айни шундай муаммолар қалқиб турган бир пайтда бу ерларда ижара пудрати имкониятларни чеклаб қўймайдими, деган ҳаққоний савол туғилиши табиий. Лекин бошқа бир ҳаётий муаммо ҳам кўндаланг турибдики, бу — ҳар томонлама чирмаб ташланган деҳқонга эркинлик бериш, унинг мустақил фаолият кишиси бўлиб такомиллашуви жараёнини тезлаштиришдан иборат. Кейинги йўлни амалга ошириш деҳқонга мустақиллик бериш билангина рўёбга чиқариш мумкин. Буни таъминлаш учун энг қулай усул — ижара пудрати, коллектив ва звено пудратини дадил ва уддабурронлик билан жорий этишдир.

ЗАМИННИНГ ЁШАРИШИ

Киров райони ўрамасида ҳозирги пайтда 160 минг аҳоли истиқомат қилади. 33,5 минг гектар ҳайдаладиган майдоннинг 21 минг гектарига пахта экилади. Аввалги йилларда юзага чиққан иллатлар — ғўза экини ҳукмронлиги тазйиқи остида ерларнинг структурасига жиддий путур етказилди, алмашлаб экиш издан чиқди, боғ-роғларга раҳна солинди, озиқ-овқат етиштириш эътибордан соқит қилинган соҳага айланди. Биргина аччиқ сабоқ: бутун бир район миқёсида бир кило ҳам картошка етиштирилмаган. Эндигина, ана шу жорий йилдагина атиги 83 гектар майдонга картошка экилди. Шунинг ўзи ҳам район меҳнаткашлари томонидан катта муваффақият сифатида қарши олинди.

— Алмашлаб экиш — деҳқончилик асоси, — дейди Равшан Омонов, — қайта қуриш шабадалари эса бошлаган ўша саксон бешинчи йил, аниқроғи, саксон олтинчи йилдан буён амалга ошира бошлаган ишларимиз натижасида алмашлаб экиш анчайин тартибга тушди. Ҳозирги пайтда алмашлаб экиш даражаси 97 фоизни ташкил этади. Умумий экин майдонларининг ўттиз фоизини бедазорлар эгаллаши лозим. Ҳозирча 22 фоиз майдонга беда экмоқдамиз, холос. Бунинг самараси қандай бўлди дейсизми? Мана, ўзингиз кўринг: ҳар бир сигирдан соғиб олинган сут миқдори 3 минг литрга етди, ҳар бир қорамолнинг тирик вазни 450 килограммдан кам бўлмади. Мақтанчоқликка йўймангку, лекин бу — жумҳуриятимиз миқёсида яхшигина кўрсаткичлардан ҳисобланади. Сабаби — беда. Жониворлар учун бундан тўйимли озуқани тасаввур этиш қийин. Яна ҳам аниқроқ рақамларни айтадиган бўлсам, яқин-яқинда ҳам районимиз бўйича киши бошига 18 килограмдан гўшт тўғри келар эди, эндиликда бу рақам 23 килограммга кўтарилди. Барибир бу ҳол бизни асло қаноатлантирмайди, чунки Болтиқбўйи республикаларида аҳоли жон бошига гўшт истеъмол қилиш миқдори — 80 килограмм. Бу даражага етиш — бизлар учун осмонда учиб бораётган қушни ушлаш учун қўл чўзишдек гап.

Суҳбатдошимиз қиёфасида аллақандай ички дард ифодаси зуҳур топгандай бўлади. Лекин чеҳрасидан ёғилиб турган ирода ва куч-ғайрат унинг батамом сиртга чиқишига йўл қўймаганлигини фаҳмлаймиз.

Ҳа, қишлоқ жойларида ўнлаб йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларни қадамбақадам ҳал қилиш учун катта ишлар эндигина бошланаётгандай. Тўкилай-тўкилай деб турган мактаблар ўрнига янги бинолар қуриш, ниҳоят болаларимизга бахтли келажак ваъда қилишдан ўзимизни тийиб, уларни кундалик боғчаяслилар билан таъминлаш, аёлларимизнинг қул меҳнатига қиёс этгулик оғир қисматини бироз бўлса-да енгиллаштириш... Шу дам «Октябрь 40 йиллиги» совхозида йўл-йўлакай биз кўрган — 30-йиллардан «ёдгорлик» сифатида увада ҳолига келган 43-мактаб биноси тасаввуримизда пайдо бўлади. Мактабнинг шундоққина биқинида пишиқ ғиштдан бино қад кўтарган. Бўлажак мактабда ромлар ўрнатилмаган, томлари ёпилмаган. Тўрт йилдан буён унинг ичида дайди шамоллар изғиб юрибди. Ондасонда қурувчилар келиб қораларини кўрсатишадию, яна аллақаёқларга ғойиб бўлишади. Бу бино — ўзгаришлар жараёни қанчалар оғир ва машаққатли кечаётганлигининг рамзи, лоқайдлик, бепарволик, ўзибўларчилик каби яшовчан иллатларнинг тимсолидай таассурот қолдирди бизда. Ва яна бир карра куюнчаклик билан жуда кўпчилик томонидан таъкидланаётган ҳақиқат — деҳқонга ҳар жиҳатдан чинакамига мустақиллик берилмагунча, на иқтисодий, на маданий-маънавий ҳаётимизда яхшилик сари ўзгаришлар содир бўлиши мушкул, деган гапларнинг ҳаётийлигига имон келтирдик...

— Қаловини топсанг, қор ёнади, —дейди суҳбатимизга қўшилиб қўқонлик маданият ходими Саидолим Ҳайдаров. — Ахир, янгиланиш — покланиш сабаб бўлиб, у-бу амалий чора-тадбирлар кўрилаётгандир?

— Ҳа, албатта, — чеҳраси ёришади Равшан Омоновнинг. — Қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ ҳар бир киши ҳозир ҳаракатга тушиб қолган. Ижара пудрати учун айни пайтда жуда кенг йўл очиб қўйилди. Уч ярим минг оила звено пудратига бирлашиб меҳнат қилмоқда. Бригада пудрати «Москва» колхози, «Искра» совхозларида яхши йўлга қўйилган. Шартномага кўра, ижарачи — хўжаликнинг ички ҳисобкитоб баҳосида иш кўради. Яъни, деҳқончилик учун ажратилган ернинг қулай-ноқулайлиги, тупроқ унумдорлиги, майдоннинг олис-яқинлиги, техникага эҳтиёж даражаси — буларнинг ҳаммаси инобатга олинади. Агар бир тонна пахта давлат томонидан 700 сўмга сотиб олинадиган бўлса, шундан 300 сўмдан 400 сўмгача бўлган маблағ, ҳали айтганимдай, ернинг қулай-ноқулайлигига қараб, деҳқоннинг ихтиёрида қолади. Пландан зиёд топширилган ҳосилнинг жами ҳақига деҳқоннинг ўзи хўжайинлик қилади. Эндиликда у нима қилаяпти? Ортиқча сарф-харажатга йўл қўймаслик учун ҳар бир нарсадан маромни билан фойдаланишга, уруғликдан тортиб техникага қадар ҳар бир имкониятдан иқтисод қилишга интилмоқда. Энди тракторини ёнбошлатиб қўйиб, сояда хуррак отаётган тракторчи ўтган-ўтмаган кунига ҳақ олавермайди, чунки деҳқон у билан чек муомаласи асосида ҳисоб-китоб қилади.

Билсак, ижара пудратига ўтиб ишлаётган бригадалар, звенолар ҳатто уруғликни ҳам тежаб-тергаб иқтисод қилиш йўлини тутаётган эканлар. Масалан, бир гектар ерга етмиш килограмм чигит қадалади. Ғўзани яганалаш чоғида эса, унинг жуда кўп қисми юлиб ташланади. Шундай экан, аввалдан шунга яраша бўлган миқдорда чигит қадаса бўлмайдими? Ахир, ҳар бир килограмм уруғлик чигитнинг баҳоси 20 тийин. Буни гектарларга кўпайтирилса, иқтисод қилинган сўмлар деҳқоннинг ўзида қолади-ку. Демак, деҳқонда хўжайинлик туйғуси қарор топа бориб, у мустақиллик афзалликларига ҳаётнинг ўзида амин бўлмоқда.

Бироқ, агар таъбир жоиз бўлса, деҳқоннинг харҳашаси ҳам кучая бошлади. Масалан, у уруғликнинг энг сарасини талаб этаётир. Уруғчилик хўжаликларига талабчанлик ортмоқда. Равшан Омоновнинг фикрича, умуман ҳаёт талабига кўра, уруғчилик хўжаликларидан план эмас, сифат талаб қилиниши лозим. Ана шундай талаб билан ёндошилса, кўраклари айниган

ғўзалар ўз пайтида таг-томири билан юлиб ташланади. Акс ҳолда, уруғчиликка ихтисослашган хўжаликлар бундан манфаатдор эмас, натижада уруғ сифати айнигандан-айниб бораверади.

Пахтакор хўжаликлар билан тола олиш бўйича ҳисоб-китоб қилишнинг номақбуллиги тўғрисида ҳам кейинги пайтларда жиддий гап-сўзлар бўлмоқда. Бундан фақат тайёрлов ташкилотларигина манфаат кўрмоқдалар. Деҳқоннинг чинакам кўмакдоши ва маслаҳатгўйига айлана бошлаган қишлоқ хўжалиги мутахассислари бу борада ҳам ўз ишларини қайта қурмоқдалар.

Киров район пахта тозалаш заводининг директори Маъзуржон Юсуфжоновнинг айтишича, мана шу йилдан бошлаб қайта ишлаш учун бир кило пахта ҳам четга чиқарилмайди, ундан келадиган даромад эса, маҳаллий аҳоли маданий-маиший аҳволини яхшилашга сарфланади. Аввалги йилларда топшириқдан ортиқ етиштирилган пахта ўзининг таркибидаги тола, чигит, ёғ, озуқабоп чиқиндилари билан четга чиқиб кетар эди. Эндиликда бунга йўл қўйилмайди. Бунинг мазмуни нима? Моҳият шундаки, масалан, ўтган йили район миқёсида беш минг тонна пахта планга қўшимча равишда етиштирилди. Ундан чиқадиган шелуха, кунжара, шунингдек чигит ҳам район хўжаликлари ихтиёрида қолади. Киров номли совхозда эса, электр қуввати билан ишлайдиган жувозхона ишга туширилган бўлиб, кунжут, ерёнғоқ ва чигит аралаштирилиб етиштирилган мой хўжаликлар эҳтиёжига сарфланади.

Маъмурий-буйруқбозлик иллатларидан қийинчилик билан бўлсада қутулиб бораётган деҳқон қаддини ростламоқда. Районда мавжуд еттита ғишт заводи (яна иккита завод қурилади) йилига 20 миллион пишиқ ва 15 миллион хом ғишт етказиб бермоқда. Ундан зиёд қишлоқ Советлари ҳам аҳолининг оғирини енгил қилиш, меҳнаткаш манфаатини кўзлаб иш тутиш учун ўз фаолиятларини қайта қурмоқдалар. Ҳозирги пайтда ҳар бир қишлоқ Совети қошида қурилиш бригадалари, усталарнинг кооперативи, меъмори бўлиб, улар ҳовли-жойларнинг шароитидан келиб чиқиб, халққа хизмат қилмоқдалар. Ўн олти жойда қишлоқ-врачлик амбулаторияси қурилмоқда, етти жойда ҳар бири 500 тонна ҳажмида сиғимга эга бўлган мева-сабзавот омборлари қад кўтармоқда. Ана шундай омборлар қурилиши давлат баҳосида бир ярим миллион сўм турса, уни қишлоқ аҳли хўжалик ҳисоби йўли билан 50 минг сўмга қуриб олмоқда. Бундан ташқари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, далаларга ишлатиладиган заҳарли моддаларни камайтириш мақсадида биологик методни кенг ёйишга астойдил киришилмоқда. Бу йил беш минг гектар майдон ана шу йўл билан парваришланади. «Бешариқ» ва «Партия XX съезди» совхозлари тўлалигича биологик методга ўтиб ишламоқдалар. Бунинг натижасида чигитнинг униш қобилияти, ривожланиши тезлашибгина қолмай, тупроқ ҳолати ҳам яхшилана боради. «Пахтани зараркунанда қуртлардан асраймиз, деб далани ҳам, ўзимизни ҳам заҳарлаганимиз етар энди», демоқдалар деҳқонлар. Қўқон шаҳридаги завод ва фабрикаларнинг филиаллари очилиб, касаначилик ишларига рағбат уйғотилган, ҳовли-жойларда чорвачилик билан шуғулланиш имкониятлари кенг йўлга қўйила боргани сабабли бўш аҳолини иш билан таъминлаш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Район хўжаликларининг Россиядаги Калинин области хўжаликлари билан алоқалари ҳам фойда ва самара келтира бошлади.

Албатта, қанчалар хоҳиш-ирода бўлмасин, ўнлаб йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни бугун-эртанинг ўзидаёқ бир зарб билан ҳал қилишнинг иложи йўқ. Аниқ мақсад ва уддабурролик билан, илмий ва ҳаётий жиҳатдан асосланган режалар асосида иш олиб бориш — энг оқилона йўл ана шундай. Хўжалик юритишда мустақиллик талабгори бўлиб фаолият кўрсата бошлаган деҳқонларимизнинг куч-ғайрати ва иродаси бизда ана шундай таассурот қолдирди.

Баҳодир АМИНОВ

ДОНИШМАНД ДЕҲҚОН

Еқубжон ШУКУРОВ

Эртак

Кунларнинг бирида шоҳ шикордан қайтиб келаётиб, бир мўйсафиднинг кўчат ўтқазаётганини кўриб қолибди.

— Ҳорманг, — дебди у отининг жиловини тортиб.

— Саломат бўлсинлар.

— Неча ёшга кирдингиз, оқсоқол?

— Бир кам юзга...

— Юздан ошганда қувонар эканлар-да?

— Одатда кўприкни бировлар қуради, бировлар ўтади. Қурувчига савоби тегади. Кўчат ҳам шунақа.

— Ёшингиз бир кам юзда экан. Бунга ниҳолнинг умрини қўшсак, юз иккига бобарканлар.

— Ноумид шайтон дейдилар, мен етмасам ўзгалар етар, мени эслашар.

— Ниятингизга етинг, мана сизга ҳадя! — дебди шоҳ мўйсафидга бир тилло ташлаб.

— Қуллуқ — дебди мўйсафид тиллони олар экан. — Сиз ҳозиргина ниҳолимнинг уч йилда мевага киришини тахмин қилаётган эдингиз, мана ҳозироқ мевага кириб қолди, қаранг!

Мўйсафиднинг гапидан завқланган шоҳ яна бир тилло чиқариб берибди. Мўйсафид тиллони олар экан, кулиб туриб шундай дебди:

— Мана, ҳамманинг кўчати бир йилда бир марта ҳосил берса, менинг ниҳолим икки мартадан ҳосил бера бошлади.

Бу гапдан шоҳ билан вазир ҳузур қилиб кулишибди-да, йўлларида давом этишибди. Ярим йўл босилгач, буғдой янчиётган яна бир мўйсафидга дуч келиб, ундан сўрабдилар:

— Баҳорга кечроқ чиққанмидилар?

— Йўқ, эрта чиққан эдим, эл талаб кетди.

— Ҳа, неча юлдуз саналди, равшани йўқмиди?

— Бор эди, беш юлдузнинг бири ёруғ эди, эрта сўнди.

— Узоғингиз қалай?

— Анчайин яқин.

— Иккингиз-чи?

— Уч бўлди.

— Тонг отар билан кун ботарингиз қалай?

— Мўътадил.

— Хўш... Уламо-ю фузалолар суҳбатига таъбингиз қалай?

— Чаккимас.

— Унда, биронта ғоз берсам, қурбингиз қалай? — деб сўрабди шоҳ.

— Э, патирлатиб патини юлиб ташлашга қурбимиз етар, дейман...

Шоҳ билан вазир йўлга тушибдилар. Суҳбатга тушунмай юраги сиқилиб кетган вазир гап бошлабди:

— Сиз қандай савол бердингиз-у, у қандай жавоб берди — ечолмадим, шоҳим.

— Менинг суҳбатимни деҳқон тушунса-ю, вазир тушунмаса-я! Энди сизга уч кун муҳлат: савол-жавобларнинг маъносини чақиб менга айтасиз, топмасангиз, вазирликдан тушасиз. Гап шу!

Вазир икки кун ўйлаб, суҳбат сирини ечолмай, мўйсафид ҳузурига борибди.

— Шоҳ билан суҳбатлашганда: «Баҳорга кеч чиқибсиз», деди. Сиз: «Вақтида чиққан эдиму эл талаб кетди», дединг.из.

— Ҳа, шоҳ хирмонда ёлғиз буғдой янчиётганимни кўриб: кеч уйланганмисиз, ёнингизда фарзандлар йўқ, улар ҳали ёшми, деб сўрадилар. Мен вақтида уйланган эдим, қиз бўлди, эрга бериб юбордим, дедим.

— Шоҳ: «Неча юлдуз санадингиз, равшани йўқмиди?» дедилар. Сиз: «Беш юлдузнинг бири ёруғ эди, эрта сўнди», дединг.из. Демак, фарзандларнинг биттаси ўғил бўлса, вафот қилган. Хўш, «Узоғингиз қалай?» дедилар. Сиз: «Анчайин яқин бўлди», дединг.из.

— Ҳа, у киши: кўзинг равшанми, деб сўрадилар. Мен узоқни кўролмаяпман, дедим.

— «Иккингиз қалай?» дедилар. Сиз «Уч бўлди», дединг.из. Демак, сиз асо тутиб қолганингизни айтдинг.из, шундайми?

— Шундай, тақсир!

— Хўш, уламо-ю фузалолар суҳбатига таъбингиз қалай, деганлари нимаси?

— Бу саволингизга жавоб бериш ноқулай бўлса ҳам айтай. Саройга таклиф этсам хоҳишингиз қалай, деб сўрадилар. У киши менга ғамхўрлик қилмоқчи бўлдилар шекилли.

— Демак, илтифот қилиб сизга саройдан бирон амал берса ажаб эмас. Кутамиз, — дебди вазир. — Сўнг сўрабди. — Хўш: «Сизга бир ғоз берсам, қурбингиз қалай?» деганларида сиз: «Э, олам паноҳ, патирлатиб патини юлиб ташлашга қурбимиз етар», дединг.из?

Мўйсафид завқ билан кулиб юборибди. Узр сўраб: «Бу гапни айта олмайман. Буни ўзларидан сўрайсиз», дебди.

Вазир қайтиб кетибди. Эртасига шоҳ ҳузурига кирибди. Ҳамма саволларига жавоб берибди-ю, ғоз масаласини айтмабди. Шунда шоҳ кулиб: «Демак, Мардон деҳқон ҳузурига борибсиз-да?» дебди.

— Бир қошиқ қонимдан кечгайсиз! Шундай бўлди, подшоҳи олам! — деб тан олибди вазир.

— Яхши, қонингиздан ўтдим. Энди Мардон деҳқон ўрнингизга вазир бўлур, сиз ёрдамчи вазир бўлиб қолурсиз.

Вазир нима деярини билолмай, лол бўлиб қолибди.



Еш рассомлар... А. Караваев лавҳа сурати



ИЛМГА САДОҚАТ

Улуғ Ватан уруши давом этаётган 1943 йилнинг баҳори.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг илмий ходими Ғулом Каримов машҳур шарқшунос ва адабиётшунос олим Евгений Эдуардович Бертельс Тошкентга кўчиб келиб, шу илмий даргоҳда иш бошлаётганини эшитиб қувониб кетди. Эртаси куни Евгений Эдуардович институт ходимлари билан учрашганида Ғулом Каримович дилида алломага ўз дардини айтиш муддаоси уйғонди, яъни кандидатлик диссертацияси ёзиш учун мавзу танлашда маслаҳат беришини илтимос қилди. Олим озғингина, жиккак, кўзидан илмий ишга кучли ҳавас сезилиб турган бу йигитга боқар экан, аввало ўзи ҳақида батафсилроқ гапириб беришини сўради...

1929 йили Тошкентдаги Наримонов номидаги педагогика билим юртини тугаллаб, мактаб ўқитувчиси мутахассислигини олган Ғулом Каримов ўз педагогик фаолиятини шаҳардаги «Билим» мактабида дарс беришдан бошлади. Орадан кўп ўтмай ўз истаги билан Хевага, ҳали босмачилар ҳаракати тугалланмаган қадимий шаҳарга жўнаб кетди. Шаҳардаги педагогика техникумида ўзбек тили ва адабиётидан дарс берди, бошланғич синф ўқитувчилари тайёрлаш ишига ҳисса қўшди.

1931 йил август ойи эди. Пойтахтга чақириб, ўқишни давом эттириш учун Ленинградга, Герцен номидаги педагогика институтига юборишаётганини билдиришди. Шу институтда бир йил ўқигач, Ғулом Каримов Ленинград давлат университетининг филология факультетига ўтказишларини илтимос қилди. 1932 йилнинг баҳорида ўзи орзу қилган дорилфунунда ўқишни давом эттирди. Атоқли рус олимларидан адабиётнинг назарий асослари, рус ва жаҳон адабиётининг тараққиёт йўли, забардаст ёзувчилар ижодини атрофлича ўрганган Ғулом Каримовда адабиётшуносликка, илмий кашфиётларга бўлган қизиқиш янада мустаҳкамланди.

1938 йили Ленинград университетида аспирантура муддатини тугатиб, Тошкентга қайтди. «Ўзбек адабиёти 15 йил ичида» тўпламида 1939 йили рус ва ўзбек тилларида нашр қилинган «Болалар адабиёти ҳақида» мақоласи ёш олимнинг биринчи жиддий тадқиқоти эди.

1940 йили бутун мамлакатда улуғ мутаффаккир Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллигини нишонлашга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Шу муносабат билан Ғулом Каримов «Хамса» достонлари устида тадқиқотлар олиб борди ва уларнинг натижаларини мақолалар тарзида нашр эттирди.

Устоз Е. Э. Бертельс Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достони танқидий матнини тайёрлаш устида илмий тадқиқот олиб боришни ёш олимга маслаҳат берди.

Муайян тарихий шароитда яратилган адабий асар текстини тиклаш учун ўша давр ижтимоий-сиёсий ва маданий-адабий ҳаётини, адабий тил хусусиятлари, адабий анъаналар, метод ва услубларни, ижодкорнинг ўзига хослигини пухта ўрганиш зарур. XV асрнинг иккинчи ярмидаги ижтимоий-маданий ҳаёт муаммоларини акс эттирган «Лайли ва Мажнун» текстини тиклаш ҳам олимдан ана шу тарздаги машаққатли меҳнатни талаб қиларди.

Маълумки, 40-йиллар Ўзбекистонда текстология илмининг шаклланиш даври саналади. Бу соҳада адабиётшунослигимиз эндигина дастлабки қадамларни қўяётган эди. Текстологиянинг мураккаб хусусиятларини ўзлаштириш ва амалиётга тадбиқ этишда рус олимларининг ёрдами катта бўлди. В. В. Бартольд, Е. Э. Бертельс, В. М. Жирмунский каби рус шарқшунос олимлари ёш ўзбек адабиётшуносларига нодир асарлар ғоявий-бадиий қимматини тиклаш малакасини ўргатдилар.

Достоннинг танқидий матнини яратиш асарнинг бизгача етиб келган ўнлаб қўлёзма нусхаларини синчиклаб ўрганиш давомида энг мўътабар, ишончли нусхаларини аниқлаш, сўнг улардан бирини асос учун қабул қилиб, ҳар бир байт, ҳар қайси мисра, қолаверса, ҳар битта сўзни бошқа таянч нусхалар билан қиёслаш асосида достоннинг тадқиқотчи нуқтаи назаридан асосли деб ҳисобланган матнини тузиш, танлаб олинган қўлёзмалардаги фарқли жиҳатларни акс эттирган ҳолда асарни араб алифбосида ёзиб чиқиш демакдир. Ғулом Каримов Тошкент, Ленинград кутубхоналарида сақланаётган кўплаб қўлёзмаларни ўрганиб чиқиб, XV асрда машҳур хаттот Абдужамил котиб, XX аср бошида Шомурод котиб томонидан ёзилган нусхаларни асос қилиб олди, «Лайли ва Мажнун»нинг танқидий матнини яратди. Тадқиқот давомида ғамхўр устоз Евгений Эдуардович ёш тадқиқотчига фойдали ўгит ва кўрсатмалар бериб борди.

Тадқиқот республика илмий жамоатчилиги томонидан қониқиш билан кутиб олинди. Е. Э. Бертельс ўз мақолаларидан бирида: «...Тошкентдаги барча илмий доиралар диққатини ўзига жалб этган «Хамса» матни тарихига оид ажойиб иш...» деб баҳо берди.

1945 йили 14 май куни Ғулом Каримов диссертацияни муваффақиятли ҳимоя қилиб, филология фанлари кандидати илмий даражасини олишга муваффақ бўлди.

Кўп ўтмасдан Евгений Эдуардович ўз шогирдига атоқли демократ шоир Муҳаммад Аминхўжа Муқимий ижодини докторлик диссертацияси сифатида тадқиқ этишни маслаҳат берди.

50-йилларда ўзбек адабиётшунослиги олдида бутун бир давр — XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги прогрессив-демократик адабиётга раҳнамолик қилган, адабий ҳаётнинг жуда кўп соҳасида кашфиётлар яратган, чинакам халқчил ижод соҳиби, кўплаб демократ шоирларни тарбиялаб вояга етказган, хуллас, мазкур давр ижтимоий-маданий ва адабий ҳаётида улкан мавқега эга бўлган Муҳаммад Аминхўжа Муқимий адабий меросини ўрганиш соҳасида катта вазифалар кўндаланг бўлиб турарди.

20—30-йилларда маданий-адабий ҳаётни бир томонлама тушунган вульгар социолог зиёлилар Муқимий ижодига юзаки ёндошган ҳолда уни жадид шоир сифатида баҳоладилар ва асарларини ўрганишга қарши чиқдилар. 30-йилларнинг ўрталарига келиб бундай зарарли қарашларга кескин зарба берилди.

Одатда, шоирлар ўз асарларининг умрбоқийлигини таъминлаш учун уларни девон ҳолига, яъни тўплам ҳолига келтирадилар. Китоб сифатида ана шу хил девонлар асрлар синовига бардош бериб, қайта-қайта кўчирилиб, авлодлар қалбига етиб боради. Отойи ва Саккоки, Лутфий ва Алишер Навоий, Бобур ва Огаҳий сингари кўплаб шоирларнинг мероси бизга қадар девон ва куллиётлар шаклида етиб келган. Тўғри, кўпинча девонларнинг қайта-қайта кўчирилиши натижасида нусхаларда хилма-хиллик ҳам учраб туради. Бу ҳолда қиёсий текшириш ёрдамида уларнинг асл нусхага энг яқин бўлган кўриниши, бошқача қилиб айтганда, танқидий матни яратилади.

Муқимий асарларини излашда ҳам Ғ. Каримов худди хазина изловчи каби меҳнат қилди. Муқимий яшаган Қўқон ва у саёҳат қилган ўнлаб қишлоқларда бўлиб, шоир қариндошлари, замондошларини излаб топиш ва уларнинг хотираларини ёзиб олиш, халқ қўлида сақланаётган лирик, сатирик, юмористик асарлар, «Саёҳатнома»ларни тўплаш ишининг кечиктириб бўлмайдиган вазифа эканлигини англаб етган олим 1954 йили Фарғона водийсига Тошкент давлат университетининг махсус экспедициясини уюштирди.

Баёзлар... Классик шаъриятнинг жонкуяр мухлислари бўлган зиёлилар, саводхон ҳунарманд-косиблар, мадраса талабалари ўзлари севган ижодкорларнинг халққа манзур энг яхши асарларини тўплаб борардилар. Уларнинг холис меҳнати туфайли қанча-қанча шоирларнинг асарлари бизнинг асримизга қадар етиб келди. Ана шундай баёзлар бўлмаганда Муқимийнинг юзлаб асарлари ном-нишонсиз йўқолиб кетган бўларди. Қарангки, шоирнинг замондоши бўлган номаълум адабиёт мухлиси ўзи тузган ва 1904 йили тугалланган баёзига киритган 212 шеърдан 199 таси Муқимийники экан.

Мана, янги бир қўлёзма баёз. У Тошкентда 1893—94 йилларда тузилган. Муаллиф-тузувчи тошкентлик шоир Каримбек Шарифбек ўғли — Камий. У Муқимийнинг яқин дўстларидан эди. Қарангки, Камий шоирга бўлган самимий муҳаббатини унинг 40 та асарига ўз баёзидан ўрин бериш билан исбот қилибди. Йиллар ўтиб бу нодир нусха бизгача халқпарвар ижодкорнинг энг муҳим саналган ўнлаб асарини етказиб келди. Масаланинг муҳим жиҳати шундаки, бу асарларни жиддий тадқиқдан ўтказган олим Ғулом Каримов ана шу унутилмас шеърлар Муқимий билан Тошкент адабий муҳитига мансуб шоирлар ўртасидаги ижодий ҳамкорликнинг қимматли далиллари эканлигини аниқлади.

Баёзларнинг сарғайган саҳифаларини варақлаган сари олим кўз ўнгида шоир яшаган давр адабий муҳити, ижодкорнинг маънавий қиёфаси ва иқтидори, меҳнаткаш омма билан Муқимий ўртасидаги самимий ва мустаҳкам муносабат тобора ёрқинроқ гавдаланарди.

Хуллас, катта, машаққатга тўла меҳнат муваффақиятли якунланди. Энди олимнинг ихтиёрида Муқимийнинг жами бир неча юз асари турарди. Уларни жиддий тадқиқ этиш, қиёсий ўрганиш асосида 1958 йили Муқимий асарларининг олдингиларидан анча мукаммал бўлган «Танланган асарлар», 1959 йили шоир туғилган куннинг 100 йиллиги муносабати билан 2 томлик асарлар тўплами нашр қилинди. Икки томликда Муқимийнинг жами 307 асари ўрин ол-

ган. Булар олим тўплаган кўп сонли асарлар орасидан атрофлича ўрганилиб, Муқимийники эканлиги узил-кесил аниқланган шеър ва мактублар. Ғулом Каримов ўз тадқиқотлари давомида шоирга замондош ва ҳаммаслак бўлган Фурқат ва Завқий, Анбар отин ва Аваз каби йирик демократ ижодкорлар мероси билан атрофлича шуғулланди ва оқибатда Муқимий бошчилик қилган бутун бир прогрессив шоирлар плеядасидан ташкил топган чинакам халқчил адабиёт — демократик адабиётнинг асосий хусусиятларини мукаммал ишлаб чиқди.

Олим тадқиқотларида XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги ижтимоий-маданий ҳаётнинг энг муҳим муаммоларини ғоявий ва бадиий жиҳатдан юксак асарларда тўлақонли акс эттира олган, меҳнаткаш оммanинг озодлик курашига яқиндан ёрдам кўрсата олган адабиётнинг тезкор тараққиёт омиллари, ижодий-эстетик принциплари, тематикаси ва ғоявий асослари, жанрлари ҳамда бадиий-тасвирий воситалари каби муҳим назарий-амалий масалалар марксча-ленинча методология асосида ёритиб берилган эди.

Ана шу муҳим илмий хулосалар «Муқимий ва унинг адабий муҳити» деб номланган докторлик диссертациясида, кейинчалик шу асосда яратилган «Муқимий» монографиясида (1970 йил), кўплаб илмий мақолаларда ўз аксини топди.

Ўзбек адабиёти тарихининг ҳали ўрганилмаган бир қатор муаммолари, чунончи, Владимир Ильич маданий мерос ҳақидаги таълимоти ва ўзбек адабиёти тарихини ўрганиш масалалари, рус-ўзбек адабий алоқалари, классик адабиётимизнинг ижодий методи, ўзбек адабиёти тарихини даврлаштириш каби муҳим муаммолар олимнинг 60—70-йилларда яратилган қатор мақолаларида ўз тадқиқотини топди. Уларнинг аксарияти Ғулом Каримовичнинг «Халқ, тарих, адабиёт» тўпламидан (1977 й.) ўрин олди. 1969 йили аллома адабиётшунослигимиз ривожига қўшган муносиб ҳиссаси учун Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби унвони билан тақдирланди.

Евгений Эдуардович олим билан қилган суҳбатларида хоразмлик йирик шоир, тарихчи ва таржимон Муҳаммад Ризо мироб Эрниёзбек ўғли Огаҳий асарларининг кўп жилдлик тўпламини нашр этишнинг илмий-маърифий ва тарбиявий аҳамиятини қайта-қайта таъкидлар, улкан тадқиқотни талаб қилувчи бу ишнинг ғоят масъулиятли эканини ҳам айтиб қўяди. Устоз вафотидан сўнг унинг бу орзусини икки қадрдон дўст — Ғулом Каримов билан таниқли методист ва адабиётшунос олим, Огаҳий лирик меросининг тадқиқотчиси Субутой Долимов рўёбга чиқаришга бел боғладилар. Икки алломанинг кўп йиллик машаққатли меҳнати Огаҳий лирикаси, тарихий ва таржима асарларининг турли қўлёзмаларини қиёслаб тадқиқ этиш, котибларнинг матнларда йўл қўйган хатоларини аниқлаш ва тузатиш, адабиётимиз, маданиятимиз тарихининг ана шу ноёб обидаларини нашрга тайёрлаб, улардан кенг халқ оммасини баҳраманд қилишдек олижаноб ишга бағишланди. Ўн йиллик ижодий меҳнат Огаҳийнинг олти жилдлик асарлар тўпламини нашр этиш (1971—1980) билан тугалланди.

Ана шу муҳим илмий кашфиётлар ва тадқиқотлар олимнинг бу йиллардаги педагогик фаолияти билан бир вақтда амалга оширилганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. 1948 йили республика педагогика илмий-текшириш институтига директор этиб тайинланган Ғулом Каримович мактабларда она тили ва адабиёт ўқитиш ишларини яхшилаш ишига алоҳида аҳамият бериб, Ойбек, Ҳ. Ҳомидий каби ёзувчи ва олимларни жалб қилган ҳолда мактаблар учун адабиёт программаси, VIII синф учун адабиёт дарслигини (1950) тузади.

1951 йилдан эса Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги ТошДУ) нинг ўзбек адабиёти кафедрасида ўзбек адабиёти тарихидан лекциялар ўқий бошлайди. Иқтидорли олим, жонкуяр ва меҳрибон мураббий бўлган Ғулом Каримов 1957 йили шу кафедранинг мудири этиб сайланди. То 1984 йилгача кафедрага раҳбарлик қилиб келган аллома филолог мутахассислар тайёрлашни яхшилашга эътиборни қаратди.

Шу йиллар ичида Ғулом Каримовнинг олий ўқув юртлари учун «Ўзбек адабиёти тарихи» (III қисм) дарслиги уч марта (1966, 1977, 1987) қайта тўлдирилган ҳолда нашр этилди. Университетнинг сиртқи бўлими учун «Қисқача ўзбек адабиёти тарихи» (1984) талабаларга тақдим этилди. Унинг ҳаммуаллифлигида ўрта махсус ўқув юртлари учун «Ўзбек адабиёти» дарслиги (1970), ўрта мактаблар учун «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслиги (1983) яратилди.

Буларнинг барчаси ўрта ва олий мактабда ўзбек адабиёти тарихи фанини ўқитишни яхшилаш ишига сезиларли таъсир кўрсатмай қолмади, албатта. Зеро, бу дарсликларнинг барчаси адабиётимиз тараққиёти қонуниятларининг атрофлича ва изчил ёритилиши, шоир ва ёзувчиларимиз ижодининг ғоявий ва бадиий хусусиятларини ёрқин мисоллар билан ишонарли тарзда баён қилиниши, илмий тезисларнинг аниқлиги, фикрларнинг лўндалиги, услубнинг равонлиги билан ажралиб туради.

Аллома 1984 йилдан бошлаб профессор-консультант вазифасини бажараётган бўлишига қарамай, ҳам педагог, ҳам олим, ҳам коммунист сифатида ҳамон олдинги сафда. Домла олий мактаб ўқитувчисининг вазифасини лекцияни шариллатиб ўқиб кетишда эмас, балки талабаларда адабий жараённи чуқур англаб етиш, адабий тараққиёт қонуниятларини тушуниш, бадиий асарларни ҳам ғоявий, ҳам бадиий таҳлил қилиш малакаларини эгаллаш, умуман, мустақил фикрлаш, мустақил илмий тадқиқот олиб боришга ўргатишда кўради. Қирқ йиллик педагоглик фаолияти давомида аллома неча минглаб олий маълумотли шогирдлар етиштирди. Ҳозир уларнинг кўплари йирик олимлар, таниқли ёзувчилар, донг таратган ўқитувчилардир.

...Ғулом Каримов шу ардоқли хотиралар оғушига чўмиб тун ярим бўлганини ҳам сезмабди. У эртанги ишлар режасини ўйлаб кетди: Алишер Навоий поэтикасининг яна бир қирраси ҳақидаги тадқиқотни бошлаш керак. Вақт кутиб турмайди. Эртага дипломанти билан суҳбатлашиш лозим, унинг ишини тонгдаёқ кўриб қўйиш зарур. Ҳа, ишлар етарли. Соғлиқ бўлса — бас.

Ташқаридаги майин шамол деразага урилиб, домланинг диққатини бўлди. Ҳовлидаги шафтоли гуллай бошлабди. Баҳор. Ғулом Каримович учун саксонинчи баҳор! Яқинда олтин тўй ўтказиши керак. Келинойи билан эллик йил бирга тотув яшашибди.

Унга рўпарадаги расмдан севимли икки чеваараси худди «Қўш тўйингиз муборак бўлсин, азиз буважон», дейишгандек кулиб қараб туришарди.

Анвар ҲОЖИАҲМЕДОВ,
филология фанлари доктори,
профессор



— Ҳожатабарор келин-қизларим, невараларим турганда водопроводнинг чинни тоғорасига бориш на ҳожат!

Н. Муҳаммаджонов сурати

Айдер ОСМАН

(Давоми, боши ўтган сонда)

ҲИЖРОН

— Йўқ, керакмас, яхшиси, қисмат менинг эшигимни яна қоқмасин. Мен энди ундан қўрқаман,— деди у йиғламсираб.— Мен энди ҳар нарсадан қўрқаман, ҳар нарсадан! Эй худо, бу ёлғизлик қачон тугайди?!— У йиғлаб юборди. Ойлар давомида ичида тўпланиб, сиқилиб ётган руҳий оғриқлар фурсатдан фойдаланиб, бўғиқ овозларга, хўрсиниқларга айланиб бўғзидан отилиб чиқаверди.

— Йиғлама, Ҳулкар,— деди Трубачи.— Йиғлама. Ҳамма нарса айтганингдек бўлади. Сен ёлғиз эмассан. Мана, мен борман, онанг бор...

— Эй-й,— деди Ҳулкар,— сенинг борингдан нима фойда! Сен фақат телефонда борсан. Телефондаги гаплар ҳавога учган тутундай нарса-да. Айтдинг — тамом бўлди.

— Шунақами?— деди Трубачи.— Демак, мен сен учун тутундай нарса эканман-да! Шунақами? Билмас эканман.

— Йўқ, Трубачи, жудаям унчалик эмас,— деди Ҳулкар бироз тинчланганидан сўнг.— Сен жуда вақтида топилдинг. Мен сувга чўкаётганимда етиб келдинг. Раҳмат. Мен сени ҳеч ҳам унутмайман.

— Эй, хотин, бу қандай гап, мен билан видолашаяпсанми? Шошма, ошиқма.

— Йўқ, эргинам, қанақасига сен билан видолашайин?— деб кулди Ҳулкар.— Мен сени кеча-кундуз эшик тиқ этса қараб кутаяпман-ку! Сен етиб келсанг, кетмас бўлиб келсанг, бу дунёда ҳеч қандай армоним қолмайди.

Ҳулкар аксари ҳолларда эрига, ўзининг Музаффарига айтишга мўлжаллаган сўзларини Трубачига айтиб, юрагини бўшатарди. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Трубачи буни сезди.

— Хўжа Насриддин йиғлар экан,— дея гап бошлади у. Бу Трубачининг навбатдаги латифаси эди.— Одамлар: «Нима учун йиғлаяпсиз, хўжам?» деб сўраптилар. «Ҳозир аҳволим жуда яхши, шунинг учун йиғлаяпман», дебди Насриддин. Яна сўраптилар. «Аҳволингиз жуда яхши бўлса, нега йиғлайсиз?»— «Ҳозир-ку аҳволим жуда яхши, аммо қачондир аҳволим ёмон бўлишини ўйлаб йиғлаяпман-да», деган экан Хўжа Насриддин. Шунга ўхшаб, ҳозир аҳволинг ёмон экан, қачондир яхши бўлишини тасаввур этиб, хурсанд бўлишинг керак.

Ҳулкар кулди.

— Яхши,— деди у қайғули оҳангда,— қачондир жуда яхши кун келишини ўйлаб хурсанд бўламан, аслида шу кунгача фақат тасаввурлар билан яшаб келаяпман, энди, сен айтганингдан кейин, яна шундай давом этаверамаи.

— Сен учун қаҳрамонлик кўрсатишимни истайсанми?— деди Трубачи.

— Йўқ, керакмас, ҳеч нарса кўрсатма.

— Сен айтавер, айтсанг бўлди, қолганини мен бажараман,— деди Трубачи қизғинлик билан.

— Айтаяпман-ку сенга, эримни кутаяпман. Музаффарни. У келса мен тасаввурлардан қутулиб, ҳақиқий ҳаётга қайтаман. Бордию келмаса, у хаёллар мени жинни қилиб қўяди. Бечора онам... Сен унинг кўнглини бироз кўтардинг. Энди шу Қозондан омон-эсон қайтиб келсанг экан, бўй-бастингни, чиройингни бир кўрсак экан.

Улар кечаси бир маҳалда хайрлаша бошладилар.

— Бу кеча стол чироғини ўчирмай ётаман,— деди Ҳулкар.— Мен қоронғуликдан қўрқаман. Кўзимга галати нарсалар кўринади.

— Қанақа нарсалар?— деб сўради Трубачи.

— Чироқни ўчирганим заҳоти деворнинг сўндирғич турган жойида чамбараги кенг шляпа кийган, плашининг ёқасини кўтарган одамнинг сояси пайдо бўлади.

— Кейин-чи?

— Кейин у аста-секин силжиб, деразадан чиқиб кетади. У чиқиб кетгунича мен юрагимни ҳовучлаб ётаман.

— Хона ичкариси қоронғу бўлса, ўша сояни қандай кўрасан?

— Деразадан ой ёруғи тушади, шу ёруғда соя кўринади.

— Қўрқма.

— Эх-ҳе, айтишга осон.

— Борди-ю ўша соя девор бўйлаб мен томонга силжий бошласа, унда мен нима қилардим, вой онажон, юрагим ёрилади-ку.

— Ҳеч нарса бўлмайди,— деди Трубачи.— Ҳеч қачон сен тарафга юрмайди.

— Нега?

— Чунки ўша соя ойнинг кўкда ҳаракат этиши билан боғлиқ. Ой, сенга бўла, ўзининг ҳаракат доирасини ҳеч қачон ўзгартирмайди. Яхшиси, чироқни ўчир-да, ёт — ухла.

— Чироқ менга халақит бермайди,— деди Ҳулкар.— Енаверсин.

— Халақит бермайди, аммо бу сенинг биринчи чекинишинг бўлади. Мен эса, сенинг чекинишингни, заррача чекинишингни хоҳламайман. Олдинга юра олмас экансан, орқага ҳам юрма. Ўзингни тут.

— Хўп,— деди Ҳулкар.— Чироқни ўчириб ётаман.

Ҳулкар чироқни ўчириб ётди. Тўшаги ҳали у қадар совуқ эмасди. Етган жойида деворга тикилди. Ҳалиги соя кўринмасди. Иккинчи марта қараганида соя жойида эди. Бошига бостириб кийилган шляпа, устида ёқаси кўтарилган плаш. Соя бир муддат қимирламай турганидан сўнг, секин-секин силжий бошлади, балконнинг деразасига етганда кўздан йўқолди. Ҳулкар биринчи марта ундан қўрқмади. Аксинча, унинг юришини мароқ билан кузатиб ётди. Уйқуси қочди. Музаффардан хабар келмаганига бугун саккиз кун бўлди. Саккиз кун ичида бир марта ҳам қўнғиратмади. Ҳулкар унинг идорасига бир неча марта қўнғиратди. Ҳар сафар бир овоз: «Музаффар йўқ», деб жавоб беради. У овоз Музаффарнинг қаерга кетганини ҳам, қачон келишини ҳам билмас экан. Ишқилиб соғ-саломат бўлсин. Агар унга бирор кори ҳол бўлса... Ҳулкарнинг миясига қўрқинчли фикрлар келди: бордию аварияга учраган ёки оғир хасталанган бўлса?.. Қўнғиратишнинг ҳам иложи бўлмаса?.. Еки?..

Ҳулкарни даҳшат ўраб олди. Ҳар қалай, нимадир бўлган-да. Акс ҳолда, шу вақтгача кўп марта қўнғиратар, ўзи келиб кетар эди. У эса нимагадир Трубачи билан гаплашиб, телефонни тинчитмайди. Музаффар балки телефонда боғлана олмай қийналаётгандир.

Ҳулкар эрталабгача ухлаёлмади. Эрта тонгда Музаффар ишлайдиган гаражга борди. Иш вақти ҳали бошланмаганди. Гараж қоровули Ҳулкарни кўриб таниди.

— Сиз бизнинг Музаффарнинг оиласи бўласиз-а?— деди қария.— Мен тўйларингизга борган эдим. Тўй давомида сизларга ҳавас билан тикилиб ўтирдим.

Ҳулкар нима дейиш кераклигини ўйлаб:

— Нечун? — деб сўради.

— Нечун бўларди? — деди қария. — Иккалангиз ҳам ёшсиз, иккалангиз ҳам кўркамсиз. Бутунлай завқ-шавқ билан яшайдиган вақтингиз. Ешликнинг қадрига етинглар. Ҳар нарсанинг ўз вақти бор: ёш одам ёшдек, кекса одам кексадек яшаши керак. Бу табиатнинг қонуни ва талаби. — Қария бирданига ҳушёр тортди. — Сиз нима учун эрталабдан бу ерда юрибсиз? Еким Музаффаржонга бир нима бўлдими? — деб сўради.

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ, — деди Ҳулкар. — У кеча ишда эдими?

— Албатта, кеча мен сменага келганимдан сўнг ҳаммалари ишдан қайтдилар. Музаффаржон «шошаяпман» деб гаражга кираётган таксини қайтариб, унга миниб кетди.

— Ундай бўлса, яхши, — деб кулимсиради Ҳулкар. — Саломат бўлинг, ота, мен кетай.

— Хайр, қизим, Музаффаржон келса, бирор нарса деб қўяйинми? — деб қичқирди қария.

— Айтингки қўнғироқ қилсин,— деди Ҳулкар.

Қария уни ғоят жиддий назар билан кузатиб қолди.

Ҳулкар ташқари эшикни очаётганида телефон жиринглаётганини эшитди. Шиддат билан ичкарига отилди. Телефон трубкасини шошапиша тутиб, нафаси бўғзига тиқилган алфозда:

— Алло, — деди.

— Сен нима учун уйда ўтирмайсан, гаражда нима қилиб юрибсан? — деди Музаффарнинг овози. Овозида аччиқ оҳанг бор эди.

— Музаффар, бу сенмисан? Музаффар, сен бормисан? Қўнғироқ қилмаганингга бугун тўққиз кун бўлди. Мен қаерга боришимни бил-

маяпман. Дилим хуфтон. Чидай олмадим, соғ-саломат эканингни билдириб турсанг бўларди. Уф-ф! Мана энди соғ-саломат эканингга ишондим...

Ҳулкар яна кўп гапирди. Музаффар индамай тинглади. Ҳулкар жимиганидан сўнг оҳиста ва қатъий овоз билан гап бошлади:

— Қўнғироқ қилмаганимнинг сабаби — деди у, — айтадиган янгилик йўқлигида эди. Мен Сафойидан қутулмоқ учун курашаяпман, энди ишни анча енгиллаштирдим. Озроқ сабр этиш керак энди. Шу ишни ҳал этганим заҳоти сенга қўнғироқ қиламан ёки тўппа-тўғри уйга бораверaман. Сен бу ерга қўнғиратма, келиб ҳам юрма. Гап-сўз бўлади. Бунақа ҳаракатларинг билан менинг қутулишимга халал берасан. Тушундингми? Халал берасан!


— Тушундим, — деди Ҳулкар.

Музаффар хайрлашмасдан трубкани қўйиб қўйди.

Ҳар ҳолда Музаффар соғ-саломат экан. Тез орада ўша хотиндан қутулиб, уйга қайтади. Аслида Ҳулкарнинг бахтли бўлмоғи учун шуларнигина билиши кифоя эди. Аммо ҳозир у ўзини бахтли ҳис этмасди.

Демак, Музаффар шу ўтган кунларда ҳам ишига келиб-кетиб юрган, бироқ унга бирор марта қўнғироқ қилмаган. Уйга кириб-чиқиш эса, ақлига ҳам келмаган. Ҳулкар жуда хафа бўлиб кетди. Кун бўйи ўзини қўярга жой тополмади. Агар Трубачининг телефон номерини билганида, унга қўнғироқ қилиб, юрагидаги гапларини айтарди. Уни ҳам билмайди. Балки бугун ўзи қўнғироқ қилиб қолар. Албатта, шубҳасиз қўнғироқ қилади.

Ҳулкар Трубачининг унга қўнғироқ қилишини кутаётганини ўйлаб, ҳайрон қолди. Ҳақиқатан, Трубачи билан очиқ суҳбатлашмоқ мумкин. Улар баъзан ярим кечагача суҳбатлашадилар ва гаплари яна тугамай қолади. Унинг билан суҳбатлашмоқ ҳам қулай, ҳам мароқли.



Рассом Т. Саъдулла

Бамисоли у ёнингда тургандек, кўзингни очсанг — кўрасан, қўлингни узатсанг — тутасан. Қизиқ, Ҳулкар уни бир марта ҳам кўрмади, аммо унинг ҳақида кўпдан билган кишиси ҳақида ўйлагандек ўйлайди.

Ҳулкар, Трубачи айтганидек, ўзини қўлга олишга қарор берди. Бўлар-бўлмас фикрлардан ўзини олиб қочди. У тикиш фабрикасида бичиқчи бўлиб ишлайди. Ишга ҳаммадан аввал бориб, ҳаммадан кейин қайтади. Уйга келиб, у ёқ-бу ёқни йиғиштиради, суртиб-ювади, бир ўзи учун бўлса ҳам атайлаб овқат қилади... Овқатни ошхонада эмас, уйда ўтириб ейди. Телефон ҳамиша унинг ёнида бўлади. Етаётганида албатта бадиий асар ўқийди. Яқинда инглиз ёзувчиларининг балоғатга етмаган болалар ҳақида ёзган ҳикоялари тўпламини топди. Мароқли, аммо фожиали ҳикоялар. Кун кўриш учун сармоя излаб катталар дунёсига қадам босган болаларнинг олдида даҳшатли ҳаёт ҳақиқати очилади. Болалар пул ишламоқ учун катталар қилган ишларни қиладилар. Ҳамма фожиа ҳам ана шунда. Катта шаҳарда ўн икки-ўн уч ёшдаги икки ўғил бола пул тўлаб квартирада турадилар, ҳар хил кирдикорлар билан пул топадилар. Уларга худди ўша ёшдаги бир қизча келиб қўшилади. Болалар турган уй бирданига ораста бўлиб қолади, уларнинг кийимлари ювилади, дазмолланади, умуман, ҳамма нарса ўз ўрнида. Аммо болалар қизчанинг улар билан яшашини хоҳламайдилар, чунки, қизча улардек пул ишлай олмайди. Болалар қизча дўконга чиқиб кетганида бошқа бир боладан унинг чамадонини бериб юборадилар-да, ўзлари хонанинг эшигини қулфлаб, қочиб кетадилар. Улар ўша қизчани бир йилдан кейин учратадилар. У устига қимматбаҳо пўстин кийиб олганди, қандайдир жаноб билан ресторандан чиқарди. Қиз болаларни таниб тўхтайди, кармончасини чиқариб, уларнинг ҳар бирига беш фунт-стерлингдан пул беради-да: «Мен бу шаҳарда учратган энг номусли одамлар сизлар эдингиз. Раҳмат!» дейди. Болалар пулни оладилару ҳам шу қизга нисбатан бир вақтлар қилган шафқатсизликлари учун ҳеч пушаймон бўлмайдилар. Нима учун? Ҳатто болаларнинг бири: «Агар биз унинг бундай йўлга киришини билганимизда, ўзимиз ундан фойдаланиб пул ишлар эдик-ку», дейди.

Ҳулкар ҳайрон бўлди. Қандай шафқатсизлик бу! Болалар ўзлари қилган ғаддорликнинг оқибатини кўра туриб, нечун пушаймон бўлмайдилар, нечун у қизга раҳмлари келмайди? Ҳулкар ўйлай-ўйлай ўзини қийнаган бу саволга охири жавоб топди: биринчидан, у болалар ҳали балоғат ёшига етмаганлар; иккинчидан, улар фақат кун кўриш ҳақида ўйлайдилар, қоринларини тўйдириш учун қилинган ҳар бир ишни тўғри санайдилар, чунки улар ҳали балоғатга етмаганлар. Қилган ишларининг маъносини керагича тушуна олмайдилар, катта бўлганларидан сўнг тушунадилар ва албатта пушаймон бўладилар, ўзлари кўчага қувиб чиқарган қизни раҳм-шафқат билан эслайдилар. Еки у қизча нега уларни «энг номусли одамлар» деди? Чунки ўғил болалар ҳали ҳам болалик чегарасидалар, қиз эса, бу чегарадан ўтган.

Ҳулкар ўзи қўйган саволларга ўзи жавоб топганидан мамнун эди. У ҳар оқшом ётар маҳали шу китобдан битта ҳикоя ўқийди. Англияда болаларнинг ҳаёти ғоят ачинарли эканини тушунди. Узининг афсонавий бойликлари билан мақтанган қадимий мамлакат ўз болаларини тўйдириш, тарбиялаш ва ўқитишни уддалай олмас экан. Гўё бой онанинг болалари кўчада оч-юпун санғиб юрипти. Бу даҳшат. Китобда ёшларнинг энди уйғона бошлаган муҳаббатлари ҳақида ҳам мароқли ҳикоялар бор эди. Ҳулкар бу китобга жуда қизиқиб қолди. Кундузи — иш пайти ўқишга вақти бўлмайди, аммо уйга келибоқ ўқишга тутинади ва бу китоб уни сариқ туманлар қоплаб ётган совуқ соҳиллар бўйига олиб кетади.

Трубачи бир неча кундан бери қўнғироқ қилмаяпти. Қаёққа ғойиб бўлдийкин у? Агар қўнғироқ қилса... Ҳулкар ундан телефонда анави музикани, қисмат бўлиб эшик қоқиб юрган музикани чалиб беришни илтимос этади. Умуман, бундай бекинмачоқ ўйнашни бас қилиб, уни осмондан ерга тушириш керак. Ҳар ҳолда анча дардлашдилар, дўстлашдилар. Лекин қўнғироқ қилмаяпти-да.

Ҳулкарнинг телефони тинчиб қолди. Бир ҳафтадан бери на ҳақиқий Музаффардан, на сохта Музаффардан хабар эшитилди. Бироз тетиклаша бошлаган Ҳулкар яна тушкунликка берилди.

Навбатдаги бозор куни Ҳанифа опа яна халталарини кўтариб келди. Унинг кайфияти яхши эди. Чунки куёви билан, телефонда бўлсада, биринчи марта очиқ гаплашди, уни жуда ёқтирди. Кўз кўзга тушиб юрганда бир оғиз сўзламаган Музаффар нақ Қозон шаҳрида туриб, шундай гаплар айтдики, Ҳанифа опанинг юраги отнинг калласидек бўлиб кетди. Музаффарни бу қадар ўзгартирган Қозон сирли шаҳар бўлса керак. Албатта, у ўша шаҳарда бир ўзи, ёлғизликдан зерикади, хотинини, қариндош-уруғини соғинади, деб ўйлади Ҳанифа опа. Ўйлаганларини овоз чиқариб гапира бошлади. Ҳулкарнинг қовоғи солиқ эканини кўриб:

— Ҳа, Қозонга кетган эринг бир марта ҳам қўнғироқ қилмадими? — деб сўради.

— Қўнғироқ қилмади, — деди Ҳулкар маҳзун овозда. Уҳ тортди. — Қўнғироқ қилмади.

— Ҳеч киси йўқ, қўнғироқ қилар, — деди Ҳанифа опа ва негадир пичирлаб сўзини давом эттирди. — Кеча оқоронлик Ҳарира кампирга фол очтирдим. Жуда топар экан. «Узоқ жойдан яхши хабар келади», деди. Яхши хабар Қозондан бўлмай қаердан бўларди?!

— Шунақа ишларни қўйсангиз-чи, она — деб қўлини силкиди Ҳулкар. — Ҳали ҳам шу фол-мол деган нарсаларга ишонасизми?

— Вой, болам, сен ҳам ишонгин. Яхшиликка йўйсанг, яхши бўлиб кетаверади. Ҳа.

— Яхши, яхшиликка йўяман. Майли, сизнинг айтганингиздай бўлсин, — деди Ҳулкар лоқайд овозда.

(Давоми бор)

Азим ҲОЖИЕВ,
филология фанлари доктори

МУАММОЛАР БИР ТАЛАЙ

Ошкоралик ва демократия асосида қайта қуришнинг бошланиши ҳаётнинг барча соҳаларида, жумладан, фан муаммоларини ҳал этишда ҳам қулай шароит яратмоқда. Миллий тилларга давлат мақомини бериш, миллий анъаналарни ривожлантириш, миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш каби масалаларнинг кун тартибига қўйилиши шундан далолатдир.

Дарҳақиқат, ўзбек тилшунослиги олдида турган, шунингдек, республикамиздаги миллий тилларнинг ривожланиши билан боғлиқ муаммолар анчагина. Шу ўринда ана шу муаммоларни ҳал этишга эътибор берилиши, амал қилиниши лозим бўлган вазифалардан баъзилари ҳақида тўхталмоқчимиз.

Ўзбек тилшунослигидаги асосий нуқсонлардан бири — тил ҳодисаларини бевосита фактлардан келиб чиқиб баҳоламасликдир. Ўзбек тили ҳодисаларини ёритиш ва таърифлашда бевосита шу тил асосидаги таҳлилдан келиб чиқмай, рус тилига оид илмий адабиётлар, грамматикалардан нусха олиб, ўзбек тилидан уларга мисол келтириш йўли билан иш олиб борилаяпти. Бундай йўл билан ишлаш ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларини тўла ва тўғри ёритишга имкон бермайди. Чунки ўзбек ва рус тиллари бутунлай бошқа-бошқа туркумга оид тиллар бўлиб, тузилиш жиҳатидан ўзига хосликларга эга. Бинобарин, рус тилига оид адабиётларда, масалан, келишикнинг олти тури қайд этилар экан, ўзбек тилида ҳам олтита келишик бор демасдан, унинг нечта экани ва ҳар бир келишикнинг моҳияти шу тил далилларининг таҳлили асосида белгиланиши лозим.

Бевосита далилларнинг таҳлилидан келиб чиқмай, қуруқ даъводан иборат хулосаларнинг, шунингдек, кимдир томонидан айтилган, лекин исботланмаган гапларни такрорлайвериш фақатгина тилшунослигимизга эмас, ўзбек адабиётшунослиги учун ҳам хосдир. Буни, айниқса, айрим шоир ва ёзувчиларнинг ижодини, ўзбек тилининг ривожига қўшган ҳиссасини баҳолашда яққол кўриш мумкин.

Ўзбек совет адабиётининг, шунингдек, ҳозирги ўзбек адабий тилининг шаклланиши ва ривожланишида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ўзига хос катта хизмати борлиги ҳаммага маълум ва ҳозирда бу исбот талаб этмайди. Лекин, ўзбек совет адабиёти ва ҳозирги ўзбек адабий тилига Ҳамза асос солди, деган фикр исбот талаб гап. Ваҳоланки, Ҳамза фаолиятига нисбатан адабиётшуносликда ҳам, тилшуносликда ҳам айтилаётган бундай фикр етарли далиллар билан асосланган йўқ. Бу фикрга қўшилмаётганлар ҳам асосли далиллар келтираётганлари йўқ. Бунинг ўрнига бор гапни такрорлайвериш дан нарига ўтилмаяпти.

Тил ҳодисаларининг моҳиятини ёритишда, жумладан, ўзбек миллий адабий тилининг ривожланиши, меъёрларининг шаклланиши, бошқа тиллар билан муносабати ва бошқа масалаларни ёритишда тилнинг тараққиёт қонуниятларидан келиб чиқиб, шу қонуниятлар асосида ишлаш ва хулоса чиқариш керак бўлади. Акс ҳолда тўғри хулосаларга келиш мумкин бўлмайди. Биргина мисол келтирамиз.

Ҳозирги кунда кўпчиликнинг эътиборини тортаётган, қизғин баҳсларга сабаб бўлаётган масалалардан бири ўзбек адабий тилининг, айниқса, луғатининг ривожланиш йўллари ва бунда аҳамиятли омиллар масаласидир. Бу муаммо ўзбек тилшунослигида ҳануз тўла ва тўғри ечимини топгани йўқ.

Ҳар бир тилнинг луғат таркиби шу тилнинг ички имкониятлари асосида ва ўзга тилдан сўз ўзлаштириш йўли билан бойиб, ривожланиб бориши ҳаммага маълум. Лекин ана шу икки омилнинг тил тараққиёти жараёнидаги ўрни, аҳамияти ўзбек тилшунослигида ҳануз тўғри ва аниқ баҳосини топмай келаяпти. Айниқса, рус тилидан сўз ўзлаштириш масаласида зид икки хил нуқтаи назар давом этиб келмоқда. Айрим ўртоқлар рус тилидан сўз ўзлаштириш ортиқ тарзда, ҳатто, кераксиз ҳолда ҳам бўлаётганини айтса, баъзилар рус тилидан сўз ўзлаштираверишни керак бўлгани ҳолда, асоссиз равишда, улар ўрнида эскирган, фаол бўлмаган сўзлар қўлланаётганини рўкач қилиб кўрсатадилар. Лекин ҳар икки нуқтаи назар ҳам ўзбек тили луғат таркибининг ривожланиш жараёни моҳиятини тўғри акс эттирмайди.

Бундай асоссиз даъволар кўпчиликни чалғитади, матбуот, радио, телевидение ва бошқа жойларда узоқ вақтлargача чўзиладиган ортиқча, кераксиз мунозараларга сабаб бўлади. Ҳатто, ўзбек адабий тили сўз таркибининг тўғри йўлда, меъёрли ривожланишига маълум даражада салбий таъсир этади. Афсуски, бундай гаплар ўзбек тилининг ҳозирги ҳолатини, луғат таркибининг бойиш йўлларини баҳолашга оид шу кундаги ишларда ҳам кўзга ташланиб турибди.

Аслида аҳвол қандай? Ўзбек тилининг луғат таркиби тил табиатидан келиб чиқадиган қонуниятларга мувофиқ, ички ва ташқи имкониятлар асосида бойиб, ривожланиб келди ва шундай йўл билан ривожланишда давом этаяпти. Энди, ривожланишдаги ана шу икки омил — ички ва ташқи имкониятлар ҳақидаги нуқтаи назарларга муносабат билдирмоқчимиз.

Ўзбек адабий тили луғат таркиби асосан ўз ички имкониятлари асосида бойиб ривожланмоқда. Яъни ўзига хос сўз ясаш усул ва воситалари ёрдамида янги-янги сўзлар ясаш, шевалардан сўзлар ўзлаштириш ва эскирган ёки истеъмолдан чиққан сўзларни яна ишга солиш йўллари билан бойиб, ривожланиб келаяпти. Лекин шуни унутмаслик керакки, бу имкониятлар чексиз эмас, яъни ҳаётда пайдо бўладиган янги-янги тушунчаларни ҳамма вақт ҳам шу тилнинг ўз имкониятлари билан (янги сўз ясаш, диалектал ёки эскирган сўз билан) ифодалаш имкони бўлавермайди. Ана шундай ҳолларда янги тушунчани ифодалайдиган ўзга тилдаги сўз ўзлаштирилади. Ўзбек тилига рус тилидан сўз ўзлаштириш ҳам худди шу қонуният асосида юз бераяпти. У ёки бу янги нарса-ҳодисани ўзбек тилида бор бўлган, диалектал, ҳатто, эскирган, истеъмолдан чиққан сўз билан ифодалаш имкони бўлмаган тақдирда, шунингдек, унинг ифодаси учун янги сўз ясаш (яратиш) имкони бўлмаган тақдирдагина рус тилида шу нарса-ҳодисани ифодаловчи сўзнинг ўзи қабул қилинаяпти (рус тилидан ўзлашган сўзларнинг ҳаммаси худди шундай сабаб билан қабул қилингани учун мисоллар келтириб ўтирмаймиз). Ана шу қонуният ўзбек тилига русча сўзларнинг ўринсиз, асоссиз ўзлашувига йўл қўймайди. Афсуски, ўзбек тилига русча сўзларни ноўрин, кераксиз қабул қилиш ҳоллари кўплиги, бу нарса кучайиб бораётгани ҳақида шов-шув кўтараётган ўртоқлар тил тараққиётига оид ана шу қонуниятдан бехабарлар, улар ўз гапларини далиллар билан асослаш ўрнига қуруқ даъволардан нарига ўтмаяптилар. Рус тилидан сўзларнинг кераксиз ҳолда қабул қилинаётгани ҳақида гапираётган ўртоқлар қайси сўзнинг ўринсиз қабул қилингани ва унинг ўрнида ўзбекча қайси сўзни қўллаш кераклигини айтмайдилар.

«Рус тилидан ўзбек адабий тилига жуда кўп сўзлар кераксиз ҳолда, рус тилининг тазйиқи билан кириб келаяпти», дейиш учун ҳеч қандай асос йўқ. Бу жараён, яъни рус тилидан сўз ўзлашуви тил табиатидан келиб чиқадиган қонуниятлар асосида юз бераяпти — қонуниятнинг ўзи бу жараённи бошқариб боради. Ривожланаётган, тенг ҳуқуқли тиллар ҳеч вақт бир-бирига тазйиқ ўтказмайди. Бу қонуний ҳол.

Ўзбек адабий тили луғатининг бойишида рус тилининг катта аҳамият ўйнаётгани маълум. Бу ўзбек адабий тили луғат таркибининг ташқи имконият ҳисобига бойиши, ривожланиши бўлиб, бу имкониятнинг ҳам чегараси бор, яъни, юқорида айтилганидек, ўзбек тилининг ўз имкониятларидан фойдаланиш имкони бўлмаган тақдирдагина рус тилидаги сўзнинг ўзи қабул қилинади. Лекин ана шу қонуниятни тан олмайдиган ёки тушунмайдиганлар ҳам борки, улар бу масалада номақбул фикр-мулоҳазалар билдираяптилар. Бу нарса ҳам ўзбек адабий тили сўз луғатининг бойиши, ривожланиш жараёнини нотўғри талқин қилишга, оқибатда ўринли эътирозларга сабаб бўлаяпти.

Қизиғи шундаки, юқорида кўриб ўтилган биринчи хил қараш кўпроқ тилшунос бўлмаган кишиларга оид бўлса, кейинги (иккинчи хил) қараш шу масалага махсус бағишланган илмий ишларда ҳам учрайди. Бунга айнан мисол Н. Ғуломованинг «Русские лексические заимствования в узбекском языке» («Ўзбек тилида русча лексик ўзлашмалар», «Фан» нашриёти, Тошкент, 1955 йил) номли ишидир. Муаллиф бу рисолада 60-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб чет сўзлардан воз кечиш, улар ўрнига архаик бўлса-да, «ўз сўз»ни киритиш тарзи юзага келганлиги, бунинг оқибатида русча ўзлашмаларнинг миқдори кўпайтирмагани, ваҳоланки, рус тилидан сўз ўзлаштиришни давом эттириш қонуний бўлаверишини айтади (26-бет). Биринчидан, 60-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб ҳар қандай чет сўзлардан воз кечиш, улар ўрнига архаик бўлсада, «ўз сўз»ни киритиш тарзи юзага келгани йўқ. Иккинчидан, янги нарса-ҳодисаларни ифодалаш учун эски сўзлардан фойдаланилар экан, бу нарса қонуний ва уни қоралаб бўлмайди. Учинчидан, ўзбек тили луғат таркибининг бойиши қонуний йўли билан давом этади. Русча сўзларнинг кўпаяверириши бу жараённи белгиловчи омил эмас. Ниҳоят, тўртинчидан, рус тилидан сўз ўзлаштириш давом этаяпти, яъни бу жараён бирон вақт тўхтагани йўқ. Кўриниб турибдики, Н. Ғуломова тил тараққиёти жараёнида амал қиладиган қонуниятлардан мутлақо бехабар. Шунинг оқибатида у инқилоб, тиббиёт, рисола, муаллиф каби жуда кўплаб сўзларнинг ишлатилишини ўринсиз деб билади. Умуман, у киши эскирган, истеъмолдан чиққан сўзларни яна истеъмолга киритиш йўлига, ҳатто, ҳали истеъмолдан чиқмаган, эскирмаган кўпгина сўзларнинг қўлланишига тамомила қарши. Унинг назарида «Тайёр сўзларни ўзлаштириш осон, қулай, шунинг учун сўз луғатини ташқи имкониятлар ёрдамида бойитиш ҳозирда асосий ўринни тутади» (38-бет).

Аввало, «ўзлаштириш осон ва қулай» деганда муаллиф нимани назарда тутади? Қолаверса, ҳар қандай тил сўз луғатининг ривожида ички имкониятларнинг асосий аҳамият ўйнаши фанда тасдиқланган ва ҳаммага маълум нарса. Н. Ғуломова ўзбек тилига русча сўзларни кўплаб ўзлаштираверириш тарафдори. Унинг назарида шундай бўлаяпти ҳам, яъни унингча «сўнгги йилларга оид материаллар ўзбек тили сўз луғатининг жадал равишда интернационаллашаётганидан гувоҳлик беради» (25-бет). Шундай бўлиши «қонуний ва назарий асосланган» (64-бет). Ажабо, жадал интернационаллашиш кетаётган бўлса, яқин вақтлар ичида

ўзбек тили луғат таркибида қандай манзара содир бўларкин?

Хуллас, яна таъкидлаймизки, ҳозирги ўзбек адабий тили луғат таркибининг бойиши, ривожланишида ички ва ташқи имкониятлардан ҳар бирининг фойдаланиш ўрни бор. Ҳар икки имконият асосида янги сўз пайдо бўлиши, шу сўзнинг мақбул ёки мақбул эмаслиги тил табиатидан келиб чиқадиган талаб, қонуният билан белгиланади, асосланади. Бу жараёнда ички имкониятнинг чексиз эмаслигини тан олмаслик тўғри бўлмаганидек, рус тилининг аҳамияти бўрттирилиши ҳам тўғри хулосаларга олиб келмайди. Ана шу икки нарсани англаб етмаслик натижасида уни нотўғри талқин этиш ўзбек тили сўз луғатининг бойиши масаласида ҳозирги вақтда давом этаётган ўринсиз ҳатто, зарарли баҳс-тортишувларга сабаб бўлаяпти.

Қайта қуриш шароитидаги асосий вазифалардан яна бири — тилни ўрганиш ва ўргатиш билан боғлиқ барча ишларнинг узоқ йилларга мўлжалланган яхлит режасини, кўп жиҳатли программасини ишлаб чиқишдир. Шу вақтга қадар илмий-текшириш ишларининг, шунингдек, тилни ўрганиш-ўргатиш билан боғлиқ ишларнинг ягона программа асосида олиб борилмаганлиги бой берилган имкониятларнинг, йўл қўйилган хато ва нуқсонларнинг асосий сабабидир. Масалан, республикамизда ўзбек тилшунослигининг барча соҳалари бўйича муҳим муаммоларни ҳал эта оладиган кадрларга эгамиз. Бироқ, афсуски, ўзбек тилшунослигининг ишланиши керак бўлган муҳим масалалари яхлит ҳолда режалаштирилиб, унга республикадаги барча илмий куч тўла жалб этилмаяпти, аниқроғи, жалб этиб бўлмаяпти. Бунинг асосий сабаби — шу вақтга қадар илмий ишларни ва ўзбек тилини ўрганиш-ўргатиш билан боғлиқ барча ишларни ташкил этиш ва уни назорат қилишда ягона бошқарувнинг йўқлигидир.

Тўғри, бу соҳадаги ишларни республика Фанлар академияси илмий ходимлари билан олий ўқув юртидаги олимларнинг ҳамкорлигида бажариш ҳақида жуда кўп гапирилди, расмий ҳужжатларда такрор-такрор қайд этилди ва махсус қарорлар ҳам қабул қилинди. Амалда эса деярли ҳеч нарса бўлаётгани йўқ. Сабаби, айтилганидек, ягона бошқарувнинг йўқлиги, яъни бу ишларни бажаришда Фанлар академияси олий ўқув юртларидаги ишларни бошқариш, унинг устидан назорат ўрнатиш каби ҳуқуқларга эга бўлмаганидек, Халқ таълими министрлиги ҳам юридик жиҳатдан Академиядаги ишларни бошқариш, назорат қилиш, бу ишлар юзасидан тадбирлар кўриш ҳуқуқига эга эмас.


Кўриниб турибдики, илмий ишларни, шунингдек, ўзбек тилини ўрганиш-ўргатиш билан боғлиқ барча ишларни бажаришнинг ягона бошқаруви йўқлиги туфайли, аввало, қилинадиган ишлар тўла ҳолда кун тартибига қўйилмаяпти. Шунингдек, кун тартибига қўйилган ишларнинг ўзига ҳам тегишли илмий муассасалар тўла жалб этилмаяпти. Бундай ҳолатда ҳозирги кун талабларига жавоб берадиган ишларни амалга ошириш мутлақо мумкин эмас.

Демак, тил соҳасидаги ишларнинг тарқоқлигига, ўзича режалаштириш ва ишлашга қатъий чек қўйиш, бу соҳада бажариладиган ишларнинг узоқ муддатга мўлжалланган программасини ишлаб чиқиш ва шу программа асосида иш олиб бориш, бу ишларнинг барчасида ягона бошқарув ва назоратни амалга ошириш қайта қуриш борасидаги энг асосий вазифалардан бўлиши лозим. ЎзССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти олий ўқув юрти олимлари билан ҳамкорликда ўзбек тилшунослигига оид ишлар ва ўзбек тилини ўқиш-ўқитиш билан боғлиқ барча ишларнинг 2000 йилгача мўлжалланган ҳар жиҳатлама программасини ишлаб чиқишга киришди. Бу программанинг ҳар жиҳатдан мукаммал бўлиши, шубҳасиз, бу соҳадаги ишларимизнинг муваффақият билан якунланишини таъминлайди.

Биз ўзбек тилшунослиги олдида турган ишларни бажариш ва республикада тил муаммоларини ҳал этишда амал қилиниши лозим бўлган асосий вазифалар хусусида мулоҳаза юритдик.

РЕДАКЦИЯДАН:

Мақолада мунозарали томонлар анчагина. Муаллиф ўзбек тили луғат бойлигининг бойишини бир ёқлама, яъни рус тили ҳисобига юз бераётганлиги ҳақида мулоҳаза юритади. Унда янги тушунча ва нарсаларни ифодалаш учун ўзбек тилида сўз ва ифодалар топилмаганлиги учун рус тилидан сўзлар кириб келганлиги таъкидланади. Бу жуда нисбий фикр. Ваҳоланки, ўзбек тили — синонимларнинг, атамаларнинг ранг-баранглиги жиҳатидан эътиборга молик тиллардан. Сирасини айтсак, бизда узоқ йиллар давомида тилимизга чет сўзларни киритишда пала-партишликка йўл қўйилди, янги тушунчалар ва атамаларни ифодалашда ўзбек тилининг ички имкониятларидан етарли фойдаланилмади. Оқибатда бугунги ўзбек тилимиз «калька» тарзидаги ясама бир кўринишни кашф этди. Муаллиф ўз мақоласида тилшунослик масалаларини изчил ўрганиш учун А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида махсус программа ишлаб чиқилаётганлигини хабар қилади, холос. Муаллиф мазкур илмий муассасанинг мутасадди раҳбарларидан бири сифатида программанинг моҳиятини кенгроқ шарҳлаб берса, айни муддао бўларди. Аслида эса шу программа лойиҳа тарзида [қабул қилиниш олдидан] жамоатчилик томонидан кенг муҳокама қилиниши лозим. Биз тилшунос олимларнинг, илмий мутахассисларнинг мақолада кўтарилган муаммолар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини истардик.





Эски ўзбек тилини ўргатиш қисқа курси талабалари

Р. Нуритдинов,
А. Горокрик,
Р. Шагаев суратлари
(ЎзТАГ)

Тошкентдаги 29-мактаб ўқитувчиси А. Шоҳидов араб тилини ўрганувчиларга сабоқ бераётир.

СЎЗ ҲАРОРАТИ

БАДИИЙ ЎҚИШ УСТАСИ, ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ МУҲСИН ҲАМИДОВ



— Муҳсин ака, аввало Сизнинг ҳақингизда жуда кам нарса билишимни эслатиб ўтмоқчиман. Неча йиллик газета-журналларнинг бойламларини ҳам кўздан кечириб, фаолиятингиз батафсилроқ ёритилган мақолани учратмадим.

— Молия мутахассисларининг ҳисоб-китобларига қараганда, томошаларим билан давлатга юз миллион сўм фойда келтирибман. Агар ўша маблағнинг бир фоизини ўзимга беришганда ҳам миллионер бўлган бўлардим. Аммо ҳеч қачон менда касса дафтарчаси бўлмаган. Йўқ, мен бойлик, мансаб ёки унвон ортидан қувмадим. Лаганбардорликдан ҳазар қилиб яшадим. Биров оқни қора деса, унга кўр-кўрона жўр бўлмадим. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида ўтган йиғилишларнинг бирида Марказий Комитетга мафкура ходимлари тўғри танланмаганлигини айтдим. Мана шунинг оқибатида маданиятимиз орқада қолаётганини таъкидладим. Марказий Комитет ёнида ўзбек халқининг ривожланиш тарихи, маданияти тарихи намояндаларининг суратларини, улар ҳақидаги материалларни тўплайдиган архив бўлими очиш керак. Бу маданиятимизнинг олтин фонди бўлиб қолади. Сизлар бугун келиб эртага кетадиган амалдорсизлар. Аммо ўзбек халқининг талантли олимлари, санъаткорларининг иши келажак авлодларга мерос бўлиб қолиши керак, дедим. Шунингдек, нотиқлик, бадиий сўз санъатини ривожлантиришни кенг йўлга қўйиш кераклиги ҳақида ҳам тўхталдим. Аммо таассуфки, фикрларим баъзиларга ёқмади. Маълумки, улар нотиқ эмасди. Сўз санъатининг сеҳрини ҳис қилмасдилар. Фикрларимга эътироз билдириш билан чекланмай, зимдан зарба бера бошлашди. Уйим тинтув қилинди. Қамаб юборишларига оз қолди. Мана шулар оқибатида турмушимнинг анчагина қисми лўлиларнинг ҳаёти каби ижарама-ижара саргардонликда кечди. Мен ҳақимда ёзиб Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётига топширилган рисолани чоп этиш ман қилинди. Лекин мен бу таҳқирлашлардан тушкунликка тушмадим. Ҳар кун эрта тонгда болалигимда ўрганган бир форсий тўртликни оятдай такрорлашга ўргандим.

Вақтеки ту омади ба дунё урён,
Олам ҳама хандону ту буди гирён.
Як коре бикунки вақти рафтан,
Олам ҳама гирёну ту боши хандон.

(Мазмуни: Сен қип-яланғоч дунёга келганингда ҳамма кулиб, сен йиғлаган эдинг. Шундай бир иш қилгинки, ўлганингда ҳамма йиғлаб қолсин, сен кулиб кетгин).

Атрофимда рўй бераётган очкўзлик, юлғичлик, порахўрлик, мешчанлик каби иллатларга қарши йиғинларда турли антиқа ривоят, ҳикоятларни, Шайх Саъдий рубоийларини ўрганиб ижро этардим. Шулардан биттасининг мазмуни мана бундай: «Эй дил, нега олам ишидан бехабарсан? Кечаю кундуз бойлик ҳақида ўйлайсан. Бу дунёда тегишинг битта кафан, холос, уни ҳам олиб кетасанми-йўқми, гумон».

— Шарқ классик шеъриятига, умуман бадиий сўз санъатига қизиқишингизнинг боиси нимада?

— Бунга ёшлигимда отам Мирза Ҳамид қори, заъриф таъбли амаким Мирза боболар сабабчи бўлишган. Улар мени 1927 йилда Қўқонда ном қозонган муаллимлардан бири Пўлат Қаюмов раҳбарлик қилаётган мактабга ўқишга беришди. Бу мактабда Усмон Носир, Амин Умарий, Темур Фаттоҳ, Ўткир Рашид билан бирга таҳсил олдик. Менинг шоирликка ҳавасим ана шу дўстларим даврасида куртак отди.

Мактаб қошида «Фирқа» клуби ташкил этилганди. Қўқон вилоятининг забардаст санъаткорлари иштирокида бу клубда мунтазам концерт ва спектакллар қўйиб беришарди. Бу санъаткорлар орасида Ҳ. Ҳ. Ниёзий, Миршоҳид Мироқилов, Мария Кузнецова, Абдураззоқ новча ва бошқалар бор эди. 1928 йилда клубда ёшлар драма тўгараги тузилди. Наби Раҳимов, Ҳожиқурбон Назаров, мен тўгаракка фаол иштирок этардик.

1929 йилда бизни Самарқандда ташкил этилган янги республика театрига ишга чақиришди. 1930 йилда эса театр Тошкентга кўчирилди (ҳозирги Ҳамза номидаги академик драма театри). Энди мен спектакларда Аброр Ҳидоятов, Шукур Бурҳонов каби етук санъаткорлар билан саҳнага чиқардим. «Жалолиддин Мангуберди» (Шайхзода асари)да Темур Малик, «Эрнст Тельман»да Тельман, «Ҳамлет»да биринчи актёр образлари қиёфасида томошабинларга танилдим. Айниқса «Ҳамлет»даги биринчи актёр монологини ўқиганимда зал сув қуйгандек сукутга чўмарди. Кўпчилик томошабинлар ана шу монологни тинглаш учун нечанчи бор қайта спектаклга тушаётганликларини изҳор қилишар, кўнглимни тоғдек кўтаришарди. «Сенинг талаффузингни яхши кўраман,— деди Маннон Уйғур бир гал бу монолог ҳақида гап кетганда.— Шунинг учун ҳам спектаклнинг шу саҳнаси келганда залга кириб эшитиб ўтираман».

Устоз санъаткорлар билан ишлаш қанчалик мароқли бўлмасин, театр мени кейинчалик қониқтирмай қўйди. Меҳнаткашлар билан юзма-юз ўз кечинмаларимни, юрагимнинг туғёнларини тўкиб солишни истаб қолгандим. Шу истак-орзу, сўз айтишга ташналик мени санъатимиз дарғалари бўлмиш қадрдонларим даврасидан чиқиб, Ўзбек Давлат эстрада театри (ҳозирги Ўзбек Давлат филармонияси)га ишга киришимга сабаб бўлди. У ерда бадиий сўз ижрочиси бўлиб ишлай бошладим. Бадиий ўқиш санъати орқали мен ўзим учун зарур йўл топгандай бўлдим. Чунки бу жанговар ва сафарбар этувчи жанр театр етиб боролмайдиган бурчакларга ҳам нур каби кириб боришга қодир эди. Айниқса, уруш йиллари нотиқлик санъати фашистларга қарши қуролга айланди. «Ҳамма фронтга!», «Ҳамма нарса фронт учун!» даъваткор шиорлари янграган пайтда сўз санъатининг қудрати беқиёс эди. «Ўртоқ комиссар», «Лениннинг Финландиядан қайтиши», «Жангчи ва булбул», «Улуғ ном» каби асарларимни халқ олдида — ҳарбий комиссариатда, ишчи-колхозчилар ҳузурида ўқиб, неча бор қайта-қайта таскин топганман.

— Санъатшуносларимиз ҳозирги замон Совет ва жаҳон бир актёр театри жанрига ўзбек бадиий сўз ижрочилиги санъати асос солган деб таъкидлайдилар. Сизнингча, уларнинг бу даъвоси тўғрими?

— Театршунослар А. Я. Закушнякни совет бир актёр театри жанрининг асосчиси деб атайдилар. Чиндан ҳам А. Я. Закушняк бадиий сўз ижрочилиги санъатини мустақил театр, мустақил профессионал жанр даражасига кўтарди. Бу борада унга ўзбек халқ бадиий сўз ижрочилиги санъати қўл келган.

Гап шундаки, В. Э. Мейерхольд, В. Ф. Комиссаржевская каби йирик санъаткорлар билан ҳамнафас ижод қилиб юрган профессионал актёр А. Я. Закушняк 1910 йиллардан бошлаб «Интим ўқишлар оқшоми» номи билан кечалар ташкил этиб, тор доирада ҳикоялар ижро этиб юрган. Ўша йили улар Тошкентга келишади. Закушняк бозор майдонида қуёш селини писанд қилмай нимани-дир миқ этмай томоша қилиб ўтирган оломонни кўради. Уларнинг олдида баланд ва узунчоқ арава устига чиқиб олган, башанг кийинган бир ўзбек, ажиб бир мусиқий овозда нималарнидир ҳикоя қилаётганди. У гоҳ алвон рангли чопонига бурканар, гоҳ гўё ўзининг қўли остида турган қандайдир майда нарсаларга ишора қилиб, овоз оҳанги ва қомати ҳолатини тез-тез ўзгартириб турарди. Закушняк ҳаяжонга тушади. У ўзи учун зарур шаклни топганди! Шундай қилиб, ўзбек бозорида топилган бу жанр Закушняк истеъдодидан баҳра олиб, Совет Иттифоқи бўйлаб, сўнгра эса бутун жаҳон бўйлаб тарқалди.

— Дарҳақиқат, санъатшуносларимиз ўзбек бир актёр театри тарихини сизнинг номингиз билан боғлаб талқин этадилар.

— А. Я. Закушняк тажрибалари мен учун мактаб ролини ўтаган. Янги иш жойимда деярли ҳар куни ўз устимда ишлаш, томошабин олдига чиқиш имкониятига эга эдим. Шу билан бирга, сиёсий тарғиботнинг энг фаол шакли билан шуғулланишга эҳтиёж сездим. Дастлабки чиқишларимда В. Маяковский, Ҳ. Олимжон, Ғ. Ғулом шеърларидан тузилган ўн-ўн беш минутлик адабий саҳналарни ижро этдим. Кейинроқ мустақил равишда шеърият кечалари ташкил этишга киришдим. Афишаларда «Адабий концерт» деб аталмиш эълонлар пайдо бўлди. Навоий, А. С. Пушкин, Ҳамза, Ғафур Ғулом, Уйғун, Шайхзода ва яна ўз асарларимдан ташкил топган бадиий ўқишлар тингловчиларнинг қабул қила олиш даражасига қараб 45 минутдан бир ярим соатгача давом этарди. Мана шундай қилиб, ўзбек бир актёр театри жанри республикамизда ўз ҳаётини бошлади.

1952 йилда Борис Печорин «Улуғ ҳаёт саҳифалари» номли икки бўлимдан иборат адабий-бадиий асар устида иш бошлади. Унда В. И. Ленин, Я. М. Свердлов, Ф. Э. Дзержинский, С. М. Киров каби бир қатор давлат арбоблари номидан гапирилади. Бу асар билан мен Ўзбекистоннигина эмас, бир неча қардош республикаларнинг ҳам кўпгина вилоят ва районларини ҳам кезиб чиқдим.

Кейинроқ Расул Ризонинг «В. И. Ленин» поэмаси асосида «Ленин ва Шарқ», шунингдек, «Сўнмас у кунлар шуҳрати», М. Горькийнинг «Инсон» номли фалсафий асари асосида адабий ўқиш материаллари ёзилди.

— Булар ҳақда Борис Печорин шундай дейди: «Бу бадиий ўқиш материалларининг ғоясини даставвал Ҳамидов берди. Қолаверса, уларнинг қандай асар ва лавҳалардан иборат бўлиши, материал танлаш ва монтаж қилиш жараёнига ҳам у жуда фаол қатнашди». Ижро этиладиган спектаклнинг тили жуда равон, кундалик оддий сўзларга яқин ва пишиқ бўлиши шарт. Акс ҳолда, у китобий бўлиб қолади ва тингловчига таъсир этмайди.

* * *

Санъатшунос С. Имомхўжаев «Сўнмас у кунлар шуҳрати» адабий ўқиш спектаклини ҳозирга қадар ўзбек бир актёр театри жанрининг шоҳ асари деб баҳолайди. Умуман, олим Муҳсин Ҳамидовнинг қуввai ҳофизаси ҳақида дейди: «Айтайлик, Шукур Бурҳонов, Олим Хўжаев, Раззоқ Ҳамроев каби йирик актёрлар энг ками 15—20 соатлик асарларни ёд билганларки, бу бир томондан ғайриоддий, иккинчи томондан машқ қилиб чиниқтирилган хотира кучининг маҳсулидир. М. Ҳамидов ҳам айни шу тоифадаги кишилар, яъни бир ёқдан табиатан юксак даражада тараққий этган хотира кучига эга бўлган, иккинчи томондан эса, ўзининг ана шу табиий имкониятларини махсус машқ ва изланишлар орқали ривожланган қувваи-ҳофизаси олий даражагача ривожланган санъаткорларнинг сони бутун республика бўйича ҳам бармоқ билан санарлидир. Муҳсин Ҳамидов ана шу кам сонли санъат алломасидир.

У бир чиқишнинг ўзида бир-бир ярим, ҳатто икки соатлик асарни ёддан гапиради. Ижро этганда ҳам шундай эмоционал, туғён, шундай табиий эҳтирос, ҳиссиёт билан ижро этадики, худди асар биров томонидан ёзилган эмас, худди шу топда унинг юраги қаъридан қайнаб чиқаётгандай таассурот қолдиради. Шунинг учун ҳам кўпчилик тингловчилар унинг қуввai-ҳофизасидан ҳангу манг бўлиб қоладилар. «Шунча нарсани қандай эслаб қоласиз?» деб сўрайдилар. Ҳолбуки, ана шу узоқ муддатлик асар Муҳсин Ҳамидов ёд билган ҳамма нарса эмас, балки унинг хотира хазинасидаги беҳисоб бадиий жавоҳирларнинг фақат бир қисми холос.»

Суҳбатдошимга олимнинг бу фикрларини айтиб, сўрадим:

— Чиндан ҳам Сизнинг бадиий ўқиш санъатингиз олдида ҳайратга тушмай илож йўқ. Айтинг-чи, сиз бунга қандай эришасиз? Бунинг биз тингловчиларингизга маълум бўлмаган сири борми?

— Бунинг сири инсон иродасининг тобланишида, деб биламан,— жавоб беради санъаткор.— Нотиқ бўлиш учун одамда аввало ёниқ дил бўлмоғи лозим. Яъни у қайнай билиши зарур. Бизнинг кўпчилигимиз дангаса бўлиб кетганмиз. Ўз нутқ маданиятимиз, сўз бойлигимиз устида ишлашни хаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Сўзда аввало ўзингиз бўлишингиз керак. Ана шундагина у тингловчига бориб етади. Шу билан бирга, маълумот, ирода, фидойилик талаб қилинади.

Мен ҳар бир бадиий асарни ёдлаш учун бир-икки ҳафта сарфлайман холос. Асар доирасидаги бажариладиган ҳаракатлар аниқ бўлгандан кейин сўзлар ўз-ўзидан ёд бўлиб қолади.

Адабий асарни асосан эрталаб, соат 5—6-ларда туриб, бирор сокин боғда ёки хиёбонда ёдлайман. Эрта тонгдаги икки соатлик ёдлаш асарнинг жуда яхши эсда қолишига ёрдам беради.

— Шоирларимизнинг ўз шеърларини ўқиш санъати борасида нималар дея оласиз?

— Биласизми, шеърни насрга яқинлаштириб ўқиш яхшироқ натижа беради. Шахшахадор қилиб ўқиш маданиятдан эмас. Қуёшми, қуёшнинг ҳароратини бера ол ўқувчига. Насрни эса назмга кўчирсангиз, ўқувчи қофияни ўзи топиб олади. Ҳозир эса бизда шеърнинг сатрларини чўзиб, худдики лўли фол очаётгандай ўқийдилар. Бу билан шеърнинг қимматини туширib юборганликларини билишмайди. Шоирми, профессорми ёки халқ раҳбарими, ўз вазифасини ҳалол уддалашни истаса, аввало нотиқлик санъатини эгаллаши лозим. Доҳиймиз В. И. Ленин, Киров, Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов ҳам зўр нотиқликлари билан халққа таъсир қилганлар. Илгари Н. Муҳиддинов Наманган вилояти партия комитетининг секретари вазифасида ишларди. Ленинградда ўтган йиғилишларнинг бирида сўзга чиққанда унинг талаффузига ленинградликлар ҳайратда қолишган...

— Шогирдларингиз?

— Афсуски, улар йўқ. Тошкент Театр ва рассомлик институти талабаларига икки йил бадиий ўқиш санъатидан дарс бердим. Аммо ёшларимизнинг бадиий ўқишни ўрганишга қунт қилмасликлари, сўзга ҳарорат бағишлай олмасликларини кўриб, ҳафсалам пир бўлган. Бадиий ўқиш кафедраси очилса, эҳтимол, ишлар юришиб кетармикан, деган умид билан ректоратга мурожаат қилдим. Аммо илтимосимни инобатга олишмади. Жуда катта соҳа бу. Аввало жағларни ишлата билиш, овоз, нафас олиш устида ишланса, ҳатто чўпдан нотиқ тайёрласа бўлади.

Суҳбатни Н. ИЎЛДОШЕВА ёзиб олди.

«Баҳор» чарх урганда.

А. Рисқиев сурати (ЎзТАГ).



«БЎРОН»НИНГ ИККИНЧИ ПАРВОЗИ

Қанотли паҳлавон — Ан—225 «Мрия» юк самолёти кўп марта учадиган «Бўрон» фазовий кемаси билан Бойқўнғир — Киев масофасини босиб ўтди.

Аслини олганда бу воқеа ўтган йилнинг 15 ноябрида ўтказилган «Бўрон»нинг орбита бўйлаб автоматик усулдаги парвозидан кейин иккинчи учиши эди. Энди унинг шунинг учун яратилган ҳар томонлама қулай юк ташиш қурилмаси (Социалистик Меҳнат Қаҳрамони П. Балабуевнинг оғир ҳаво юккаши Ан — 225 лойиҳаси мана шундай аталади) билан космодромдан Киевдаги аэродромлардан бирига ўтказилиши лозим эди.

«Бўрон»нинг ҳажмини эслайлик: умумий узунлиги — 36,4 метр, қанотларининг қамрови 24 метрга яқин, юксиз оғирлиги — 65 тонна. Уни елкасига опичлаб олган «Мрия»нинг узунлиги — 84 метр, қанотларининг қамрови 88,4 метр. Бу оғир ҳаво юккашининг устки қисмида махсус маҳкамловчи қурилмалар бўлиб, унда орбита кемаси ёки 250 тоннага қадар оғирликдаги бошқа ҳар қандай ичкарига сиғмайдиган юкларни олиб кетиши мумкин. Дарвоқе, ҳозирдан бу оғир ҳаво паҳлавонига мамлакатимизнинг олис районларидан юк келтириш учун кўплаб талаблар тушаяпти.

Ғоят улкан «Мрия» — «Бўрон» юк ташиш операцияси қандай амалга оширилди?

Бош лойиҳачи ўринбосари А. Буланенко шундай ҳикоя қилади:

— Биз 10 майда Бойқўнғир яқинидаги аэродромга қўндик. 30-40 минутлардан кейин биз томон шатакка олиб келинаётган «Бўрон»ни кўрдик... Космодромда фазовий кемани самолётнинг «томи»га ўрнатиш учун қудратли кўчмас қурилма тузилмаси қўлланилди. Унча катта бўлмаган мутахассислар гуруҳи мана шу «Мрия» билан «Бўрон»ни боғлаш вазифасини икки иш кунига етказмай адо этишди. 11 май куни кечқурун биз аэродромнинг бетон йўли бўйлаб самолётни икки марта чоптириш синовини ўтказдик. Фазовий кема ҳозир, табиийким, бўмбўш: учувчилар хонасида ҳеч ким йўқ, юк бўлмалари бўшатилган, ёнилғи сақланадиган баклар тўкилган. Югуриш ва парвоз чоғида қарши ҳаво оқими «Бўрон»нинг бўш сиғимининг шаклини ўзгартириб юбормаслиги учун самолётдан қуйдирилган ҳавони фазовий кема ичкарисига пуфлаб турадиган махсус механизмлар ўрнатилди.


— Бойқўнғирда неча кун турдиларингиз?

— Ўн кун, шундан ярмини учиш пайтида юк ташиш қурилмаларини синаб кўриш ва текширишга сарфладик. Биринчи класс синовчи-учувчи А. Галуненко бошчилигидаги экипаж «Мрия»нинг кайфиятини, «Бўрон» билан учганда унинг бошқарилишини, учиш тезлигини ҳамда ёнилғи сарфини аниқлаш мақсадида ҳар хил муддатларда учиш синови ўтказди.

Ўтган жума кунининг иккинчи ярмидан Ан-225 ҳаво паҳлавони 2700 чақиримлик Украина пойтахти орасидаги масофани 4 соату 25 минутда қўнмасдан босиб ўтди. Ундан 20 минутдан кейин Ан—124 «Руслан» ҳаво лочини Бойқўнғирдан «Мрия»нинг синов жиҳозлари қисмини ва техник хизмат кўрсатиш мутахассислари гуруҳини келтирди.

23 майда «Мрия» устига «Бўрон»ни опичлаб Киевдан Москва яқинидаги синов аэродромига парвоз этди...

Маълумки, яқинда улар Парижда очилган авиация ва космонавтика халқаро жиҳозхонасига учиб бориб, ўз қудратларини намойиш этишди. Ҳозиргача жаҳонда «Мрия»га тенг келадиган ҳаво паҳлавони йўқ.



«Мрия»нинг «Бўрон»ни опичлаб Киевга парвоз этаётган пайти.

КАРАТЭ ҲАҚИДА ФИЛЬМЛАР

Марҳум каратэчи ва киноактёр Брюс Лининг фильмлари 12 ёшдан 22 ёшгача бўлган совет томошабинлари орасида жуда машҳур. Бунинг сабаби аён, чунки ёшларнинг балоғатга етиб улғайиши, шахсининг шаклланиши, унда турли фазилатларнинг намоён бўлиши, атроф-муҳитга муносабатида ўзини англаб олиши айни шу даврга тўғри келади. Мактаб ўқувчилари, ўрта махсус билим юртларида таълим олаётган ёшлар, талабалар, ҳарбий хизматдаги йигитлар бу фильмлар бизнинг экранларда кам намойиш этилиши сабаблари билан жуда қизиқадилар. Ўзингизга маълумки, спортнинг каратэ ва кунгфу каби усуллари кўпгина кураш бўлимлари машғулотларига киритилган, шунингдек, ёшлар Брюс Ли фильмларини томоша қилиб завқланишарди. Лекин шуни унутмаслик керакки, Брюс Ли ишлаган йўсиндаги фильмлар бизда курашнинг каратэ усублари билан шуғулланиш мумкин бўлган мактаб бўлимлари ёпилиб, уни ўргатиш таъқиқланган йилларда айниқса катта қизиқиш уйғотди. Кинопрокат ходимлари, фильм билан савдо қилувчи ташкилотлар кенг омма ҳукмига ҳавола этилиши таъқиқланган фильмларни тарғибот қилиш ҳуқуқидан маҳрум эдилар. Ҳозирги кунга келиб ўз-ўзини мудофаа қила олиш санъати саналган спортнинг бу турига эътибор янада кучайди. Бунга Хитой ва КХДР спортчилари билан бўлган алоқанинг қайтадан тикланиши туфайли эришилиб, бу мавзудаги фильмларни намойиш этиш ҳуқуқи берилди. Бу борада хитой кинематографчилари томонидан ишланган фильмлар бизнинг экранларда ҳам намойиш этилади, деган умиддамиз. «Шаолиннинг жанговарлик санъати» кинолентаси Марказий телевидениянинг «Вокруг света» киноальманахида лавҳалар кўрсатиш билан томошабинларни таништириб бормоқда.



Суратда: Джэки Ченнинг «Довюрак сиртлон» номли янги фильмидан лавҳа.

ЛУКСОР ИБОДАТХОНАСИДАГИ ТОПИЛМАЛАР



Миср олимлари Луксор ибодатхонасида олиб борган археологик тадқиқотлари натижасида бу ердан 15дан зиёд қадимги Миср ҳудолари ва фиръавнларининг ҳайкалларини, тилла ва кумушдан ясалган кўплаб сопол идишларни ва кундалик эҳтиёж буюмларига оид анжомларни топишга муваффақ бўлишди. Қадимги Дунёнинг бебаҳо эҳсонлари ичида Тутанхамон даврига мансуб мармартошдан ясалган одам бошли ҳайвонларнинг ҳайкаллари, Қуёш ҳудоси Амон ва Осмон маъбудаси — Мутанинг ҳамда тиз чўкиб сажда қилаётган Рамзес II туркумига оид ҳайкаллар ҳам аниқланди.

Айниқса, фиръавн Тутмос IIнинг ҳайкали ниҳоятда улуғвор ва жозибадорлиги билан ўзига мафтун этади, ушбу ҳайкалнинг супачасига: «Амона—Ра ҳудонинг суюклиси» деган сўзлар битилган.

Бу тадқиқотлар қадимги Мисрда ҳали номаълум бўлган ҳудолар ва фиръавнларнинг номини аниқлашга ва тарихга киритилишига катта ёрдам беради. Миср олимлари Луксор ибодатхонасида қидирув тадқиқот ишларини астойдил синчковлик билан давом эттириш ниятидадирлар, — деб хабар беради «Аль-аҳром» газетаси.



«ПАХТАКОР» КОМАНДАСИНИНГ АВИА ҲАЛОКАТИГА УЧРАГАНИГА ЎН ЙИЛ БЎЛДИ

...Минск шаҳридаги марказий стадионга футбол ишқибозлари оқими дарёдай қуюлиб келаётир. Мухлислар ҳаяжонда. Чунки мамлакатнинг икки кучли командаси ўзларининг катта имкониятларини намоён этиши, мазкур ўйин шиддатли ва қизғин бўлиши кутилаётган эди. Лекин ўйин бошланишга бир неча дақиқа қолган бўлса ҳам стадионда одатдан ташқари ҳукм сураётган руҳ ҳаммани бирдай таажжублантирарди.

Ниҳоят белгиланган вақтда стадион таблосида «Пахтакор»— Тошкент — «Динамо»— Минск сўзлари ёзилди. Дикторнинг ҳирқироқ, ғамнок овозидан йиғилганлар ҳайрат ва хавотирга туша бошладилар. Меҳмон команда состави таништирила бошланди: «Пахтакор»— Тошкент: дарвозабон — Сергей Покатилов. Шу вақт енгига қора ҳошия боғлаб олган йигит дарвоза олдига келиб, ўз ўрнини эгаллади. «Иккинчи рақамда Николай Куликов» энди ўша рақамдаги боши эгик ўйинчи стадионга кириб келди. «Олим Аширов»... Учинчи рақамдаги ўйинчи марказий ҳимоячи ўрнига бориб турди.

Бутун стадиондаги оломон бу ғайри одатий манзарани сукут билан, нафасларини ичга ютиб кузатар, «нега?», «нимага?» деган савол бўғизларига қадаларди. Шу вақт дикторнинг мотам садолари остида фожиа ҳақидаги хабаридан сўнг, минглаб мухлисларнинг бўғизларидан даҳшатли «Оҳ» деган нидо отилиб чиқди...

Тўп тепиб, куч синашишни ният қилган, доимо ишқибозларнинг олқишли ҳайқириқлари остида майдондан мағрур чиқиб кетадиган «Динамо» командаси биринчи марта мотамсора сукут билан, энди уларга ҳеч қачон рақиб бўла олмайдиган ўзбек футболчиларининг номи ёзилган 17 гулчамбарни кўтарган кўйи, бошлари эгик ҳолда стадиондан чиқиб кетдилар...

1979 йил 11 август минсклик футбол ишқибозлари хотирасида бир умр шундай муҳрланиб қолди. Уша куни ҳар галги юмушларни ҳал этиш учун жумҳурият физкультура ва спорт комитетига келдим. Лекин бу ерда қандайдир англаб бўлмас воқеа кечарди. Кишиларнинг ранглари оқарган, ҳамма қаттиқ ҳаяжонда, телефонлар тўхтовсиз жиринглар, ҳар томондан одамлар ҳовлиқиб келишарди. Республика судьялар уюшмаси бошлиғи Виктор Вишинскийдан: «Ўзи нима гап, тинчликми», — деб сўрадим. «Э, Ахборжон, хабаринг йўқми, Минска бораётган самолёт ҳалокатга учрабди. «Пахтакор» командаси аъзолари ва барча йўловчилар, экипаж аъзолари ҳам ҳалок бўлган...»

Наҳотки! Пешонамдан музлек тер чиқиб, кўз олдим хиралашиб кетди. Ўйлайманки, бундай кезда ҳеч ким ўзини тутиб туролмаса керак. Айниқса фаолиятини ўлка футбол тақдирига боғлаган менинг аҳволимни муҳтарам ишқибозлар тушунса керак... Наҳотки спорт гултожи бўлган, футбол турида жумҳурият шуҳратини кўтариб келаётган эндигина олий лиганинг энг сара командаларидан бирига айланган, футбол техникасида ўзларига хос маҳорати шаклланиб, энди фақат ғалабалар нашъасини сурадиган пайт келганида...

Шум хабардан дилим вайрон бўлиб қайтар эканман, маҳалламизнинг нуронийларидан бири Санжар отага дуч келиб қолдим. У киши футболга ўта ишқибоз. «Пахтакор»нинг Тошкентда ўтадиган ўйинларига канда қилмай боради. Мен билан қаерда учрашиб қолсалар, футбол ҳақида, «Пахтакор» ҳақида саволларни ёғдириб ташлайдилар. Бу сафар ҳам гапни футболдан бошладилар. «Ахборжон ўғлим, Минск динамочилари билан бугунги ўйин қандай бўлар экан?»

Ғалати бўлиб кетдим... тилим айланмайди. «Бугун ўйин бўлмайди»,— дея олдим холос.

— Нега?

— Ҳалокат, отажон, ҳалокат... — Бошқа сўз тополмадим. Отахон ҳаммасини тушунди. Секингина «кимлар» деди у шалвираб.

— Ҳаммалари... — Водариғ, қариянинг киприкларида мунчоқ-мунчоқ бўлиб думалаб тушаётган аччиқ, аламли кўз ёшларини кўрдим. Ёш қалқир, у унсиз йиғларди. Бу дард эди, парча-парча бўлиб кетган умид эди бу кўз ёшлари.

Эртасига бутун мамлакат мудҳиш фожиадан хабардор қилинди. Газета дўконлари олди тирбанд, газеталар қўлма-қўл, нигоҳлар мунгли, бурчак-бурчакда баъзан ошкора йиғисиғилар кишининг дилини ўртаб юборади. Уша куни бутун жумҳурият мотам тутди. Қўлимдаги ғижим бўлиб кетган газетани ўқийман...

«1979 йил, 11 август куни Тошкент — Донецк — Минск маршрути бўйлаб учаётган ҳаво лайнери Днепродзержинск районида қарши йўналишдаги самолёт билан тўқнашиб кетиши натижасида ҳалокатга учради, икки самолётдаги йўловчилар ва экипаж аъзолари фожиа қурбони бўлдилар. Улар орасида «Пахтакор» футбол командасининг 17 аъзоси ҳам бор: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган тренер Идгай Тазетдинов, халқаро классдаги спорт мастери Владимир Федоров, ёшлар ўртасида Европа чемпиони Михаил Ан, спорт мастерлари Олим Аширов, Сергей Покатилов, Равил Агишев, Николай Куликов, Юрий Загуменных, Владимир Макаров, Константин Баканов, Александр Корченов, Виктор Чуркин, спорт мастерлигига номзодлар Шуҳрат Эшбўтаев, Владимир Собиров, Сирожиддин Бозоров, команда администратори Мансур Толибжонов, медицина фанлари номзоди, команда врачи Владимир Чумаков».

Идгай Тазетдиновнинг орзулари юксак эди. У «Пахтакор»ни Иттифоқнинг энг кучли командаларидан бири даражасига чиқармоқчи эди.

Олим Аширов, Михаил Ан ҳали майдонда тўп суриб толмайдиган ёлқин эди. Ҳали севиб-севилмаган Сирожиддин Бозоров самолётга чиқишдан олдин қаттиқ ҳаяжонда бўлганлиги табиий. Чунки у биринчи марта асосий команда составида майдонга тушмоқчи эди. Афсус, уларнинг орзулари муаллиқ қолди.

«Пахтакор»нинг нафақат Ўзбекистонда, балки, бошқа қардош республикаларда ҳам кўплаб мухлислари бор эди. Уша кунлари ҳамдардлик хат ва телеграммалари Тошкентга оқиб кела бошлади.

«Азиз биродарлар — деб ёзишади бир гуруҳ грузиялик футбол мухлислари физкультура ва спорт комитетига юборган телеграммаларида.— Биз ҳалок бўлган 17 пахтакорчи хотираси олдида бош эгамиз. Илтимос, таъзиямизни марҳумлар оиласига етказсангиз. Биз ўзбек футболи яна қайта тикланиб, шон-шуҳратга кўмилишига ишонамиз».

Ҳар доим марҳум дўстларимни хотирлаб ўтириб, улар билан танишган, ғалаба нашъаларини бирга тотган кунларни эслаб кетаман. Эсимда... Герман Титов номли спорт йўналишидаги республика интернат мактаби ҳамда Ўзбекистон пойтахти мактабларининг тўққизинчи синфларида таълим олаётган 6 ўқувчи ўсмирлар ўртасида СССР терма командасига номзод қилиб рўйхатга олиндилар. Қишки таътил кунлари улар билан Кавказдаги Эшери шаҳри спорт базаларида ўтказилган терма команда йиғинларида иштирок этиш менга ҳам насиб этган эди.Уша вақтнинг ўзидаёқ футбол усталари Михаил Аннинг келажаги порлоқ эканлигини тан олган эдилар.

«Пахтакор»да ҳам, терма команда сафида ҳам унинг маҳорати кун сайин ошиб борди, СССР терма командаси ёшлар ўртасидаги Европа чемпионатида зафар қучган дақиқаларда бош совринни биринчи бўлиб коллектив капитани Михаил Ан қабул қилган эди.



«Пахтакор» футбол командасининг ҳалок бўлган аъзолари хотирасига ўрнатилган ёдгорлик.

... Хизмат юзасидан Ростов — Дон шаҳрига борадиган бўлдим, патта олиш мақсадида аэрофлот кассаси томон йўл олдим. Ҳаво ниҳоятда иссиқ, навбатда турганлар ҳам анчагина, навбат кута бошладим. Бироз вақт ўтгач, бу ерга шошганича «Пахтакор» командасининг администратори Мансур Толибжонов келиб қолди, ҳазилкаш, хушчақчақ Мансуржон мени кўриши билан вазиятни тушунди. «Уят эмасми, мендек укангиз бўлсаю, сиз навбат кутиб турсангиз. Мухлислар олқишини қозонган «Пахтакор»чимиз-а! Бўлинг паспорт ва пулингизни беринг».

...Ўзбекистон телевидениесининг спорт кўрсатувлари Бош редакцияси Бутуниттифоқ физкультурачилар кунига бағишлаб махсус программа тайёрлаган эди, у эфирга чиқарилишидан аввал телевидение раҳбарлари томонидан кўриладиган бўлди. Программа намойиши давомида унинг икки жойида, овоз масаласида носозлик борлиги аниқланди. Маслаҳатлашиб кўрсатувни олиб борувчи ҳамкасбимиз, ажойиб спорт журналисти Роман Туришчев 11 август куни эфир ортидаги ўша носозликни тузатиб кетишига келишилди. Шунда, Роман: «Ўртоқлар, ахир мен ўша куни «Пахтакор» командаси билан Минск шаҳрига учиб кетишим керак-ку», деди. Раҳбарлар эса: «Ҳечқиси йўқ, тайёра паттасини топширинг» деб тайинлашди. Туришчев паттани кассага топширишга мажбур бўлди, ўша машъум рейсда учмади... Минг афсуски, жонкуяр спорт тарғиботчиси ҳам ҳозир орамизда йўқ.

«Пахтакор» командасини қайта тиклаш борасида кўпгина ишлар амалга оширилди, (гарчанд уларнинг баъзиларини тўғри қилинди деб айтаолмаймиз) бир гуруҳ мутахассислар ва ўйинчилар Тошкентга таклиф этилдилар. Ўша машъум воқеага уч йил тўлгач, пахтакорчилар Олий лига коллективлари ўртасида фахрли олтинчи ўринни эгаллаб, бир гуруҳ футболчиларимиз спорт мастери талабларини бажардилар. Ўтган йили биринчи лига командалари ўртасида илк бор ташкил этилган кубок ўйинларини муваффақият билан ўтказиб, биллур совринни қўлга киритишга муяссар бўлдилар, бу йил ҳам шу хилдаги учрашувларни кўтаринки руҳда ўтказиб, биринчи лига кубогининг ярим финалига йўлланма олдилар.

Футболчиларимиздан Андрей Пятницкий ва Миржалол Қосимов СССР ёшлар ва ўсмирлар терма командасига таклиф этилдилар, Миржалол жаҳон ва Европа чемпионатларининг олтин медаллари билан тақдирланди.

Шу кунларда коллективимизда Александр Яновский, Мустафо Билолов, Сергей Бондаренко, Геннадий Денисов, Сергей Ковшов, Василий Постнов, Геннадий Роткович, Олег Синелобов каби тажрибали ўйинчилар билан бирга Евгений Корнюхин, Андрей Микляев, Асад Дўрмонов, Азамат Абдураимов каби ёшлар ҳам ўз маҳоратларини ошириб бормоқдалар. Командани истеъдодли ўйинчилар билан тўлдириб бориш мақсадида шу йилнинг ўзида Равшан Мухадов («Копетдоғ», Ашхобод), Улуғбек Рўзимов («Жайхун», Урганч), Замир Селимов («Косонсойчи», Косонсой), Алберт Цараев («Сурхон», Термиз)лар «Пахтакор»га таклиф этилдилар. Александр Кожухов, Мақсуд Ирисбоев, Рифат Галиевлар ўйинидан барчамиз хурсанд бўлмоқдамиз. Моҳир ҳужумчиларимиз Игорь Шквирин ва Марат Кабаевлар «Днепр»дан командамизга қайтиб келдилар. Республикамиз коллективларидаги ёш ва маҳоратли футболчиларни «Пахтакор» командасига тайёрлаш борасида ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Пахтакорчиларнинг ҳозирги авлоди ўз командалари руҳини ёд этган ҳолда майдонда жасорат намуналарини кўрсатиб, миллионлаб футбол шинавандаларини шод этишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар.

Олий лигага йўлланма олиш учун қизғин кураш давом этади, бу курашга отланганлар орасида шубҳасиз «Пахтакор» командаси ҳам бор. Асосий мақсад яқин йиллар мобайнида мамлакатнинг энг кучли коллективлари иштирок этадиган лига ўйинларида тўп суришдир.

Ахбор ИМОМХЎЖАЕВ,
«Пахтакор» командасининг бошлиғи

ГЎЗАЛЛИК МАЛИКАЛАРИ—89







Бухоро районидаги 1-ўрта мактаб битирувчиси Гулҳаё Исмоилова Тошкент Давлат циркида ўтказилган Ўзбекистон маликаси кўригининг ғолиби деб топилди. Биринчи ўринни олган андижонлик Н. Эргашева, иккинчи ўринни эгаллаган бухоролик Е. Шарипова, учинчи ўрин маликаси тошкентлик И. Басковаларга ҳам кўрик тожи насиб этди.

А. Рисқиев суратлари (ЎзТАГ)



Ҳақир-тиканак

ПЕШТОҚДАГИ «ДОҒЛАР»

Қайта қуриш туфайли юзага келган ошкоралик даврида она тилимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ролига ҳамда уни ривожлантиришга, халқнинг талаб ва истакларига алоҳида эътибор берилаяпти. Лекин баъзан йўл қўйилган кичик хатолар ва эътиборсизликлар халқнинг ориятига, миллий нафсониятига тегиб кетиши мумкин. Масалан, пойтахтимизнинг Чорсу майдони ва Навоий кўчасида жойлашган янги савдо расталарининг номланишига бир эътибор беринг-а (савдо расталарининг жойлашув тартиби бўйича келтирдик): «Пойафзал — Обувь», «Ремонт муз. инструментов», «Кафетерий», «Ташгорпрокатразнобыт», «Пельменная», «С/Б Обувь», «Росомаха», «Буревестник», «Мечта», «Березка», «Газмол — Ткани», «Фотосалон», «Кафе «Шарк», «Мороженое», «Минутка». Яна йўлнинг бу юзига иккита магазин қурилаяпти. Олдинган ёрлиғи ҳам осиб қўйилган — «Комиссионный», иккинчиси «Хўжалик моллари — Хозтовары». Пойтахтимиздаги савдо расталари номларини ёзишдаги бир томонламалик кишини ажаблантиради. Ахир Тошкент шаҳар ижроия комитети томонидан икки тилда ёзиш ҳақидаги ташаббусни амалга оширишда нима учун ҳафсаласизлик қилинаётир? Савдо қаторидаги кўзга яққол ташланадиган, номланишини луғатдан қидириб топмаса, унча-мунча одам тушунмайдиган «Росомаха» магазинига кирдик. Ичкари кириб савдога қўйилган буюмларни кўздан кечирамиз. Магазин «эшагига тушови ярашмайдиган» хилидан экан. Чунки магазин номидан келиб чиқилганда бу ерда мўйнали кийимлар сотилиши керак. Лекин ширкат магазинига киравериш-гизда беҳаё суратларга, ёшларнинг турли-туман хорижий кийим-кечакларига, пардоз буюмларига кўзингиз тушади. Ҳа, айтгандай, йўқдан кўра, номига бўлса ҳам аёлларнинг 10—15 жуфт модадан қолган мўйнали бош кийими осиғлиқ. Магазин мудири Яков Валеевич Молковга бир неча савол билан мурожаат қиламиз.

— Магазинни савдога қўйилган буюмларга яқинроқ сўз билан номлаш мумкин эмасми? Ахир ҳозирги номи харидорни чалғитишдан ўзга нарса эмас-ку!

— Ҳа, бу иш қийин эмас, ёқмаса ўзгартираверамиз-да, — жавоб қилди бепарволик билан Яков Валеевич. Хоҳлаган мудир магазин номини ўзгартираверса, Молковдан кейин бўладиган мудир магазин номини нима қўяр экан? Ҳа, ҳозир бир-биридан қолишмайдиган ўхшаш ширкат магазинларнинг бозори чаққон. Улар худди ёмғирдан кейин патраб чиқадиган қўзиқоринидек кўпайиб кетди. Ширкат магазинларининг сотувчилари шаҳар бедарвоза деб истаган номни танлаб ёзиб қўйиши мумкин эмас. Уларнинг фаолиятини тегишли ташкилотлар назорат қилиб туришлари лозим. Шундан сўнг «Ремонт муз. инструментов» (Музика асбобларини созлаш устахонаси)га кирдик. Уста Абдуқодир Алимов иш устида экан. Биз юқоридаги ёзувни ўзбек тилида ҳам номланиши зарурлигини таклиф қилганимизда Абдуқодир фикримизни маъқуллади, безакчи рассомга айтиб ёздиражаклигини билдирди. Бу таклифга фотосалон мудири Илья Маркевич қуйидагича фикр билдирди: «Фотосалон»нинг қандай номланиши бир неча бор мажлисларда, «Ташгорфото»да бўлган йиғилишларда кўриб чиқилди. Лекин натижа ўзгармаяпти. Барча савдо корхоналарини номлашга бир хил ёзув тахтаси берилса, кейин бажарилармиш. Биз ҳам шуни кутиб турибмиз. «Таштекстильшвейторг»га қарашли магазинга кирганимизда ёзувдаги саводхонликни кўриб, бир оз қувондик. Пойтахтдаги 67 савдо дўконига бошқарма томонидан бир хил номланиш тахтаси тасдиқланилди, — дейди магазин мудири Акмал ака Қосимов. — Магазинимиз Тошкент шаҳар Савдо бош бошқармасига қарашли ижара пудратидаги 13-сон дўкони деб аталади.

Пойтахтимиздаги қолган газмол дўконлари ҳам худди шундай номланиш тахтасига эга бўлишдими?


— Йўқ, ижара пудратидаги газмоллар магазинларига ана шундай номланиш тахтаси берилди.

«Пельменная» — Октябрь район умумий овқатланиш корхонасига қарашли ошхона. Трест ажратган маблағдан холи тарзда хўжалик ҳисобига ўтган ошхона номини ўз маблағи ҳисобидан ўзбек тилида ёздириши керак. Шунингдек, «Шарк» кафеси, қатор кичик дўконлар ҳам номларини ўзбекча эълон қилишлари керак. Шу ерда дўконларининг ўзбекча номланганда қандай аталишини билмайдиган мудирларни кўриб ҳайрон қоласан киши. Янги қурилган, ишга тушишга ҳозирланаётган, энг аввал ёрлиғи йирик ҳарфлар билан хассадай қилиб ёзиб қўйилган «Комиссионный» магазинига кирдик. Магазин мудири Р. Газаров Тошкент шаҳар Савдо бош бошқармаси томонидан текширилиб, ташкилий комитетда кўрилиб, безакчи рассом томонидан ёзилган 2 йўсиндаги дўкон ёрлиғини кўрсатди. Унда қуйидагича сўзлар битилган: «Тошкент шаҳар Савдо бош бошқармасига қарашли «Ташкомиссионторг» магазин 52/1 иш вақти, танаффус, дам олиш куни». Ёрлиқни магазин мудирига ҳавола этган ўртоқлар ундаги «Ташкомиссионторг» сўзининг таржимасига келганда нўноқлик қилишибди. Шунингдек магазин 52/1 сўзи 52/1-сон дўкони дейилишида наҳотки саводсизликка йўл қўйишганини билишмаса.

«Березка» магазинининг мудири О. А. Васильевичнинг бу ҳақдаги фикрини билдик. Мен ўзим Тошкент шаҳрида туғилганман. Березка ўзбекча оқ қайинми? Жуда чиройли сўз. Албатта икки тилда ёзилиш ҳақидаги масала бизга бир неча бор айтилди. Кейин яна жим бўлиб қолишди. Хўш, ана шундай эътибор халқимизга қачон кўрсатиларкин. Бу номланишлар халқнинг иззат нафсига тегмайдими? Ҳа, бундай беандишалик биргина пойтахтимизнинг энг хушманзара, сергавжум Чорсу майдонида, Навоий кўчасидагина ўз ифодасини топмаган. Жумҳуриятимизнинг бошқа шаҳар ва қишлоқларида ҳам «Мороженое», «Школьный базар», «Продтовары» деган ёзувлар туб аҳоли тилида ифодаланмаслигини кўп учратганмиз. Ахир улар аввал ўзбек тилида, кейин лозим топилса, бошқа тилда ёзилса мақсадга мувофиқ бўларди. Наҳотки 600 мингдан зиёд сўз ва ибораларга бой луғатимизда магазинларни номлашга чиройли сўзлар топилмаса? Биз келтирган мисоллар майдадай кўринса ҳам ўз тилимизга бўлган эътиборсизликдан дарак беради.

Ҳақиқатан ҳам шаҳримиздаги савдо расталарининг номланишини кўриб, қаттиқ ранжийди киши. Улар саводсизларча, кўр-кўрона, харидорларни тезроқ жалб этиш мақсадида ажи-бужи безаклар билан осиб қўйилган. Шу ерда яна бир нарсани айтиб ўтиш жоиз. Ҳар қалай, кўча номлари, эълонлар, лавҳаларда учрайдиган хатоликлар тузатилди, албатта ундан халқ мамнун бўлмоқда. Афсуски, юқорида таъкидланган камчиликлар фақат савдо расталаридагина эмас, балки бошқа муассаса ва ташкилотларда ҳам учрайди. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, ўз она тилига ҳурмат билан муносабатда бўлган инсонларнингина орзулари чексиз, келажаги порлоқ бўлади. Улар ўзга халқларга ҳам ана шундай меҳр, ҳурмат билан муносабатда бўла оладилар.

Нодира ТОЖИЕВА



— «Росомаха»си нима бўлди экан?



— «Чучварани хом санаш» дегани шу бўлса керак-да!

Тўра СУЛАЙМОН

АЛҲАЗАР

Пахта деб поёни йўқ ердан айрилмадикмы?
Тўқайдан, қирғовулдан, қирдан айрилмадикмы?
Яйлов, қўра, қўй-қўзи, сурдан айрилмадикмы?
Карнайдаги сафсата, суронлардин алҳазар!

Мусибат эл бошида Маҳмуд Ялавоч турса,
Ўз тилини унутиб ёнида тилмоч турса,
Қазноқ ичида туриб эл оч, яланғоч турса,
Мозори кўпдин айри аъёнлардин алҳазар!

Тўзим берсин жонингга сабр-бардошли халқим,
Азал бошдин тупроғи, тоғи талошли халқим.
Ўз нонига шерикка қозони ошли халқим,
Шиорларда дўстлиги гумонлардин алҳазар!

Минбарларда ваъзхонлик, кўп кўнгли вайрон асли,
Биз — алпон, деганларнинг жисми ногирон асли,
Самоводтин бир йўла келгандай қирон асли,
Фармон устига чиққан фармонлардин алҳазар!

ОШПАЗ ҚАЕРДА ОВҚАТЛАНАДИ?

Азимжон ҳар доимгидек ишдан шом қоронғусида қайтди. Остонада хотини уни қовоқ-димоқ билан кутиб олди.

— Ўша ошхонангизда тунаб қолавермабсиз-да!

Азимжон индамай ётоқхонага кириб кетди, аммо хаёлида: «Шу, ишдан чарчаб келганингда хотин зоти кулиб турса-да», деган ўй билан кийимларини алмаштира бошлади.

...Эрининг ичкаридан ҳадеганда чиқавермаганидан хавотирланган Дилноза жилмайганича кириб келди:

— Дадаси, бугун кечқурун телевизорда сиз яхши кўрадиган кино бўларкан.

Азимжон жавоб қайтармади. Бироздан сўнг сўради:

— Овқатинг тайёрми?

— Бироз сабр қилинг. Ошхонадан келаяпсиз чоғи? — зарда қилди хотини. — Эрталабдан буён тинганим йўқ. Қуш тинса тинадики, хотинларда тиним йўқ. Ишхонада бошлиғингнинг қадамига қарасанг, уйда эрингнинг қош-қовоғига дучорсан!.. Ваъзиларга ўхшаб кино-пинога бориш ҳам йўқ...

Азимжон хотинининг гапларига парво қилмади, ҳар кунги гаплар, деб қўл силтади. Қорни оч эди. У хотини келтирган мошхўрдани ҳузур қилиб ичди. Овқатдан сўнг босиб-босиб чой ҳўплаганича телевизорнинг қулоғини бураб. Аллақандай эшиттириш берилаётган экан. Еқмади. Хотини билан гаплашгиси, негадир кундуз куни қилган ишларини айтгиси, дилидаги гапларни айтиб, юрагини бўшатиб олгиси келди.

— Биласанми, Дилноза, — деди у, — бугун пешинда ўзим тайёрлаган овқатдан бирор қошиқ ҳам ичолмасам-а? Одамларга раҳмат! Тушлик учун қилган овқатларимизни кўкариб кетган гўштлардан тайёрлаган эдик. Бир қисмини яхшилаб зиралаб, саримсоқлаб котлет қилиб, пуллаб юбордик. Ёб юборишди-я, азаматлар! Одамларнинг ошқозони темир-а, темир, заҳарни ҳам ҳазм қилиб юборадиган бўлиб қолган шекилли. Шефимиз яна мендан хурсанд бўлди, елкамга қоқиб қўйди. Энди ҳафтанинг охирида анувнисининг чўғи ҳам яхши бўлади, ҳа, ишонавер.

— Ҳамма ёқда хўроз бир хилда қичқираркан-да! — деди Дилноза. — Ҳозир бизнинг ошхонада ҳам овқатнинг мазаси қочди. Ҳеч таъбингиз тортмайди. Пул сарфлаб овқатланасиз-у, икки соатда қорнингиз «чулдираб» қолади. Ҳой, менга қаранг, айтганча, ўшанақа овқат тайёрлар экансизлар, ўзларингиз қаерда овқатланасизлар? Еки оч-наҳор юраверасизларми?

— Қизиқсан-а, Дилноза, овқатнинг хўрозини биз еймиз-да! Бизнинг шеф ҳазилакам одам эмас. Акром бойвачча дейдилар уни. Унча-мунча овқатни писанд қилмайди. Ҳар куни тушда хонадонлардаги ширкатчилик ошхонасига, кабобхўрликка олиб боради. Айрим кунлари ўзимизга алоҳида овқат тайёрлатамиз.


— Кўчага озиб-ёзиб бир чиқиб қолсак бир қошиқ ҳам овқат олдирмаслигингизнинг сабаби бор экан-да. Танобларингни тортиб қўядиган идора борми ўзи? Ҳам эндан, ҳам бўйидан урмасдан тўғри ишласаларингиз бўлмайдими-а?

— Соддасан-да, Дилноза, кунига тушиб турмаса юз сўм ойлик билан оила тебратиб бўладими? Бордию уйингда бирон нарса етишмаса, эркакмисиз, рўзғорни бутлаб қўйинг, дейишга устасанлар! Яна ақл ўргатишингга куйиб ўлайми?

Азимжон у деса, Дилноза бу деди, хуллас, шу куни эр-хотин бироз қизаришиб олишди...

Ошпазлар хонадонида бундай воқеалар бўлмаслиги мумкин, лекин ошхоналардаги овқатга келганда минг карра рост, дегимиз келади. Хўш, умумжамоат овқатланадиган ошхоналардаги вазият шундай экан, уларни назорат қиладиган мутасадди ташкилотлар қаерга қараяптилар? Назорат сустми ёки назоратчи акаларнинг ўзлари ҳам юлғичлар билан оғиз-бурун ўпишиб, қўл синса ҳам енг ичида қабилида иш тутаяптиларми?!

Маъпура НАБИЕВА



КРОССВОРД

ЭНИГА: 1. Шаффоф оч-яшил қимматбаҳо тош. 3. Ҳиндистоннинг Жамна дарёси бўйидаги дунёга таниқли меъморлик ёдгорлиги. 6. Бинонинг қубба шаклидаги томи. 8. Самарқанддаги меъморлик обидаси. 11. Ўзбек халқ куйи. 12. Руҳий кўтаринкилик, шавқ. 13. Ўсимлик танасининг ички, асл қисми. 15. Тиниш белги. 19. Илк ўзбек саҳнасининг раққосаси. 20. Иморатнинг икки ён деворига ўрнатиладиган ёғоч. 21. Рўзғор буюми. 22. Темирчилик ашёси. 28. Шамсия йили ҳисобидаги ой номи. 29. Мамлакат аҳолиси. 30. Ер қазиш механизми қисми. 31. Қурувчилик касбларидан бири. 34. Литва ССРдаги порт шаҳар. 35. Ҳузур-ҳаловат ҳисси, маза. 36. Ўзбекистон ССР халқ шоири. 37. Тошкентдаги меъморлик ёдгорлиги.

БЎЙИГА: 1. Ўзбек халқ достони. 2. Самарқанд областидаги шаҳар. 4. Пичан қирқиш асбоби. 5. Ёғин суви асосидаги деҳқончилик. 7. Танаси қаттиқ дарахт. 8. Доим яшил жанубий ўсимлиги. 9. «Гўрўғли» туркумидаги достонлардан бири. 10. Чирчиқ дарёсидан бошланувчи сув йўлларидан бири. 14. Қозоғистон ССР жанубидаги тизма тоғ. 16. Машҳур ўзбек халқ меъмори ва ганч ўймакори. 17. XIV аср форс-тожик шоири. 18. Юмшоқ, кумушсимон оқ рангли маъдан. 21. Улуғ рус физиолог олими. 23. Урма миллий мусиқа асбоби. 24. Бинони лойиҳаловчи мутахассис. 25. Сув ости ишларини бажарувчи касб-кор. 26. Маъдандан металл эритиб олишда ҳосил бўладиган тошсимон чиқинди. 27. Сурхондарё областидаги ғор. 32. Афсонавий қуш. 33. Зеб-зийнат буюми, тақинчоқ.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

7- СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

ЭНИГА: 5. Туркистон. 8. Тиллакори. 9. Лабиҳовуз. 11. Ўтар. 12. Долчин. 13. Азим. 16. «Роҳат». 17. Оқтош. 20. Раста. 21. Афросиёб. 22. Сабзавот. 23. Сарой. 24. «Далли». 26. Работ. 30. Ойна. 32. Гончар (Олесь). 33. Бурч. 34. Шаҳрисабз. 35. Арабистон. 36. Шоҳизинда.

БЎЙИГА: 1. Биллур. 2. Руҳобод. 3. Чорбакр. 4. Минора. 6. Чилтор. 7. Мусиқа. 10. Ғишт. 14. Камолон. 15. Чағалай. 18. Қубба. 19. Оқсил. 23. Сайқал. 25. Лаос. 27. Тарлон. 28. Оқсарой. 29. Чаканда. 31. Арриёд. 33. Босқон.

Чақир-чиқирлар

* * *

«Чақалоққа Чашма деган исм қўймоқчи эдим, хотиним: «Қизимга винонинг отини қўймайман!» деб уришиб берди».

(Винохўр кишининг ҳасрати)

* * *

«Футбол ўйинида оёқни эмас, каллани ишлатиш керак».

(Тўпни дарвозага калласи билан киритадиган футболчининг гапи)

МУҚОВАДА

Биринчи бет:

Ризқ улашувчи бободеҳқон қўли.

Ш. Иброҳимов сурати

Гуллар...

Н. Шарипов сурати

Жиззах чўлларига обиҳаёт элтувчи новариқлар. Янгиердаги темир-бетон заводи. Сўлим Майдонтол. Марғилон атласчилари.

А. Губенко суратлари

Редакцияга келган бир босма тобоққача бўлган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Бу сондаги айрим материалларни тайёрлашда «Правда», «Известия» газеталари ва «Вокруг света» журналидан фойдаланилди.

Босмахонага туширилди. 19.06.1989 й. Босишга рухсат этилди 21.07.1989 й. Р—09822. Қоғоз формати 70×108 1/8. Офсет усулида босилди. Қоғоз тури босма № 1. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Шартли рангли намуналар 16,8. Тиражи 142439. Буюртма № 996. А—129. Баҳоси — 35 т.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000. Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.


Бешқизилсойда ёз. А. Губенко фотоси

Бўстонликда Наврўз тантанаси.




Наврўз сайлида арғимчоқ учиш. Р. Нуримбоев фотолари





Майдонтол манзараси.

Баҳоси 35 тийин.
Индекс 75233.



Чотқол қўриқхонаси. Бешқизилсой. А. Губенко фотолари